

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,  
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМАИЛОВА ЗУХРА КАРАБАЕВНА**

**МУСТАФОЕВА ДУРДОНА АСИЛОВНА**

**МУТАХАССИСЛАРНИНГ  
БОШҚАРУВЧАНЛИК  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**МОНОГРАФИЯ**

**Тошкент  
“CHINOR FAYZI BALAND”  
2023**

УЎК:

КБК:

**Тақризчилар:**

**Байбаева Мухайё Худойбергеновна**

педагогика фанлари доктори, доцент

**Чориев Рузимурат Кунгратович**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Мутахассисларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожлантириш: Монография / З.К.Исмаилова, Д.А.Мустафоева; – Т.: “Chinor Fayzi Baland”, 2023. – 196 б.**

Ушбу монографияда мутахассис кадрларни бошқарув фаолиятига тайёрлашда бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик асосларини таҳлил қилишда замонавий ёндашувларга амал қилиш, мутахассис кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантиришда асосий стратегик вазифаларни белгилаш, ташкилий-педагогик тузилма, мутахассисларнинг коммуникатив кўникмаларини шакллантириш бўйича маълумотлар келтирилган.

Олий таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги тарқоқлик бугунги кунда узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш зарурати педагогик жараёнда ўқитувчиларни рақамли технологиялар, мультимедиа, илғор педагогик технологиилар бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, талабаларда касбий фаолиятга тайёрликни такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар ҳақида керакли илмий маълумотлар олиши мумкин.

Монография олий таълим муассасаси магистрлари, факультетдаги декан ўринbosалари, профессор-ўқитувчилари, тыюторлар, талабалар, ёшлар билан ишлаш бўйича бўлимлардаги масъуллар ҳамда кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети Илмий кенгашининг 2023 йил

21 сентябрдаги 2-сонли қарорига асосан чоп этишга тавсия этилган.

УЎК:

КБК:

ISBN 978-9943-9999-9-9

© / З.К.Исмаилова, Д.А.Мустафоева, 2023

© “Chinor Fayzi Baland”, 2023

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>.....</b>
<b>I БОБ. КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА МУТАХАССИС КАДРЛАРНИНГ БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ</b>	
1.1-§. Таълимда мутахассис кадрларнинг бошқарув фаолиятларида ижодий мухитни ривожлантиришнинг ташкилий-меъёрий асослари.....	.....
1.2-§. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг методологик асослари .....	.....
1.3-§. Мутахассис кадрларининг бошқарув фаолиятида коммуникатив ривожлантириш омилларининг таҳлили .....	.....
<b>II БОБ. МУТАХАССИС КАДРЛАРНИНГ БОШҚАРУВЧАНЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОММУНИКАТИВ ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ</b>	
2.1-§. Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожлантиришда коммуникатив жараёнлар ва уларни яратишнинг ўзига хос хусусиятлари .....	.....
2.2-§. Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожлантиришда коммуникатив мулоқот ва унинг механизмлари .....	.....
2.3-§. Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожлантиришда сифат менежменти тамойиллари ва ижтимоий психологик хусусиятлари .....	.....
<b>III БОБ. КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА МУТАХАССИС КАДРЛАРНИНГ БОШҚАРУВЧАНЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ</b>	
3.1-§. Мутахассис кадрларда шаклланадиган коммуникатив мулоқот компетентлигини ривожланиш концепцияси .....	.....
3.2-§. Мутахассис кадрларнинг бошқарув фаолиятида компетентлигини ривожлантириш модели .....	.....
3.3-§. Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожланганлик даражаларини баҳолаш мезонлари .....	.....
<b>IV БОБ. МУТАХАССИС КАДРЛАРНИНГ БОШҚАРУВЧАНЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ</b>	
4.1-§. Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожланганлик даражасининг диагностик тизими .....	.....
4.2-§. Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлитк компетентлигини ривожланганлик натижалари таҳлили .....	.....
Хулоса .....	.....
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	.....

## **КИРИШ**

Жаҳонда қабул қилинган замонавий таълим концепциясида таълим тизимини бошқариш, таълим сифатини баҳолаш, бошқариш жараёни ва воситалари ҳамда технологияларини такомиллаштириш долзарб вазифа этиб белгиланган. Рақобатбардош кадрларни тайёрлашда уларнинг бошқарув компетентлигини изчил ривожлантиришорқали ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётга эришиш мақсади кўзланган. Таълимда янги педагогик стратегияларни қўлланиши бўйича АҚШ, Европа, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Япония каби давлатларнинг таълим тизими жаҳон рейтингида етакчилик қилмоқда. Шу боис, ТОР-1000 таликка кирган етакчи олий таълим муассасаларининг мутахассислари рақобатбардошлилиги, ишлаб чиқариш соҳаси, ўзининг мутахассислиги бўйича зарурий компетенцияларга эгалиги билан халқаро меҳнат бозорида талабгорлиги билан алоҳида ажралиб туриши аҳамиятлиdir.

Дунё таълим тизимида педагог кадрларнинг инновацион ва менежерлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган турли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Педагог олимлар ва амалиётчилар томонидан илмий асосланган илғор таълим технологиялари ва уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш, меъёрий хужжатларни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, таълим менежментида инновацион фаолият, мутахассис кадрларни бошқарув фаолиятини янада ривожлантириш, таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграциясини ривожлантиришга оид илмий изланишларга эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, демократик тамойилларга асосланган инновацион таълим бошқаруви ҳамда унга кластерли ёндашувни амалга ошириш, узлуксиз таълим тизимиға илғор педагогик технологияларни қўллашга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Таълимдаги инновацион жараёнлар, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятлари, механизмлари ҳамда уларни амалга ошириш технологияларини ўрганиш олий таълим муассасаларида замонавий педагогика ҳамда педагогика фанлари ютуқлари асосида жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

Бу талаблар ўз навбатида мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий тизимиға интеграциялашиб бориши, миллий кадрларимизнинг жаҳон меҳнат бозори майдонларига чиқиб бориши жараёнларида мутахассис кадрларда кластер ёндашув асосида раҳбарларнинг бошқарув фаолиятини ривожлантириш мазмунини лойиҳалаштириш, бошқарув фаолиятларини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш, раҳбарларининг самарали бошқарув фаолиятини ривожлантириш технологиялари каби масалалар ва раҳбарларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Таълим менежментининг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги тарқоқлик узлуксиз таълим тизимининг самарали фаолият кўрсатиши заруратини тақазо этмоқда. “Хозирги вақтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновацион ютуқларни кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб берга оламиз”<sup>1</sup>. Бошқарув фаолиятида раҳбар ва ходимларнинг

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.464 бет.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ти ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – № 6 (766)-70-модда. – Т.: Адолат, 2017. – Б. 38.

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. <http://uz24.uz>

ишлиш иштиёқини, бошқарув малакасини ошириш, раҳбар, ходимлар бошқарув малакасини шакллантиришга қаратилган ишчанликни оширишга, диққат-эътиборли бўлишга, ходимларни жисплаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари педагогика соҳасида қўлланилиб келинмоқда.

Бугунги кунда таълим тарбиянинг самараси ва таъсирчанлиги бошқарув тизимида фаолият юритаётган раҳбарларнинг маъсулиятлилигига, қобилиятлилигига, ишончлилиги, педагогик маҳорати, компентетлигиги, педагогик мулоқати, самимийлиги,adolatпарварлиги таълим тизимиға қай тарзда ёндашишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида – таълим сифатини баҳолаш механизmlарини ишлаб чиқиш, таълим хизматларининг мавжудлиги ва самарадорлигини ошириш<sup>2</sup> ва – зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш<sup>3</sup> каби устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда таълим олувчиларда яхлит ва тизимли билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва таълим натижаларини диагностик баҳолаш муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан бошқарув тизимида раҳбарларнинг касбий фаолиятга тайёрлаш ҳолатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари бўйича касбий компетентлигини тадқиқ этиш, педагогик ташхислашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидағи, 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ғи ПФ-5544-сон, 2015 йил 12 июндаги Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидағи ПФ-4732-сон

фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3931-сон Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу илмий-услубий иш муайян даражада хизмат қиласди.

Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида олий таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётӣ заруратга айландики, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур. Олий таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги тарқоқлик бугунги кунда узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш зарурати педагогик жараёнда ўқитувчиларни рақамли технологиялар, мультимедиа, илғор педагогик технологиялар бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, талabalарда касбий фаолиятга тайёрликни такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган

Бошқарув фаолиятини муваффақиятли амалга оширишда мавқе ва маълумот ҳам муҳим омил саналади. Бизнес бошқаруви соҳасидаги олим Р. Стогдилл муаллифлигидаги «Бошқарув қўлланмасида» таъкидланишича, муваффақиятли бошқарув ва шахснинг ижтимоий-иктисодий мавқеи ўртасидаги боғлиқлик 94% га тенг ҳамда маълумоти ўртасидаги боғлиқлик эса, 88% га тенгдир.

Массачусетс Технология институти (Massachusetts Institute of Technology), Лос Анджелес Калифорния университети (University of California, Los Angeles), Жон Хопкинс университети (Johns Hopkins University), Texas университети (Texas A&M University), Калифорния технология институти (California Institute of Technology-Caltech), Стенфорд университети (Stanford University) каби миллий тадқиқот университетларининг талабаларни илмий тадқиқотга йўналтиришдаги ёндашувлари эътиборга лойиқ. Бўлажак раҳбарларни тизимли таҳлил қилиш қобилиятини шакллантиришга қаратилган турли хил соҳа мутахассисларининг бошқарув компетентлигини ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида бўлажак раҳбарларнинг касбий компетенлигининг ривожланганлигини баҳолаш тизими яратилган (Institute named after Frica Bauer); касбий интеллектуал ва психоэмоционал ривожлантириш ва унинг баҳолаш технологияси ишлаб чиқилган (National Advice on pedagogical technology); ёшларни ҳар томонлама комил инсонлар килиб тарбиялаш, бошқарув компетентлиги ва хусусиятларни ўрганиш бўйича ўқитувчининг касбий, ахлоқий фазилатларини шакллантириш, ривожлантиришнинг илмий-назарий масалалари ва амалий фаолиятга қўлланилиши диагностика қилинган (Seoul Cyber University). Ушбу университетлар фаолиятининг асосий қисмини инновацион илмий тадқиқот, ихтиро, кашфиётчилик ва уларни тижоратлаштириш ташкил этади.

## **I БОБ. КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА МУТАХАССИС КАДРЛАРНИНГ БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ**

# **РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

## **1.1-§. Таълимда мутахассис кадрларнинг бошқарув фаолиятларида ижодий муҳитни ривожлантиришнинг ташкилий-меъёрий асослари**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ташкилот ва корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб берадиган раҳбар ва мутахассисларни тайёрлаш сифатига боғлик. Бугунги кунда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш шароитида раҳбарларни (бошқарувчиларни) тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда менежерлик кўникмаларини шакллантириш алоҳида ўрин тутади.

Таълимни модернизациялаштириш шароитида раҳбарларнинг масъулиятини ошириш ҳамда мувофиқлаштириш ва ўқув-тарбия жараёнига менежерлик кўникмалари асосида раҳбарликни кучайтириш мақсадларида ходимлар билан ишлашда соғлом ва ижодий муҳитни яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу эса, мактаб директори ва педагоглар жамоаси олдига ўқув-тарбия жараёнини янгича бошқариш, педагог кадрларнинг юқори касбий малакага, ҳар томонлама ривожланган педагогик тайёргарликка эга бўлишини таъминлаш, соғлом муҳитни яратиш орқали ижодий фаолиятни кучайтириш, ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини замонавий таълим-технологияларидан фойдаланган ҳолда ошириш ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш заруратини қўяди.

Жамият бошқарувини самарали амалга оширишда раҳбар кадрлар муҳим ўрин тутади. Давлатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг тақдири кўп жиҳатдан давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимларда ўтирган кишилар фаолияти, уларнинг ишга бўлган муносабати, инсоний

сифатлари ва раҳбарлик маҳоратига бөғлиқдир. Юртимиз равнақи, унинг иқтисодий тараққиёти, ижтимоий барқарорлиги ва халқимиз турмуш даражасининг юқори бўлиши мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳатларнинг асосини ташкил этиб, бу мақсадларга эришишда раҳбар ана шу улугвор ғояларни, мақсад ва вазифаларни чукур англаб, уларни изчил амалга ошириши зарур.

Бутунги кун раҳбари ватанга садоқати, фидоийлиги, адолатлилиги, ташаббускорлиги, омилкорлиги, уddyабуронлиги, изланувчанлиги, янгиликка интилиши, талабчанлиги, иқтисодий ва хукуқий саводхонлиги, манзаний етуклиги, жамоада соғлом ва ижодий муҳитни яратса олиши билан ўтмишдошларидан фарқ қылмоқда. Раҳбарлик лавозимларига кадрларни танлашда ҳам юқоридаги сифат ва фазилатларга эга бўлган ёш мутахассисларга ишонч билдирилиб, бошқарниш фаолиятига қобилиятли, истеъододли ва иктидорли ёшларни излаб топиш, улар билан мунтазам ишлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш ишларига алоҳида зътибор қаратилимокда.

Раҳбарларни танлаш, уларни жой-жойига кўйини ҳозирги кунда энг долзарб масаладир. Чунки биз анча мураккаб ва ташвишли даврда, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш яъни учинчи ренесанс даврида, яшамоқдамиз. Зеро, халқнинг нотинчлиги, улар ўртасидаги низолар, вайронагарчиллар ва давлатлар ўртасида урушлар келиб чиқиши, бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилиши, халқнинг аҳволи ночор бўлиб қолишига тарихда кўп ҳолларда сотқин, виждонсиз раҳбарлар, миллатчи гурухбозлар сабабчи бўлганлигини инсоният ҳеч қачон унутмайди. Хуллас, цивилизациянинг ҳамма босқичларида малакали раҳбарлар ва мутахассислар барча муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутади ва шундай бўлиб қолаверади.

Ҳозирги даврда инсонларнинг турмуш, меҳнат шаронтига, ҳаётининг ижтимоий масалаларига, турмуш тарзига катта аҳамият берилалапти. Зеро муҳтарам презедентимиз томонидан 2022 йил “Инсон

қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили” деб аталиши бежиз эмасдир. Чунки ҳар бир ходимнинг меҳнат унумдорлиги, ишининг самараси кўпроқ унинг меҳнатидан қоникиш ҳосил қилишига маънавий-маданий даражасига, жамоадаги соғлом ва ижодий муҳитга, ҳаёт, турмуш шароитларига боғлик.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолиятидаги психологик омилларга катта аҳамият берилганди. Раҳбар ходимларни тайёрлаш курсларида, малака ошириш курсларида ижтимоий психология дарслари ўтилмоқда. Кўплаб корхоналарда психолог лавозими киритилган.

Таълим муассасаларида ходимнинг ишга бўлган қизиқиши, жамоада соғлом ва ижодий муҳитни яратилганилиги, ҳоҳиши, ички сафарбарлиги у ёки бу ишни чин юракдан бажариш истаги, ишининг натижасига яъни самарадорлигига жуда катта таъсир этади.

Бернар Шоунинг таъкидлашича, жамоада мажбурият бўйича меҳнат қилиш бу иш; ишга бўлган интилиш, ҳоҳиши эса – дам, ҳордиқдир. Бошқарув тизимининг меъёрий кўриниши бу “инсон – инсон”, бунда обьект сифатида “инсон” назарда тутилади, жамоанинг предмети сифатида эса “коллектив” яъни жамоа меҳнати фарқланади.

Ҳозирги кунда жамоада соғлом ижтимоий - руҳий муҳитни яратмасдан туриб, раҳбар ўз бошқарув фаолиятини бошқара олмайди. Бу ўз навбатида раҳбарлардан бошқаришда ижтимоий руҳшунослик асосларидан етарлича билимга эга бўлишни, бошқарувда ижтимоий - руҳий усулларини кўллай билишни талаб этади.

Раҳбар бошқарув жараёнида жамоада ўз қўл остидаги ҳар бир ходимни ўрганиши, психологик ташҳислаши лозим, ижтимоий кузатувчанлик хусусиятига эга бўлиши, ходимларнинг имкониятларини бажараётган ишга тўлиқ мос келишини аниқлай олиши лозимдир. Жамоанинг жипслигини ундаги соғлом маънавий муҳитни ушлаб туришнинг энг муҳим воситаларидан бири раҳбарнинг коммуникабеллиги, яъни ҳар томонлама алоқани ушлаб туриши ҳисобланади.

Раҳбарнинг функционал вазифаси биринчи навбатда, ходимларнинг биргаликдаги фаолиятида ўзаро муносабатлар тизимини яратиши билан белгиланади.

Раҳбарнинг сифатий томонлариға: мослашиш хусусияти, лидерлик, ижтимоий функцияларни, мувофиқлаштириш; муроқот (муносабатдаги очик кўнгиллик, одамларни ўзига ён бостира олиш, ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш); стрессларга чидамлилик каби сифатлар раҳбарнинг асосий хусусиятларига киради.

Бундан ташқари, олимлар жамоани бошқаришда раҳбарга хос бўлган 5 та сифатий хусусиятларни қуидаги тартибда белгилашади: принципиаллик, адолатпарварлик, ишнинг кўзини билиш, компетентлик талабчанлик ва ташкилотчилик хусусиятлари.

Таълим муассасаларини бошқарув жараёнида раҳбар учун ўта аҳамиятли иккита кўрсаткич мавжуд, бу раҳбарнинг ҳурмати ва обрў - эътибори. Мана шу икки кўрсаткич раҳбар тўғрисидаги жамоа фикрини ва муносабатларини, ҳамда самарали бошқарувни белгилайди.

Ҳурмат, обрў - эътибор жамият томонидан тан олинган ўлчов бирлиги бўлиб, у жамоанинг раҳбар томонидан қабул қилган қарорларини унинг фикрини, маслаҳатини ўзиникидай қилиб тан олиш, қабул қилиш орқали намоён бўлади. Ўзининг хизмат лавозимидан фойдаланиб қабул қилинган тадбирлар билан эмас, балки жамоа томонидан олға сурилган ижодий фикрлар билан иш тутиш раҳбарнинг сифатий томонларидан бири ҳисобланади. Бу эса раҳбар томонидан таълим муассасаларини бошқаришда жамоада соғлом ва ижодий муҳитни яратади олишдан далолат беради. Бинобарин, раҳбар ўзининг тутган ўрни ва мавқеига мос ҳолда юқори даражадаги обрў - эътиборга (ҳурматга) эга бўлиши лозим.

Раҳбарлик кўпроқ жамоани йўналтира олиш, ишонтира олиш, унда ишонч ҳосил қила олиш орқали (democratic stil),

қолаверса, буйрук орқали мажбурлаш (avtokrot stil) орқали таъсир этиш билан олиб борилади.

Раҳбарликдаги муваффақият раҳбарнинг хизмат лавозими бўйича хукмронлик кучи билан эмас, балки унинг обрўси - мавқеи, энергияси, катта тажрибаси, кенг қамровли билими, таланти, жамода ижодий муҳитни шакллантириши, заковатига боғлиқ. Раҳбарликнинг демократик стили марказлашган ҳамда марказлашмаган бошқарув усулида ҳам биринчи навбатда ишбилармонлик, тадбиркорлик муаммоларини жамоа усулида хал қилиш орқали ижодий ёндошув орқали ишлаб чиқариш унумдорлигини ошишига олиб келади. Яхши раҳбар нима қилиш, қандай қилиш кераклигини билади, ишни тўғри ташкил этади, жамоани мақсад сари интилишига ва самарали натижага эришишига йўналтира олади.

Раҳбарлик фаолиятидаги муваффақият раҳбарнинг ва бутун жамоанинг меҳнатга бўлган қизиқишига, жамода соғлом муҳит орқали ижодкорликни ошишига, юқори даражадаги ташкилотчилигига мақсадга эришиш йўлида ишни интилувчанлик билан ташкил этишига боғлиқ. Шундай қилиб, раҳбар фақат «дирежёр» ролини эмас, балки «композитор» ролини ҳам ижро эта олиши лозим.

Раҳбарнинг муҳим хусусиятларидан яна бири ходимларнинг вазифасини аниқ белгилаш, ходимларга раҳбарлик бўйича ваколатлар бериш ва уларни оқилона бошқариш орқали яхши натижаларга эришиш ҳисобланади. Раҳбар ўз қўл остидагилар қила олиши мумкин бўлган ишни қилмаслиги, уларнинг эркин харакат қилишларига йўл очиб бериши ва ундан қўрқмаслиги лозим. Ишни тақсимлашда раҳбар ўз ходимларига маълум ваколатлар бериш билан бирга уларнинг жавобгарлигини ҳам ошириши лозим.

Раҳбар ишда ҳар доим ўзини ўз ходимининг ўрнига қўйиб кўра олиши лозим. Инсон ўзига бўлган ҳурматни сезса, унга маълум шароитлар яратилган бўлса, ишни қизиқиш, ташаббускорлик билан бажаради, бўйнига жавобгарликни олади,

топағонлик ташкилотчилик хусусиятларини намоён қилған ҳолда мәхнат қиласы.

Рахбар ходимларни эшитишни ва улар билан гаплашишни үрганиши лозим, бошқача қилиб айтганда, дўстона ва соғлом муҳитни яратган ҳолда мақсадга йўналтирилган сұхбатни олиб бориши лозим. Сұхбатни императив оҳангда, маслаҳат усулида олиб бориши ва у ўзининг фикрини қисқа, аниқ тушунтириб баён этиши лозим. Раҳбарнинг мақсади, ҳатти - ҳаракати, қўл остидаги ходим учун керагича тушунарли бўлиши лозим. Раҳбарнинг мақсадини ходим тушуниб етмаса, аччиқланиши, жаҳли чиқиши ва жамоада носоғлом муҳитни пайдо бўлишига олиб келади. Тушунтирмасдан берилган буйруқ ўзаро ишончни йўқотади, носоғлом муҳитни яратилишига имкон яратилади, бундай ҳолатда эса раҳбар ўз вазифасини бажара олмайди, ижодкорлик хусусиятлари пасаяди.

“Биз олдимизга қандай муҳим вазифа қўймайлик, — дейди Президентимиз. — Қандай ҳаётий муаммони ечиш зарурати тугалмасин, гап охир-оқибат, юқорида айтганимиздек, барibir кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади”. Бинобарин, биз олдимизга демократик жамият барпо этишдек буюк вазифани аниқ; мақсад қилиб қўйганмиз. Бу деганимиз жамиятни бошқаришда ҳар бир раҳбарнинг ўз ўрни ва хуқуқи у ёки бу масалалар ҳал бўлаётганида унинг ҳам ўз овози, ўз фикри бўлсин, айтилган таклиф ва мулоҳазаларга асосланиб билдирилган фикр, ўринли бўлса, албатта, инобатга олинмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир корхонада соғлом психологик муҳит яратилиши даркор. Ўни яратиш эса, биринчи навбатда, раҳбарга, унинг маънавий дунёсига, замон талабларини зийраклик билан онгли тушунишига, хақгўйлигига ва энг муҳими адолатпарварлигига боғлиқдир. Ачинарли томони шундаки, баъзи раҳбарлар муҳим масалаларни ҳал этишда, айниқса лавозимга бирор шахсни тайинлашда, “мен бошлиқман, демак, менинг айтганим-айтган, деганим-деган бўлиши шарт», деб ўйладилар. Натижада у ёки бу лавозимга баъзан маънавий нолойиқ, онги сиёсий жиҳатдан шаклланмаган киши

тайинланиб қолади. Оқибатда махаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик каби удум ишимизга ниҳоятда путур етказадиган иллатлар илдиз отади. Худди шундай шароитда раҳбар учун ҳам, жамоа учун ҳам ноқулай психологик вазият вужудга келадики, буни тузатиш анча мураккаб вазифага айланади<sup>2</sup>.

Бошқариш назариясининг дастлабки куртаклари қадим замонларга бориб тақалиб, Ю.Цезарь, А.Македонский, Туркистонда эса ўрта асрларда Амир Темур хукмронлиги вақтидан бошлаб шаклана бошлаганлиги, ушбу даврда бошқарувда ижодий, самарали натижаларга эришилганли ҳақида тадқиқот ишимимизни давом эттиromoқчимиз. Туркистонда Амир Темур хукмронлиги вақтида барпо этилган ва бугунги кунгача сақланиб келаётган тарихий обидаларнинг яратилиши турли касб эгаларининг ўзаро муносабатлари расмий тарзда шаклланганлигидан ва улар маълум бир мақсад йўналишида бошқарилганлигидан далолат беради.

XVIII асрнинг охирларида Англияда бўлган саноат инқилоби бошқарувга бўлган қизиқиши янада кучайтиради. Бошқарув ходимларини тайёрлашга алоҳида эътибор берила бошланади. Амммо XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX аср чегарасида техника ва технологиянинг такомиллашуви, ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши бошқаришни мураккаблаштириб юборади ва уни фаолиятнинг маҳсус билимларни талаб этувчи маҳсус соҳасига айлантиради. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун бошқарув соҳасидаги тажрибани умумлаштириш, ишлаб чиқариш ва ходимларни бошқаришнинг самарали усулларини излашга олиб келади.

Бошқарув фаолиятига биринчилар қатори тавсиф берган шахс Суқротдир (эрамиздан аввалги 480-397 йиллар). Ў бошқаришнинг турли шакларини таҳлил қилиш асосида бошқаришнинг универсаллик тамойилини тадқиқ қиласи. Платон (эрамиздан аввалги 428-394 йиллар) давлат бошқариш шакли классификациясини яратади. Александр Македонский (эрамиздан

<sup>2</sup>

аввалги 365-383 йиллар) ҳарбийларни бошқариш назарияси ва амалиётини ривожлантириди. Бу даврда давлат бошқаруви назарияси соҳасида Адам Смитнинг хизмати катта бўлиб, у бошқариш соҳасида мутахассис сифатида танилди, чунки у меҳнат тақсимотининг турли шаклларини таҳлил қилиб, шох ва давлат мажбуриятларига тавсиф берди. Роберт Оуэннинг таълимоти менежмент мактабларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

Ф.Тейлор (1856-1915) менежментни ўрганишга киришган биринчи мутахассислардан, уни инсон самарадорлиги эмас, ташкил қилиш фаолияти самарадорлиги қизиқтирган бўлиб, илмий бошқариш мактабининг ривожланишига асос солди ва “Илмий бошқариш” мактаби асосчиси сифатида меҳнатни меъёрлаш асосларининг методологиясини ишлаб чикди, амалиётга ишчиларни танлаб олиш, жойлаштириш ва меҳнатни рағбатлантириш илмий ёндашувини татбиқ қилди.

Бошқарув назариялари асосчиларидан бири А.Файоль бошқариш жараёнининг 5 та асосий функциялари: режалаштириш, ташкил қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, раҳбарлик (мотивлаш) ва назоратни ажратиб кўрсатади.

А.Файоль томонидан ишлаб чиқилган тамоилларнинг моҳияти қўйидагича: меҳнат тақсимоти; авторитет ва хокимият масъулияти; интизом; раҳбарлик бирлиги; фармойиш бирлиги; шахсий манфаатнинг умумий манфаатга бўйсуниши; меҳнатни рағбатлантиришнинг марказлашган ва марказлашмаган бошқарув мувозанати; бир турдаги менежерларнинг ишини мувофиқлаштириш; тартиб; одиллик; самимийлик; ходимлар катъийлиги; ташаббус.

Р.Оуэн биринчи бўлиб кишиларга эътиборни қаратиш зарур деган фикрни олға суради, унинг ғояси бўйича фирмалар станок ва машиналарга қарашга кўп вақт сарфлаб инсонлар ҳақида озғамхўрлик қиласди. Унинг ғоясининг асосий мазмунин инсонларга ҳам эътибор қаратиш, улар учун ҳам вақт сарфлаш, уларга

ғамхўрлик қилиш, дам олишлари учун қулай имкониятлар яратишдан иборат.

Э.Мейо “инсон муносабатлари” мактабининг асосчиси ҳисобланади. Ў ишчилар гурӯҳи ўз назорат тизимиға эга бўлган ижтимоий тизим эканлигини асослаган ҳолда, мазкур тизимга маълум тарзда таъсир этиб, меҳнат натижаларини яхшилаш мумкин, деб ҳисоблаган эди. “Инсон муносабатлари” ҳаракатида асосий эътибор инсонларга қаратилса, илмий бошқариш ҳаракатида эса ишлаб чиқаришга қаратилиши сабабли “инсон муносабатлари” ҳаракати бутун илмий ҳаракатга қарама-қарши туриб қолди. Асосий ғоя шундан иборатки, кишиларга оддий эътиборни қаратиш меҳнат унумдорлигига катта таъсир кўрсатади. Ташкилот самарадорлигини ошириш, ундаги инсон ресурслари самарадорлигини ошириш орқали амалга оширилади.

Д.Мак-Грегор (1906-1964) таълимоти “инсон муносабатлари” мактабида алоҳида ўрин тутади. “X” ва “Y” назарияси асосида ходимларга қўйидагича таъриф беради. “X” назарияси - бу тоифага мансуб инсонларни меҳнатта мажбурлаш, жазолаш ва жарима солиш билан қўрқитиб туриш зарур бўлиб, улар меҳнатдан бўйин товлашга интилади. Ўларни назорат қилиб туриш, қисташ ва мунтазам равишда меҳнатга йўналтириб туриш лозим. Бу тоифадаги инсонлар раҳбар назоратида фаолият кўрсатишни афзал кўради, масъулиятдан бош тортишга интилади, фақат ўз хавфсизлиги учун ташвишланади. “Y” назарияси - мазкур тоифага мансуб кишилар табиатан пассив бўлиб яратилмаган, аксинча улар фаол, ташаббускор, ғайратли ва уддабурон бўлиб, ташкилотдаги ишлар яхши ташкил этилмагани туфайли лоқайд бўлиб қолган бўлиши мумкин. Бу тоифадаги ходимларда жисмоний ва ақлий меҳнатга интилиш, масъулиятни ҳис этиш хислатлари шаклланган бўлади. Бундай киши нафақат ўзига масъулият олади, балки унга интилади, уларда ўзини-ўзи назорат қилишга мойиллик бўлгани учун ташқаридан назоратга ва алоҳида эътиборга муҳтоҷ эмас.

Замонавий раҳбар учун ушбу тавсифларнинг “Y” бўлимида келтирилган таърифлар долзарб бўлиб ҳисобланади. Демак, раҳбар

олдида қўйиладиган асосий вазифа – ходимга ўз-ўзини мотивациялаш шароитини юзага келтириш, соғлом ва ижодий муҳитни яратишдир, қийин шароитда, масалан, бир хил маромдаги ва зерикарли меҳнат, юқори маош асосий стимулга айланади, чунки ходим қониқиши мақсадида ишдан бўш вақтларида яхши дам олиш истагида бўлади.

ХХ асрнинг 60-80-йилларида Фарбда замонавий менежмент ривожлана бошлади. Фарб назариячилари бошқарувнинг ижтимоий тизимлар мактабини ташкил қилиш мақсадида: тизимли ёндашув асосларини ишлаб чиқишиган; яхлит тизим билан унинг қисмлари муносабатлари масалаларини кўриб чиқишиган; бир қанча ўзгарувчи омилларнинг бошқарувга таъсирини ўрганишиган. Бу мактаб намоёндалари (америқалик Ч.Барнард, Г.Саймон) замонавий менежментда қўйидаги тўртта: тизимли, вазиятли, функционал ва микдорли ёндашувларни асослаб беришган.

П.М.Керженцев (1881-1940) бошқарув йўналишида жуда катта аҳамият касб этувчи ишларни амалга оширган бўлиб, унинг бошқариш бўйича “Меҳнатни илмий ташкил этиш”, “Бошқаришни ташкил қилиш тамойиллари”, “Вақт учун кураш” каби асарлари бошқариш йўналишида дарсликларни ёзишда асос қилиб олинган.[103]

Ф.Друкер менежмент соҳасининг ёрқин намоёндалардан бири бошқарув фаолиятидаги туб ўзгаришларни англаб, менежерликни ХХ аср иккинчи ярмидаги етакчи касбий фаолият тури эканлигини асослаб берган ва “ислоҳотлар етакчилари”ни шакллантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган. [103]

Ү ўзининг “Менежментнинг ХХI асрдаги вазифалари” китобида ўзгаришларни бошқариш эмас, балки илгарилаш мумкинлиги таъкидлаб, ўзгариш ва ислоҳотлар етакчилари сифатида қўйидаги мақсадларни ўз олдига белгилаб қўя олган ташкилотларни тавсифлайди:

- келажакни барпо этишга йўналтирилган сиёsat;
- ўзгариш ва ислоҳотларни излаш ва прогнозлаштириш методикаси;

-ташкилотнинг ички ва ташқи фаолиятида ўзгаришларни тадбиқ қилиш стратегияси [97].

Таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув фаолиятини иккита субъектнинг, яъни раҳбар билан таълим тизимининг ўзаро боғлиқ фаолияти сифатида қараш мумкин. Бундай ҳолатда раҳбарнинг бошқарув обьекти бошқариш ва ўзини-ўзи бошқариш каби зарурий хусусиятларга эга бўлган таълим тизими ҳисобланади, турли хил таъсирлар асосида бошқарилаётган таълим муассасаси ҳам ўз ўрнида бошқарув натижаларига ва бошқарув субъектига таъсир кўрсатади. Таълим менежменти бошқаришнинг маҳсус қисми сифатида ана шу икки тизим орасидаги муносабатларни, уларнинг ривожланиш конуниятлари, тамойиллари, усул ва услубларини, яъни таълим муассасалари раҳбарларининг фаолиятларини ташкил этиш, режалаштириш, тартибга солиш, мувофиқлаштириш, мотивлаштириш ҳамда бошқарув фаолиятини оқилона ташкил этиш усулларини ўрганади.

Сўнгги йилларда бошқарув ғояларининг ривожланиши таълимни модернизациялаштириш шароитида педагогик менежмент муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқdir. Кўпгина илмий адабиётларда педагогик менежмент атамаси орқали мақсадга эришиш ҳамда қўйилган вазифаларни бажаришда инсоний, иқтисодий ва самарали йўллар билан инсонларни бошқариш ва воситалардан фойдаланиш тушунчалари келтирилади. Баъзан “педагогик менежмент” ибораси таълим муассасани бошқариш ёки таълимни бошқариш синонимлари сифатида тушунтирилади. Бундай тушунча унчалик тўғри эмас, таълим менежменти, шунингдек, умумий ўрта таълим менежменти тушунчалари синоним сифатида кўпроқ тўғри келади. Таълим муассасани бошқариш мазмун-моҳиятига кўра таълимни бошқаришдан фарқ қиласи, чунки мактабда фақат таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни бошқариш вазифалари амалга оширилмайди, балки таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этишда бир қанча вазифаларнинг бажарилишини, яъни таълим-тарбия жараёни иштирокчиларига зарурий шароитларни яратиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш,

мувофиқлаштириш, назорат қилиш, соғлом мұхитни яратиши, таҳлил қилиш ва баҳолаш, ижодкорликни ошириш, шунингдек, мазкур жараённи амалга ошириш учун моддий-техника базасини яратиши ва мустаҳкамлаб бориши, янги педагогик ва ахборот технологиялари билан қуроллантириш, юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш каби қатор бошқа вазифаларни ҳам амалга оширишни назарда тутади. Шундай экан, таълим муассасасида бошқарув фаолиятини ташкил этувчи раҳбарлар нафақат педагогик тажрибага, балки бошқарув функциялари ва уларнинг вазифалари, бошқарув методлари ва улардан фойдаланиш, бошқарув алгоритми ва унинг моҳияти, бошқарув қарорлари ва уларни қабул қилиш йўллари ҳамда раҳбарлик услублари ва уларни қўллаш каби қатор тушунчаларга ҳам эга бўлмоғи лозим. Кўриниб турибдики, таълим муассасаларини бошқаришда раҳбарларга менежментнинг асосий тушунчалари, бошқарувнинг мақсади ва вазифалари, замонавий мактабнинг ташкилий тузилиши, стратегик бошқарув ва режалаштириш қоидаларини, замонавий бошқарувнинг усулларини, раҳбарлик санъати сирларини ўргатади.

Ўзлуксиз таълим тизимининг самарали фаолият кўрсатиши, энг аввало, юксак малакали раҳбар кадрлар фаолияти билан белгиланади. Шу боисдан модернизация шароитида педагогик жамоани бошқариш, таълимнинг юқори кўрсаткичларига эришиб борища таълим муассасалари раҳбарларидан “бошқарув” малакаларига эга бўлиб боришини талаб қиласи. Бошқарув фаолиятида раҳбар ва ходимларнинг ишлаш иштиёқини ошириш, бошқарув малакасини ошириш ва шакллантиришга, ишчанликни оширишга, диққат-эътиборли бўлишга, ходимларни жипслаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари барча соҳада қўлланилиб келинмоқда.

Таълим тизимини ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар барча таълим муассасаларида таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва бошқаришда фан-техника ютуқларига асосланган бошқарувнинг энг самарали, инновацион методларидан фойдаланишни, бошқарув йўналишида

билим, кўникма ва малакаларни, янги шахсий ва касбий сифатларни талаб қилади, бу ўз навбатида стратегик бошқарувнинг (strategic management) заруриятини белгилаб беради.

Стратегия сўзи бугунги кунда бирон-бир фаолиятга раҳбарлик қилиш, корхона ёки муассасалар фаолиятини бошқаришда истиқболни олдиндан аниқлаш, фаолиятни олдиндан режалаштириш, бажариладиган вазифаларнинг йўналишини аниқлаш, шунингдек, мақсадга эришишда натижаларни олдиндан аниқлаш ва назорат қилиш йўналишларида кенг қўлланилмоқда. Мазкур сўздан стратегик режа, стратегик режалаштириш, бошқарув стратегияси, стратегик бошқарув конъюктиравий бошқарув каби тушунчалар келиб чиқсан бўлиб, бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзининг мазмун-моҳиятига кўра таълим муассасаларини бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Стратегик режа (strategic plan) - бу муассасада таълим тизимини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнида кўзланган мақсадларга эришиш - рақобатбардош битирувчилар тайёрлаш йўналишида узоқ (беш, ўн йил ва ундан кўпроқ муддатларни ўз ичига олади) муддатларга мўлжалланган вазифаларни ўз ичига олган дастур (истиқбол режа) бўлиб, у таълим муассасасининг ҳамда раҳбар-ходимларнинг йиллик ва жорий режалари учун асос сифатида хизмат қилади.

Стратегик режалаштириш (strategic planning). Таълим муассасасининг мақсадларидан келиб чиқиб, амалга ошириш зарур бўлган вазифаларни белгилаш, мазкур вазифаларни амалга ошириш учун бошқарув функциялари, методлари ҳамда мақсадларини аниқлаш ва амалга ошириш юзасидан стратегик режалар ишлаб чиқиш жараёни бўлиб, бунда мақсад ва вазифаларнинг илмий асосланганлиги, белгиланган муддатларнинг аниқлиги ва объективлиги, ижрочиларнинг билими ва касб маҳорати, ташқи муҳит таъсири, фан-техника ва технологияларнинг ривожланиши, муассаса имкониятлари, шунингдек, бошқарув стратегияси, яъни стратегияни амалга оширишни бошқариш йўналишлари ўрганилиб таҳлил қилинади.

Бошқарув стратегияси (management strategy). Кўзланган мақсадларга эришишда таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш, педагогик ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, стратегик режа асосида фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш йўналишида асосан бошқарувнинг икки хил турини назарда тутади: стратегик бошқарув, конъюнктуравий бошқарув. Амалий фаолиятда у ёки бу бошқарув йўналишининг устунлиги ташкилий тизимнинг янгилик даражаси кўрсаткичлари билан белгиланади.

Стратегик бошқарув - бу таълим муассасасининг стратегик мақсади йўналишида муассаса имкониятларини педагогик ходимларнинг умумий манфаатлари билан мувофиқлаштиришни назарда тутувчи узоқ муддатга тузилган дастур, режа ва лойиҳалар асосида бошқаришdir. Стратегик бошқарув одатда, мазкур тизимни бошқарув маданиятининг юқори даражасини белгиловчи кенг инновацион дастурларни амалга ошириш имкониятини яратади.

Конъюнктуравий бошқарув (conjunction management) - маълум бир даврда муассасанинг иқтисодий ҳолатини тавсифловчи белгилар мажмуаси билан боғлиқ бўлади.

Таълим муассасаси фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириб борища, энг аввало, кўзланган мақсадларга эришишда фаолиятнинг стратегик режасини тузиш ва мазкур режа асосида муассасанинг истиқбол мақсади ва имкониятларини ходимлар манфаати билан уйғунлаштиришни ҳамда таълим муассасасининг фаолиятини замонавий ўзгаришларга мослаштириб бориш, таълим инновацияларини жорий этишни: ижодий муҳитни яратиш; назарда тутувчи узоқ муддатли бошқарув усулларини бошқарув жараёнига татбиқ этиш зарур. Бу ўз навбатида истиқболни тадқиқ қилиш ва мақсадларга эришишда, ривожланишга таъсир этувчи омилларни олдиндан таҳлил қилишда зарурый билим, соғлом ва ижодий муҳит, ривожлантирувчи бунёдкор ғоялар ва уларни амалга ошириш санъати заруриятини белгилайди. Таълим муассасаларида инновацион бошқарув жараёнида муассасанинг истиқбол мақсади ва имкониятини педагог ходимларнинг

манфаатлари билан уйғулаштирувчи узок муддатли бошқарув усуллари - стратегик бошқарувнинг амалиётга қўлланиши таълим самарадорлигини оширишда мухим аҳамият касб этади. Бошқарув жараёнини такомиллаштириш ҳамда таълим муассасаси олдидағи вазифаларни замонавий талаблар даражасида бажаришда маҳсус, функционал, мужассамлаштирилган ва диверсификациялашган стратегияларни қўллаш орқали таълим самарадорлигини ошириш мумкин.

Маҳсус стратегия (special strategy)- таълим муассасасида таълим жараёни самарадорлигининг пасайиб кетишини, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг ДТС талаблари даражасидан тушиб кетмаслигини, шунингдек, тажрибали, билимли, ўз касбининг фидойилари бўлган педагогларнинг таълим муассасасидан кетиб қолишиларининг олдини олиш мақсадида узок муддатга тузилади.

Функционал стратегия (functional strategy) - таълим муассасасининг таълим - тарбия жараёни иштирокчилари, бўлимлари, жамоавий бошқарув органлари ва маъмурият ҳамда жамоатчилик ташкилотлари олдидағи вазифаларни амалга ошириш усулларини ўз ичига олган ишчи стратегия ҳисобланади.

Мужассамлаштирилган стратегия (embodied strategy) - таълим жараёнини илмий асосда ташкил этишнинг барча йўналишларини қамраб олган ҳамда таълим муассасасининг яхлит фаолиятини ўзида жамлаган мўлжалдир.

Диверсификациялашган стратегия (diversified strategy) - таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни ўқитишда табақалаштирилган ёндашувларни жорий этиш асосида ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини кўтариш, мактаб бити्रувчилари ўртасида рақобатбардош, хорижий тилларни биладиган, билимли, кенг дунёқарашга эга бўлган битирувчилар сонини кўпайтиришга қаратилган вазифаларни амалга ошириш йўлларини ифодалайди.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар ва таълим тизимидағи ислохотлар жараёнида амалга оширилаётган янгиликларга мактаб фаолиятини мувофиқлаштириб боришда

таълим муассасаси раҳбарлари жорий режалар билан чекланиб колмай, ўз муассасалари келажаги ва ривожланишига таъсир килувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда, самарадорликга эришиш учун “стратегик” узоқ (беш, ўн йил ва ундан кўпроқ) муддатларга мўлжалланган истиқбол режаларини тузиши ҳамда улар асосида фаолият олиб бориши зарур. Таълим муассасаларини ривожлантириш ҳамда бошқарув жараёнини такомиллаштиришда муассасанинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар, раҳбарлик услублари, функция ва методлари, раҳбар ўзининг бошқарув фаолиятида афзал билган ва асосланган барча усуллар стратегик бошқарувнинг тактика ва стратегияларидан ташкил топган тизим сифатида қаралади. Муассасанинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар бунда бир томондан стратегиялар билан бошқарув фаолияти мазмуни, бошқа томондан бу тизимнинг ўзи, таълим муассасасида бошқарув фаолиятини такомиллаштиришда, шунингдек, педагогик ходимлар фаолиятини мувофиқлаштиришда, жамоада соғлом ва ижодий муҳитни яратса олишда, жамоа муҳитида турли аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракатларни мотивлаштиришда ва шу қатори профессионал фаолият билан шуғулланувчи бошқарув субъектларининг кўникма ва малакаларининг ривожланишида ҳамда уларнинг профессионал мутахассис сифатида шаклланишларида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бугун замонавий таълимнинг модернизациялашган тизими дея таърифланаётган ўқитишнинг (time management) асосида бошқарув фаолиятини самарали бошқаришга тайёрлашни англатади. Ҳозирги замон раҳбари учун ҳамма вақт улгуриш, (time management), вақтни бошқариш энг зарурий хусусиятлар ҳисобланади. Маълумотларнинг турличалиги, воқеа ва ходисаларнинг жадаллик билан ўзгариб бориши, вақтида барча ишга улгуриб, янада қисқа вақт мобайнида соғлом ва ижодий муҳитни яратиши, сифатли бошқарувни таъминлашга ундан бормоқда. Вақтни бошқариш — бу фаолиятни маълум турларига сарфланган вақтни онгли бошқариш ҳаракати ёки машғулот жараёни ҳисбланиб, бу жараёнда самарадорлик ва сифатни атайин оширилади. Вақтни бошқариш

аниқ вазифа, лойиҳа ва мақсадларни амалга оширишда фойдаланиладиган билим, кўникма ва методларни тақдим этиши мумкин. Бу жамланма ўз ичига фаолиятнинг катта қисмини олади, айнан: режалаштириш, тақсимлаш, мақсад қўйиш, сарф қилинган вақтнинг таҳлили, ижодий тафаккурни ошириш, мониторинг, ташкил этиш, рўйхат тайёrlаш ва бирламчиларини ажратади олиш.

Соғлом ва ижодий муҳит орқали бошқарувни сифатли ташкил этишда вақтни бошқаришда қўйидаги жараёнларни алоҳида ажратиш мумкин:

- таҳлил;
- ўтказилган таҳлил асосида стратегияларни моделлаштириш;
- мақсадлаштириш: аниқ мақсад қўйиш ёки ривожланишнинг асосий йўналишини аниқлаш.
- белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун режа тузиш ва бажарилиши керак бўлган бирламчи вазифаларни ажратиб олиш;
- амалга ошириш, белгиланган режа ва мақсадга эришиш тартиби асосидаги аниқ қадам ва ҳаракатлар;
- мақсадга эришиш, режаларни амалга ошириш, натижалар бўйича якунлашни назоратга олиш.

Иш вақтининг этишмаслиги — ходимларнинг ишини нотўғри ташкил этилиши ёки бошқарувни саводсиз ташкил этиш натижасида иш вақтини қисқартириш, ишларни бажаришдаги кечикишлар, ишларнинг сифатсизлиги, ишлаб чиқаришдаги йўқотишлиар ва бошқаларни келтириб чиқарадиган вақтинчалик маблағлар этишмаслиги, носоғлом муҳитни пайдо бўлишига ва ижодий фаолиятни сўнишига олиб келади. Раҳбарнинг вақт этишмаслиги бўйича хавотирлари қўйидагилар бўйича аниқлаштириш мумкин:

- ушбу кунга аниқ кун тартибининг йўқлиги;
- ёрдамчи ёки секретар ўз раҳбарнинг кундалик иш тартибини ва қаерда бўлишини билмаслиги;
- раҳбарнинг иши кўплигидан хатларга ўз вақтида жавоб қайтара олмаслигидан;

- иш вақтининг етишмаслиги сабабли раҳбар ишларини уйда давом эттиришига тўғри келишида;
- телефон қўнғироқлари ва ташқаридан келувчиларнинг асосий ишга халақит беришлари;
- асосий ишдан кўра иккинчи даражали ишларнинг кўплигидан;
- доимий шошилинчда бажариладиган ишлар тез толиқишига олиб келади.

Вақт етишмаслигининг асосий характеристикалари:

- ишнинг режалаштирилмаслиги, фақатгина раҳбар ишининг режасизлигини эмас балки бутун ташкилот ишининг режасизлигини билдиради;
- ходимларнинг эгаллаган лавозимларига мос эмаслиги;
- ўз имкониятлари, иш самарадорликларини нотўғри баҳоланиши;
- ходимларнинг шахсий ишини йўқлиги;
- ўз эҳтиёжларини назорат қила олмаслик;
- суст ишлаб чиқаришни келтириб чиқарувчи мотивациянинг паст даражаси.

Бу эса раҳбарнинг бошқарув фаолиятини, яъни ўз вақтини самарали тақсимлаши соғлом ва ижодий муҳитни яратилишига, сифат ва самарадорликка асосий сабаб бўлади (1.1.1-жадвал).

### **1.1.1-жадвал**

#### **Таълимда мутахассис қадрларнинг бошқарув кўнимларини ривожлантиришда бошқарувнинг таркибий компонентлари умумий тавсифи**

Бошқарувнинг таркибий компонентлари	Таркибий тавсифи
1	2
1.Инновацион менежмент	таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни бошқариш янгиликларни киритиш; таълим-тарбия жараёни иштирокчиларига зарурӣ инновацион шароитларни яратиш; жараённи амалга ошириш учун замонавий моддий- техника базасини яратиш; янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш

2.Стратегик менежмент	муассаса фаолиятини бошқаришда истиқболни олдиндан аниқлаш; фаолиятни олдиндан режалаштириш; бажариладиган вазифаларнинг йўналишини аниқлаш; мақсадга эришишда натижаларни олдиндан аниқлаш; таълим-тарбия жараёнида кўзланган мақсадларга эришиш -рақобатбардош битирувчилар тайёрлаш йўналишида
3.Тайм менежмент	вақтида барча ишга улгуриш; қисқа вақт мобайнида барча ишларни ташкиллаштириш; соғлом ва ижодий муҳитни ўз вақтда яратиш; иш вақтни тўғри тақсимлаш;
4. Маъмурий менежмент	бошқарув тизими ичидаги муносабатлар; ривожланиш қонуниятлари, тамойиллари, усул ва услублари; турли соҳа ташкилотлари маъмурияти фаолиятларини ташкил этиш, режалаштириш, тартибга солиш, мувофиқлаштириш, мотивация қилиш (ундаш) раҳбарликни оқилона уюштириш усуллари;
5. Таълим менежменти	педагогик жамоа фаолиятини бошқариш; ўқувчилар фаолиятини бошқариш; таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш; муассаса олдига қўйилган мақсадларга эришиш; рақобатбардош битирувчилар тайёрлаш; соғлом ва ижодий муҳитни яратиш; таълим сифати ва самарадорлигига эришиш; таълим-тарбия жараёни иштирокчилари бўлган раҳбарлар, мутахассислар, ижрочиларнинг муносабатлари ва физикларни мувофиқлаштириш наворат кипти

Таълим тизимини модернизациялаш (ингл. modern – янгилangan, замонавий, тезкор ўсиш) таълим жараёнига нисбатан инновацион ёндашувни талаб этади.

Бизнинг фикримизча, таълимни модернизациялаш - таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, халқаро стандартлар даражасига мос мутахассислар тайёрлаш, соғлом ва ижодий муҳитни яратиш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш, шунингдек фан ва технологиялар трансферига асосланган ҳолда таълим хизматларини диверсификациялашнинг инновацион тизимини яратишдир. Бундай

инновацион тизимни яратиш узлуксиз таълим тизими олдидаги қўйидаги устувор йўналишларни белгилайди:

- таркибининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг давлат томонидан тўлиқ таълим олиш ҳуқуқини таъминланиши, ёшларнинг олий таълим билан қамров даражасининг ортиши;

- узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида таълим сифати менежментининг жорий этиш, ижтимоий ва жамоатчилик ҳамкорлигини ривожлантириш;

- инновацион ёндошув асосида таълимнинг ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, информацион, дидактик механизмларини такомиллаштириш;

- илғор хорижий тажрибалардан келиб чиқсан ҳолда, таълим дастурлари мазмунини такомиллаштириш ва мослашувчанлигини ошириш;

- республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда таълим муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлаш, таълим сифатини оширишга, таълим тизимида шаффофоникни таъминлаш ва унинг қатнашчилари масъулиятини ошириш;

- профессор-ўқитувчилар инновацион шакл, метод ва воситаларини амалиётга жорий этиш.

Хозирги таълимни модернизациялаш шароитида раҳбарларларнинг менежерлик кўникмалари асосида соғлом ва ижодий муҳитни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурияти қўйидагилар билан ўлчанади:

- таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини меҳнат бозорининг талабларидан келиб чиқсан ҳолда, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш.

- талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интеллектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишининг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш.

- педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан раҳбарларнинг ижодий компетентлигини ривожлантириш зарурати.

Мазкур ёндошувлар ўз моҳияти ва таъсир доирасига кўра таълимни модернизациялаштириш шароитида ташкилий стратегияларни сифат менежменти нуқтаи-назаридан такомиллаштириш, таълимга ижодий ёндошувни ривожлантириш, шунингдек, бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш орқали сифат ва рақобатбардошликни оширишга, инновацион менежментни жорий этишга хизмат қиласи.

## **1.2-§. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг методологик асослари**

Раҳбар шахсини ўрганиш муаммоси кишилик жамиятининг барча даврларида муҳим масала бўлиб келган. Бунинг асосий сабаби биринчидан, ҳар бир даврдаги ижтимоий муносабатлар ўзига хос равишда ижтимоий мавқе жиҳатидан кимнингдир юқори даражада туришини тақозо этган бўлса, иккинчидан, инсонларнинг ҳаёт кечириш тарзи, равнақи, даражаси, фаровонлиги, баҳтли турмуш кечириши шу юқори мавқедаги шахсга, унинг турли фазилатлари ва хислатларига боғлиқ бўлганлигига.

Жамоада ходимларни бошқариш моделининг кейинги муҳим қисми ташкилот раҳбарини соғлом ва ижодий муҳитни яратиш томонлари тушунилади.

Мутафаккир аждодларимиз таълимотларида, ҳалқ ижодиётида адолатли ва адолатсиз шох тўғрисидаги маълумолар ҳаддан зиёд кўп. Жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Үлуғбек, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний ва бошқаларнинг қўлёзмаларида раҳбар (юксак лавозим эгаллаганлар назарда тутилади) инсонларнинг шахсий фазилатлари, уларнинг олдида турадиган мураккаб, масъулиятли вазифалар, айрим иллатларнинг олдини

олиш ва бартараф қилиш йўл-йўриқлари бўйича ибратли фикрлар билдирилган. Айниқса, раҳбарнинг фаҳм-фаросати, донишмандлиги ҳақгўйлиги, халқпарварлиги, инсоф-диёнатлилиги, саҳоват пешалиги илмий-амалий намуналар асосида таъкидлаб ўтилган.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий яқин ва ўрта шарқда илғор ижтимоий-фалсафий оқимнинг асосчиларидан бўлиб, “Шарқ Аристотели” деган унвонга сазовор бўлган машхур шахсдир. Ўрта аср мутафаккирларидан биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши ва давлатни бошқаришнинг асоси ҳақидаги билимлар тизимини ишлаб чиқди ҳамда бу масалаларни бир қатор асарларида батафсил баён этиб берди. Абу Наср Форобийнинг жамият, давлат, ҳуқуқ, сиёsat, адолат, таълим ва тарбия ҳақидаги ғоялари, қарашлари “Бахтга эришиш ҳақидаги трактат”, “Үруш ва тинчтотув яшаш ҳақида”, “Жамиятни ўрганиш ҳақидаги китоб”, “Давлат арбоблари ҳақидаги афоризмлар” каби асарларида ўзининг чуқур ифодасини топган. Муаллиф ўзининг асарларида жамиятнинг келиб чиқиши, давлатнинг пайдо бўлиши, унинг шакллари, давлат раҳбарининг вазифалари, улар олдига қўйилган асосий талаблар, давлатни идора этиш усуллари ҳақида ўзининг чуқур фалсафий-сиёсий қарашларини баён қиласди. Форобий шаҳар давлат раҳбарларининг ҳақиқатгўй, ёлғонга, адолатсизликка, зулмга қарши кескин курашувчи, бойликка жирканиб қаровчи, адолатни ўз табиати билан севувчи, ботир ва қатъий бўлиши зарурлигини таъкидлаб ўтади. Ў давлатни бошқаришда донолар ёрдамига суюниш, улар билан маслаҳатлашиб иш юритиш, бошқарув аппаратига эга ҳар томонлама етук доно, ҳалол ва камтарин кишиларни жалб қилишни энг тўғри йўл деб билади. Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асарида инсонларнинг яхши ҳаёт кечириши бошқарувчи, яъни раҳбар шахсига боғлиқ эканлигини, унинг турли фазилатлари бу борада унга ёрдам беришини уқтиради, ҳамда раҳбар шахси учун гуманистик, инсонпарварлик хусусиятлари муҳимдир деб таъкидлайди. Форобийнинг бу фикрларидан кўринадики, раҳбар шахси биринчи навбатда ўзини ёмон одатлардан озод қила олиши, бошқаларни

яхши ишларга рухлантира олиши керак экан. Бу фикрларнинг бугунги кунимиз учун ҳам аҳамияти пасаймаганлигини кузатиш мумкин.

Ўрта Осиёнинг буюк донишмандларидан бири бўлмиш Абу Райхон Беруний ҳам бошқарув ва бошқарувчи шахси хусусида ўзининг бир қатор фикр-мулоҳазаларини баён этган. Ў ҳар бир кишига баҳо бериш учун, унинг қилган ишини кузатиш мумкинлигини таъкидлайди: “Ҳар бир одамнинг баҳоси ўз ишини ажойиб бажаришидадир”. Унинг фикрича, табиатан бошқаришга мойил бўлган раҳбар ўз фикри ва қарашларида қатъий бўлиши, ишларни амалга оширишда донишмандлар томонидан билдирилган илғор мулоҳазаларга бўйсуниши, олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик ва адолат ўрнатишдан иборатдир. Абу Райхон Берунийнинг ижтимоий-сиёсий дунёқараши Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги феодал тарқоқлик ва ислом сиёсий мафкураси ҳукмронлик қилаётган бир замонда шаклланади. Беруний жамиятни бошқаришда жамият подшога хизмат қилмай, балки подшо жамиятга хизмат қилиши кераклигини тушунган ҳолда: “идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият чекканларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, бирорларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборат”, - дейди. Ў Хоразмшоҳ Маъмун II саройида ҳукмдорнинг маслаҳатчиси бўлиб хизмат қилган чоғларида ҳам мамлакат сиёсий ишларида фаол қатнашган, шохга жуда кўп фойдали сиёсий маслаҳатлар берган, сиёсий тавсияномалар ишлаб чиқиб тақдим этган эди. Беруний ўзининг орзу-умидларини одил ҳокимлар билан боғлаган бўлса-да, лекин идеал шох ўша даврда топилмаслигини ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини ҳис этади. Ў жоҳил ва золимларнинг мавжудлиги туфайли зулм ва зўравонлик кучаяди, бойликка хирс қўйилади, деб таъкидлайди.

Үлуғ табиб Абу Али ибн Сино жаҳон илму фанига ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-дуёқараши ҳазинасига улкан ҳисса қўшган алломалардан биридир. Айниқса унинг давлат бошқаруви ҳақидаги фикр-мулоҳазалари таҳсинга лойиқдир. Ибн Сино жамиятни

давлатсиз, қонун-қоидасиз тасаввур қила олмайди. Ўзининг “Рисолаи тадбири манзил” асарида ёзган эдики, агар ҳамма одамлар шоҳ, султонлардан иборат бўлса, ёки ҳаммалари оддий меҳнаткаш бўлсалар эди, уларга раҳбарлик қилувчи хонлар, султонлар бўлмас эди. Бундай ҳолларда уларнинг барчалари ҳалок бўлган бўлур эдилар. Мутафаккир жамиятдаги моддий тенгсизликни эътироф этиб, одамларнинг ҳаммаларини бойиб кетишларига ва аксинча камбағаллашиб кетишларига қарши чиқади. Үнингча, агарда ҳамма жамият аъзоси бирдек бойликка, мулкка эга бўлсалар, у ҳолда бир кишини иккинчи кишига ёрдам кўрсатиши, бир-бирини рағбатлантириши тугатилади. Аксинча, одамларнинг ҳаммаси йўқсилларга айлансалар, бундай ҳолда, улар очарчиликдан қирилиб кетадилар.

Шарқ мамлакатлари ҳалқларининг маданий-маънавий тараққиётида улкан ҳисса қўшган алломалардан бири Юсуф Хос Хожибdir. XI асрнинг йирик алломалиридан Юсуф Хос Хожиб ўзининг “Қутадғу билиг”, яъни “Саодатга бошловчи билим” асарида “Киши қанчалик юқори мартабага эришмасин, у барибир камтар бўлиб қолиши лозим” деган ғояни илгари суради, яъни бошқарувчи шахси, яъни ҳалқ билан бирга ва адолатли бўлиши лозимлиги, табиатан яхши ниятли, юксак ахлоқ соҳиби, тўғри ишлар қилиши, фармонларни адолатли равишда чиқариши керак деб таъкидлайди.

Шарқнинг буюк алломалиридан бири Жалолиддин Давоний машхур асари “Ахлоқи Жалолий” китобида инсон камолоти учун зарур ахлоқий фазилатлар йўллари ва усулларини баён этади. Асар уч қисмдан иборат. Биринчи қисм – ахлоқ фанига, иккинчи қисм – “Одамнинг ички ҳолати” оиласид ҳаётига, учинчи қисм – “шаҳарни (давлатни бошқариш ва подшоҳлар сиёсати” деб аталиб, унда муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар кўтарилади. Давоний ҳам Форобий каби шаҳарларни одил подшо идора қилса ва ўз ҳукмларида адолатга риоя қилса, таъмагирликни, ақл билан даф этса, жоҳил шаҳар бошлиғи ўз манфаатини кўзлаб иш юритади ва бойликка ҳирс қўйиб, ҳалқ фикри билан ҳисоблашмайди, дейди.

Давоний олимларнинг жамиятда, давлатни бошқарувда тутган ўрнига катта аҳамият беради. Ўнинг фикрига кўра ҳақиқий олим давлат ишларида фаол қатнашиши, жамиятга фойда келтирадиган мураккаб муаммоларни ечишда иштирок этиш керак. Олимлар табиат сирларини ўрганиш, таълим-тарбия ишлари билан шуғулланиши, омма ўртасидаadolat қоидалари, одоб-ахлоқ нормаларини тарқатиш билан шуғулланиши бошқалардан илгариги сафда туриши керак. Уларнинг маслаҳатларидан давлат муассасалари бошқарувчилар фойдаланиши муҳим, деб уқтиради. Муаллиф фозил шаҳар бошқарувчилари ҳақида гапириб, уларда ўнта энг яхши фазилат мужассамлашган бўлиши керак, дейди. Булар қуйидагилар:

- 1) хукмдор одамларни эъзозлаши керак;
- 2) давлат ишлариниadolatli ижро этиши керак;
- 3) хирс ва шаҳватга берилмаслиги керак;
- 4) хукмдорликда шошма-шошарликка ва ғазабга йўл қўймаслиги, балки шафқат ва мурувватга асосланиши керак;
- 5) халқининг эҳтиёжини қондиришга оид ишларни бажаришга ҳаракат қилиши керак;
- 6) халқининг эҳтиёжини қондириш учун худонинг иродасидан келиб чиқиши керак;
- 7) халқقا нисбатан одил бўлиши керак;
- 8) ҳар бир ишни маслаҳатлашиб, кенгашиб ҳал этиши керак;
- 9) ҳар бир кишини унинг қобилиятига монанд лавозимга тайинлаши, қобилиятсиз кишиларга юқори лавозим бермаслиги керак;
- 10)adolatli фармонлар чиқариш, қонунни бузишга йўл қўймаслиги керак.

Шарқ мумтоз маданиятининг бутун дунёга машҳур намоёндаларидан бири Муслиҳиддин Саъдийнинг “Гулистон” асари Шарқ таълим-тарбия тарихида ўзига хос дидактик шоҳ асар сифатида тан олинган. Китоб “Подшоҳлар одати баёни”, “Дарвешлар ахлоқи баёни”, “Қаноатнинг фазилати баёни”, “Сукут сақлашнинг фойдали баёни”, “Заифлик ва кексалик баёни”, “Ишқ

ва ёшлик баёни”, “Сұхбат қоидаларини баёни” каби боблардан иборат. Асарнинг мундарижасидан ҳам кўриниб турибдики, у инсонни камолотга етакловчи ҳикматлардан ташкил топган.

Шарқ илм-фани тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган алломалардан бири Абдураҳмон Жомийдир. Аллома ўз ижтимоий-сиёсий қарашларида зулм тугатилган, эзувчи ҳам, эзилувчи ҳам бўлмаган, барча тенг ҳуқуққа эга бўлган фозил жамиятни орзу қиласи. Фозил жамиятнинг бунёдкорини адолатли халқпарвар шоҳ сиймосида кўради. Бундай давлат бошлигининг ижтимоий қиёфасини ўзининг “Хиродномаи Искандар” (Искандар ақлномаси) асарида Искандар образида гавдалантиради. Ў- улуғ дарди билан яшовчи, унинг дардига қулоқ солувчи, ноҳақ қон тўкишнинг олдини олевчи ҳукмдор ҳақида орзу қиласи. Абдураҳмон Жомий адолатли шоҳнинг энг олийжаноб фазилати одиллик деб ўйлади. Одилликни нурга қиёс қиласи. Зўрликни эса зулматга ўхшатади.

Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг сиёсий қарашларида одил ҳукмдорларга, эл юртга адолатли тузум ўрнатилишига қатъий ишонч, катта умид гавдаланади. Шоирнинг фикрига кўра, давлатни бошқарадиган ҳукмдор яхшилик, эзгулик билан ном чиқариши, саводхон, илмли, хусусан тарихни яхши билиши, энг муҳими – ахлоқан пок бўлиши зарур. Навоийнинг назарида, адолатли, одил подшох – буюклик тимсолидир. Адолатли подшох ҳақ таоллонинг ҳалойиққа қўрсатган марҳаматидир. Адолатли подшох мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир. Алишер Навоийнинг таъкидлашича, давлат бошида турган раҳбар шароитга қараб иш юритиши, зарур бўлса, юмшоқ, лозим бўлганда қаттиққўл, “яхшига-яхшию, ёмонга-ёмон” бўлмоғи, шошма-шошарликка йўл қўймаслиги, айниқса жазо тайинлаш ва унинг ижросидан хушёр бўлиши, хусусан озгина айб қилиб қўйган гуноҳкорга меъёридан ортиқ жазо бермасликни, мабодо гуноҳкор қатл этиладиган бўлса, ижрони мумкин қадар кечикириб бажаришни, чунки айбдор, ўлганидан сўнг уни тирилтириб бўлмаслигини уқтирган.

Буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темур ҳам катта бир салтанатнинг асосчиси, раҳбари сифатида бошқариш ва раҳбарлик масалаларига оид кучли тамойилларни яратган. Амир Темур фикрича, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим: (1) кенгаш; (2) машварату маслаҳат; (3) қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрлик; (4) эҳтиёткорлик қилиш деб ҳисоблайди. Үнинг фикрича: “Ишбилармон, мардлик ва шиҷоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир”, яъни уни нафақат синааб кўриш лозимлиги, балки раҳбарнинг индивидуал-психологик хусусиятлари, шахсий йўналганлиги, эътиқоди, эҳтиёжи, мотиви кабиларни инобатга олиш, бу раҳбарларни рағбатлантириш, юқори лавозимларга кўтариш ёки жазолаш усусларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳам Амир Темур тузукларида баён этиб берилгандир.

Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлилидан кўринадики, бизнинг ҳудудимизда яшаб ижод этган мутафаккирлар, давлат арбоблари, намояндадар асалари ва қарашлари бошқариш, раҳбарлик муаммоларига бағищланган бўлиб, уларда ижтимоий воқеаликка нисбатан ижтимоий-психологик ёндашиш, инсонпарварлик ғоялари устувор этиб олингандир.

Раҳбарларнинг бошқарув фаолиятини ривожлантириш стратегияларини муассасанинг инновацион менежмент динамикаси, корпоратив бошқарув самарадорлиги, шунингдек ташкилий-бошқарув маданияти призмаси асосида лойиҳалаштириш, ривожлантириш ва мониторингини олиб бориш тамойиллари ва уларнинг классификацияси тадқиқотчилар Ф.Тейлор, А.Файол, Э.Мэйо, К.Левин, М.Мексон, Д.Карнегинлар томонидан илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Ташкилот менежментини ўрганувчи олим В.А.Спивак бошқарув назарияларининг ривожланиш тарихини қуйидаги даврларга ажратган ҳолда тадқиқ этади:

-илмий бошқарув мактаби ёки меҳнатни илмий ташкил этиш мактаби.

Үшбу йўналиш асосида америкалик олим Ф.У.Тейлор номига қўйилган “тейлоризм” таълимоти ётади ва бу соҳада олиб борилган АҚШдаги изланишлар 1885-1920 йилларни ўз ичига олади. Ф.У Тейлор ўша даврдаги малакасиз ишчилардан самарали фойдаланиш мақсадида, мураккаб ва малака талаб этувчи меҳнат турини майда операцияларга ажратди.

Анри Файлол бошқарув фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган француз олимлариданdir, у ўзининг бой амалий тажрибасини “Умумий ва саноат бошқаруви” (1916) номли китобида бошқариш тамойиллари: меҳнат тақсимоти, ваколат ва маъсулият, интизом, индивидуаллик, йўналишнинг (мақсад) бир хиллиги, шахсий манфаатларни умумий манфаатга бўйсуниши, ходимларни тақдирлаш, марказлашиш, бошқарувдаги иерорхия, тартиб, адолатлилик, ходим учун иш жойининг доимийлиги, ташаббускорлик, корпоратив руҳият эканлигини таъкидлайди.

1924 йилдан бошлаб инсоний муносабатлар мактаби ҳам ривожлана бошлади. Бу ёндошувнинг асоси ва бирламчи манбаалари америкалик психолог Элтон Мейонинг “Хоторн тажрибалари”га бориб тақалади. “Western Electric” компаниясида ўтказилган тажрибаларда, цех ишчиларига эътиборли бўлиш, уларнинг манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилиш натижасида меҳнат унумдорлигини оширишга эришилган. Бундай муносабат ишчилар томонидан рағбатлантирувчи омил сифатида қабул қилинган ва ижобий муносабатларни шакллантириш асосида меҳнат унумдорлиги ошган. 1950 йилдан миқдорий ёндошув ривожлана бошлади. Бу ёндошувнинг асосий моҳияти гуруҳ ва ташкилотларни бошқаришда математик методлардан, хусусан, меҳнат операцияларини таҳлил этиш, математик моделлар яратиш услублари қўлланди.

Бошқарувга жараён сифатида ёндошиш таълимотида эса ташкилот ҳаётига мураккаб ва динамик жиҳат сифатида қаралади ҳамда бошқарув ўзаро боғлиқ функцияларни бажаришнинг узлуксиз жараёни сифатида тушунилади. Бундай функциялар сифатида: режалаштириш, ташкил этиш, топшириқлар бериш

(маъмурий бошқарув), мотивлаштириш, раҳбарлик, координация, назорат, тадқиқотлар, коммуникация, баҳолаш, қарор қабул қилиш, персонал танлаш, музокаралар олиб бориш ва ваколат бериш кабилар санаб ўтилади.

Тизимли ва вазиятли ёндошув орқали эса ташкилотда амалга ошаётган жараёнлар, ишлаб чиқаришда иштирок этувчи ҳамма иштирокчилар ўртасида сабабий алоқа мавжудлиги, ташқи муҳит ва вазият ходим хулқидаги ҳал этувчи омил эканлигини тушуниш имконияти пайдо бўлади.

Замонавий ёндошувлардан бири - инсон ресурсларини ривожлантириш концепцияси бўлиб, бунда ташкилот манфаати йўлида ходимнинг ўз ташаббуси бўйича самарали меҳнат килиши учун яратиладиган соғлом ва ижодий шароитлар марказий масала деб қаралади. Ташкилот персоналини ривожлантириш омили сифатида ходимларнинг эҳтиёжини аниқлаш ва қондириш, уларнинг касбий ва шахсий камолотга эришиши учун соғлом ва ижодий шарт-шароит яратиш ғояси ётади. Аниқланган эҳтиёжлар мажмуасига ҳар томонлама таъсир этиш натижасида ишчининг меҳнатга ижобий ёндошуви ва самарали меҳнати таъминланади.

Гарбда бошқарувнинг психологик муаммоларини ўрганиш бўйича кўплаб қимматли тажрибалар ўтказилган. Жумладан, машхур немис психологи К.Левин раҳбарларни 3 типга бўлиб ўрганган. Улар қуидагилар: авторитар, демократик ва либерал раҳбарлик. Олим авторитар бошқарув услуби тўғрисида гапириб, ушбу типдаги раҳбарларга жамоа, жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини инобатга олмаслик, танҳо хукм ва хulosалар чиқаришга одатланиш, жамоани қаттиқўллик билан бошқариш, ўзини якка хоким сифатида тан олиш каби сифатлар хос эканлигини таъкидлайди. К.Левин одил бошқарув усули сифатида демократик ишлаш услубини таклиф қиласди. Үнинг фикрича, демократик услубдаги бошқарувчи жамоа фикри, ғояси, муайян даражада қарорга келиши, ҳукуқий тенглилка риоя қилиниши, эркинликни рўёбга чиқиши тўғрисидаги масалаларга оқилона муносабатда бўлади. Олим либерал бошқарувчиларни

қатъиятсизлик ва принципсизликда айблайди. Бу услуб илмий жамоаларда, иноқ гурухлардагина ижобий натижа беришини таъкидлайди.

Америкалик олим Л.Лайкерт бошқарув услубининг самарадорлигини ошириш муаммосини ўрганиб, раҳбарлик услубида мажбур қилиш усууларидан фойдаланмаслик кераклигини таъкидлайди ҳамда энг оқилона усул сифатида ишонтириш усулинни таклиф қилади.

Инглиз олими М.Мексоннинг изоҳлашича, раҳбар фаолияти-нинг самарадорлиги, энг аввало, коммуникация самарадорлигига боғлиқдир.

Коммуникация самарадорлиги эса қуидагилар билан изоҳланади:

- кишилар билан яkkама-якка суҳбат олиб бориш қобилияти;
- телефонда сўзлашиш қобилияти;
- расмий ҳужжатларни тузиш ва ўқий олиш қобилияти;
- мажлисларда қатнашиш маданияти ва ҳоказо.

Муаллифнинг фикрича, ҳар бир раҳбар 50-90 %гача вақтини коммуникация сарфлайди. Раҳбар қанчалик коммуникатив қобилиятга эга бўлса, унинг раҳбарлигидаги жамоада шунчалик муаммоли ҳолатлар ва жамоада носоғлом муҳит кам бўлади.

Таниқли психолог Д.Карнегин бошқарув самарадорлигини раҳбар ва ходимлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар, муомала жараёнлари билан боғлаб тушунтиради. Унинг фикрича, энг яхши раҳбар кўп гапиришни биладиган эмас, балки қўл остидаги ходимларни кўпроқ эшита оладиган раҳбар ҳисобланади. Раҳбарларда тинглаш қобилиятининг мавжудлиги унинг меҳнат жамоасида обрў топишида ўзига нисбатан ишонч ҳосил бўлишида, одамларни ортидан эргаштира олишида муҳим ўрин тутади.

Машхур рус психологи С.Л.Рубинштейн ўз илмий изланишларида жамоада руҳий муҳитни ўрганишга оид кўрсатмалар, тавсиялар ишлаб чиқган.

Атоқли олим А.Н.Леонтьевнинг бошқарув ҳақидағи таълимотида раҳбар эмоцияси, мотивацияси, әхтиёжи унинг шахсиятини белгиловчи асосий омиллар сифатида қаралған.

Машхур рус психологи Б.Ф.Ломов ўз илмий изланишларида раҳбарлик муаммоларини самарали ўрганиб, бошқарув фаолиятинг бир нечта йўналишларни очиб беришга уринган:

- муомала-фаолият, жараён, фикр узатиш воситаси сифатида;
- қарор қабул қилиш типлари, воситалари ва ундаги билвоситаликни;
- ҳамкорлик, фаолиятининг тузилмаси ва унинг ўзига хоставсифлари;
- раҳбар кадрлар фаолиятининг тузилиши;
- раҳбарнинг типлари ва иш услублари.

Муаллифнинг раҳбар фаолиятига нисбатан ўзига хос ёндашуви ҳамда унинг яхлит тузилишига эга эканлиги түғрисидаги мuloҳазалари муҳим аҳамиятга эгадир. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантириш бўйича олимларнинг ёндашувлари қуйидаги жадвалда ўз аксини топади (1.2.1-жадвал).

### **1.2.1-жадвал**

#### **Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантириш бўйича олимларнинг ёндашувлари**

Муаллифларнинг ёндашувлари	Соғлом ва ижодий мухитни яратилиши
Меъёрий ёндашув	бошқарув функцияларини бажариш, ҳамкаслар билан мuloқот қилиш; ишбилармонлик, музокаралар ўтказиш қобилияти; бошқа ташкилотлар, бошқарув органлари ва ҳокимият вакиллари билан самарали мuloқот қилиш қобилияти; таълим тизимида можаро ва таранг вазиятларни ҳал қилиш;
Ф.Тейлор	ишни тўғри ташкил қилиш; фаолият самарадорлигини қизиқтириш; илмий бошқариш мактабини ривожлантириш; мехнатни меъёрлаш асосларини ишлаб чикиш;

А.Файоль	мехнат тақсимоти; авторитет ва хокимият масъулияти, интизом; раҳбарлик бирлиги; шахсий манфаатнинг умумий манфаатга бўйсуниши; меҳнатни рағбатлантиришнинг марказлашган ва марказлашмаган бошқарув мувозанати; бир турдаги менежерларнинг мувофиқлаштириш; тартиб, одиллик, самимилик; ходимлар катъийлиги, ташаббус
Ж.П.Мило	касбий мулоқотда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмалари; фаол тинглаш ва тушуниш; конструктив шахслараро ва гуруҳлараро мулоқот кўникмалари
Т.Н. Мацаренко	одамларга қизиқиш ва ишонч; маълумотларни қидириш ва тўплаш; ўзаро алоқаларни бошқариш; фикрларни аниқ ва изчил баён эта олиш; янги ривожланиш йўналиши ва қабул қилиш
М.Мексон	таълим тизимида коммуникатив компетентликнинг қобилияти ва маҳорати; мулоқот қобилияти ва маҳорати; таълим тизимида коммуникатив жараёнларни бошқариш қобилияти ва маҳорати; кишилар билан яккама-якка сухбат олиб бориш қобилияти; телефонда сўзлашиш қобилияти; расмий хужжатларни тузиш ва ўқий олиш қобилияти; мажлисларда қатнашиш маданияти
К.Левин	бошқарувнинг авторитар, демократик, либерал стили; раҳбар эмоцияси, мотивацияси, эҳтиёжи; жамоада, иноқ гуруҳларни яратиш;
Э.Мейо	тизимга эътибор қаратиш; меҳнат натижаларини яхшилаш; инсон муносабатларини яхшилаш; кишиларга оддий эътиборни қаратиш;
П.М.Керженцев	меҳнатни илмий ташкил этиш; бошқаришни ташкил қилиш тамойилларига эътибор бериш; вақт учун кураш орқали бошқариш
Ч.Барнард, Г.Саймон	тизимли, вазиятли, функционал ва микдорли

Раҳбарнинг сифатий томонларига: мослашиш хусусияти, лидерлик, ижтимоий функцияларни, мувофиқлаштириш; мулоқот (муносабатдаги очик кўнгиллик, одамларни ўзига ён бостира олиш, ишбилиармонлик алоқаларини ўрнатиш); стрессларга чидамлилик каби сифатлар раҳбарнинг асосий хусусиятларига киради.

Бошқарув жараёнида соғлом ва ижодий муҳитни шакллантиришда раҳбар маданияти деганда раҳбар одоби ва иқтидори ўртасидаги диалектик боғланиш тушунилади. Жамоада соғлом ва ижодий муҳитни шакллантиришда раҳбар маданияти қуидаги фазилатлар мажмуида ўз аксини топади. Биз ушбу фазилатларни

**Одоб** — яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни англашдир. Одоб воситасида киши ўз жонини ёмон ҳислатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлардан безайди, ақлнинг суюнчиғи, барча фазилатларнинг мезони. Бехудага халқимизда "Ақл билан одоб — эгизак" дейишмайди.

**Иймон** уч нарсанинг бутунлигидан ҳосил бўлади, эътиқод, икрор ва амал.

**Эътиқод** — бу ишонч. **Икрор** — сўзда буни тан олиш. **Амал** — яхши ишлар билан уни исботлаш.

**Инсоф** — раҳбарнинг жамият олдида, теварак-атрофидаги кишилар олдида ўз ҳатти-ҳаракати билан маънавий масъулиятини ҳис этишининг ифодасидир. Инсоф бу адолат ва виждан амри билан иш тутиш туйғуси ва қобилияти, ишда кишиларга муносабатда ҳалоллик билан ёндошиш.

**Адолат** - бу барча фазилатлар ичидаги энг олий фазилатдир. Адолатпарвар раҳбарнинг аҳлоқий ҳислатлари bemalol қонун ўрнини боса олади. Адолатли жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик ишига рағбати кучли бўлади.

**Иқтидорли** - деганда бирор соҳа бўйича лаёқатини онгли равишда намоён қилиш учун қатъият кўрсата оладиган кишилар тушунилади. Иқтидорли одамлар куч-кувватини аямайди ва кутиладиган натижасига — мақсадига ётади.

Юқорида кўрганимиздек, раҳбарлик лавозимларидағи ходимлар кенг талаблар доирасига жавоб беришлари керак. Таълим муассасаси бошқаруви ўзига ҳослиги билан ажралиб туради, ҳамда вазиятнинг мураккаблиги кўпгина ҳолатларда бизнесда ёки бошқа ташкилотларда раҳбарлик лавозимида бўлишдан анчагина юқоридир. Таълим жараёни иштирокчиларининг (ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар ва таълим тизимининг маъмурий тузилмалари) талаблари кўпгина ҳолларда бир-бирига мос келмаслиги ва фақатгина юқори даражадаги мулоқот қилиш, музокаралар олиб бориш ва муомала кўнималари, муҳимлик, ижодкорлик, эгилувчанлик ҳамда бошқа шахслар гурухида норозиликка олиб келиши мумкин бўладиган қарорларни қатъий қабул қила олиш қобилиятини ҳам талаб қиласди. Бошқа соҳалардаги раҳбарлардан фарқли ўлароқ, мактаб раҳбарлари ўзларининг фаолиятида маблағ, инфратузилма, тегишли кадрлар ва бошқа ресурслар билан етарли даражада таъминланмаган ҳолда стратегик ечимларни қабул қилишга ва шундай шароитда кутилаётган натижаларга эришишни талаб қилувчи ҳолатга тушадилар. Натижада, бошқарувда импровизация (ностандарт ҳаракат қилиш) мактаб раҳбарининг муаммоларни ечиш ҳамда ресурларни излаш каби қўплаб вазифа ва жавобгарликларининг узвий қисмига айланмоқда.

Мактаб раҳбарини ходимлар томонидан қабул қилиниши ва улар томонидан тан олиниши, мактабнинг муҳити ва муваффақияти учун ўта муҳимдир. Мактаб раҳбарининг юқори малакаси мактабда юксак даражадаги таълим муҳитини шакллантиришда, соғлом ва ижодий муҳитни яратиш орқали салмоқли ютуқларга эришишда аҳамияти ўта муҳимдир.

Ҳар қандай соҳадаги раҳбарлик – бу фаолият йўналишлари ва методларининг муайян шароитларда бошқарув функцияларини самарали амалга оширишни тамиnlайдиган тизимидан иборат.

Раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш – бу таълим муассасалари фаолиятини раҳбар томонидан тўғри ташкил қилиш, ходимлар фаолиятини назорат

қилиш ва самарали бошқариш ҳамда натижали мажлислар ўтказиш йўли билан ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг аниқ белгиланган мақсадларга эришиш, ходимлар ўртасида келиб чиқсан муаммоларни таҳлил қилишга асосланган хulosалар ва қарорлар қабул қилиш, ходимлар орасидаги муносабатларни яхшилаш ва фикрлар алмашишдан иборат.

Раҳбар томонидан соғлом ва ижодий муҳитни яратишнинг асосий қоидаларини кўрсатиб ўтишимиз лозим:

- келажакни олдиндан кўра билиш, ўрганиш, ходимлар билан ишлаш дастурини тузиш ва уни амалга ошириш;
- бошқарувни ташкил қилиш – ходимларнинг ижтимоий-молиявий фаолиятини яхшилаш учун шароитлар яратиш;
- топшириқларни тақсимлаш – қўйилган вазифаларни амалга ошириш, уларни ҳал этиш мақсадларида буйруқлар чиқариш;
- келишиш – ходимларнинг қобилиятларидан келиб чиқсан ҳолда, юзага келган вазиятни ўргангандан ҳолда жамоада ишлар тақсимотини ўзаро мослаштириш;
- назорат – ўрнатилган тартибда буйруқлар ва қарорлар ижросини кузатиб бориш.

Кадрларни бошқариш жуда мураккаб ва кўп қиррали жараён. Ходимларни бошқаришда раҳбар соғлом ва ижодий муҳитни ривожлантиришда қуидаги асосий талаблар ва қоидаларга риоя қилиши лозим:

- ходимлар билан хушмуомла бўлиш;
- ҳар қандай вазиятда етакчи бўлиш;
- зиддиятли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш;
- ахборотни тез ўзлаштириш, унинг устида ишлаш ва ўз вақтида педагогик жамоага етказиш;
- мавжуд имкониятлардан мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланиш;
- янги, замонавий инновацион технологияларни тезкорлик билан жорий қилиш;
- ўз фаолиятини ҳамда педагогик жамоа фаолиятини таҳлил қилиш, таклифлар киритиш жараёнида жамоани бошқариш;

- ходимларни уларнинг шахсий ва иш қобилиятларидан келиб чиқкан ҳолда бошқариш;
- педагогларнинг касбий малакаларини узлуксиз ошириб боришларини ташкил қилиш;
- таълим жараёнини давлат таълим стандартлари талаблари асосида бошқариш, ўқув-тарбия жараёнини самарадорлигини таъминлаш ва сифатини ошириш;
- амалиётда янги дарсликлар ўқув қўлланмалар ва ахборот восталаридан фойдаланиш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- давлатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлардан келиб чиқкан ҳолда миллий мафкура асосида эркин фикрлайдиган, ҳаётга ватанпарварлик, тинчликсеварлик қарашларига эга бўлган ўқувчиларни тарбиялаш.

Диссертация ишида тадқиқот муаммосининг “бошқарув”, “самарали бошқарув”, “раҳбарларнинг бошқаруви фаолияти” ва “соғлом ва ижодий мухит” каби асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинди. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда биз раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида “соғлом мухит”, “ижодий мухит”, “раҳбарларнинг самарали бошқаруви фаолияти” тушунчаларини илмий истеъмолга киритишни таклиф этдик.

**“Раҳбарларнинг самарали бошқаруви фаолияти”** – бу юксак маҳорат талаб этадиган, ҳаётий эҳтиёжларни қондиришда кўзланган мақсадга эришиш учун билим, кўнникма ва компетенцияларга эга бўладиган, янгича фикрлайдиган ва жараёнга ижодий ёндаша оладиган, ўзини-ўзи бошқариши ва тадқидий таҳлил қила оладиган, аниқ ва ностандарт вазиятларда мустақил қарор қабул қила оладиган, ҳар қандай ҳолатда масъулиятни ҳис этиш билан боғлиқ тайёргарлик даражасидир дея илмий-доктринал таъриф берилди.

Шунингдек, тадқиқот давомида назарий манбалар мазмуни билан танишиш шуни кўрсатдики, бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий мухитни ривожлантириш муаммоси кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида турли йўналишларда

ўрганилган. Аксарият педагогик-психологик адабиётларда раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш шахснинг ижтимоий-касбий йўналганлиги асосида шаклланадиган, касбий вазифаларнинг самарали ечимини таъминлашга хизмат қилувчи касбий тайёргарликни амалий фаолиятда намоён бўлиши сифатида изоҳланади. Шу билан бирга, раҳбарнинг касбий тайёргарлик даражасининг фаолият талабларига мослиги ва лаёқатлийк сифатида ҳам қайд этилади. Бу меҳнат бозорининг замонавий раҳбарларга бўлган талаблари, интегратив касбий-шахсий сифатлар мажмуаси ҳамда соғлом ва ижодий муҳитга йўналтирилган касбий фаолият мазмуни орқали ифодаланади.

Илмий-педагогик таҳлиллар жараёнида соғлом ва ижодий муҳитни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари аксарият изланишларда бўлажак мутахассисларни тайёрлаш мисолида ўрганилганлиги, шу билан бирга мазкур тадқиқотларда илгари сурилган соғлом ва ижодий муҳит тузилмаси ва элементлари келгусидаги касбий фаолият талаблари учун қаратилганлиги, амалиётдаги мутахассисларнинг ижодий муҳитни ривожлантириш масалалари эса фаолиятнинг реал талабларидан келиб чиқсан ҳолдаги режалаштиришни талаб қилиши аниқланди. Мазкур жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, тадқиқот йўналишини таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни ривожлантириш мазмуни ва механизmlарини айнан таълим муассасасининг ривожланиш стратегиялари, корпоратив мақсадларга йўналтирилган ҳолда тадқиқ этишга қаратдик.

### **1.3-§. Мутахассис кадрларининг бошқарув фаолиятида коммуникатив ривожлантириш омилларининг таҳлили**

Бугунги кунда раҳбар ўзининг 5-10 йил олдинги олий таълим муассасасида олган билимлари билан касбий-шахсий, бошқарув фаолиятини муваффақиятли ташкил эта олмаслиги, таълим

бозорида рақобатбардошликини таъминлай олмаслигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида раҳбарларнинг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувоғиқ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали касбий ва шахсий ривожланиш даражасини таъминлаш масаласининг долзарблигини белгилайди.

Барқарор касбий ривожланишни таъминловчи зарурий педагогик шарт-шароитлардан бири раҳбарнинг шахсий ва касбий такомиллашувига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг мезон қийматини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади. Хусусан, таълим муассасалари раҳбарлари касбий тайёргарлигининг юқори даражада бўлиши, уларда касбий маҳоратнинг ривожланиши, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, соҳага оид илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва қўллаш кўникма, малакасини пухта ўзлаштириш, бир сўз билан айтганда соғлом муҳит жараёнида ижодий компетентликни ривожлантириш жараёнлари самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг когнитив таҳлилини талаб этади.

Тадқиқот давомида соғлом муҳит орқали ижодий компетентликни ривожлантириш мазмуни ва архитектоникаси (мажмуавий тузилма)ни шакллантиришга нисбатан қуйидаги ёндашувлар кераклиги аниқланди: блок-даражали ёндашув, функционал ёндашув, индивидуал-психологик ёндашув. Илмий-педагогик таҳлиллар жараёнида соғлом муҳит орқали ижодий ва компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари аксарият изланишларда бўлажак раҳбарларни тайёрлаш мисолида ўрганилганлиги аниқланди. Мазкур жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, тадқиқот йўналишини раҳбарларнинг ижодий компетентлигини ривожлантириш мазмуни ва механизmlарини тадқиқ этишга қаратдик.

Маълумки, катталар таълимини ташкил этиш ва бошқариш методологияси ўз навбатида мазкур жараён самарадорлигини кафолатловчи етакчи омилларни аниқлаштириб олишни тақозо этади. Тадқиқот натижалари асосида таълим муассасалари

раҳбарларининг бошқарув фаолиятида соғлом муҳит яратиш орқали ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг андрагогик, акмеологик ва метакогнитив омиллари таснифланди.

Маълумки, метакогнитив омиллар бу раҳбарнинг касбий билим, кўникма ва компетенциялари асосида янги билимларни ўзлаштириш, ўз-ўзини касбий ривожлантириш учун асос бўлувчи омиллар мажмуи саналади.

Метакогнитив омиллар мотивацон, интеллектуал ва эмоционал соҳани касбий ва шахсий ривожлантиришнинг энг юқори имкониятлари билан уйғулаштириб, контент билимлар, яъни раҳбарларнинг шахсий имкониятлари, мавжуд тайёргарлик даражаси; жараёнли билимлар-касбий фаолиятнинг мураккаб ва ностандарт вазифаларини ҳал этиш жараёнида ўзлаштириладиган янги билим ва кўникмалар; стратегик билимлар-фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган информацион ва аналитик жараёнларни ўз ичига қамраб олади (1.3.1-расм).



### 1.3.1-расм. Соғлом ва ижодий муҳитни ривожлантиришнинг метакогнитив омиллари

Тадқиқотчилар Дж.Флейвелла, А.Браун, С.Тобиаса, Х.Т.Эверсон, В.Шнайдер, М.А.Холодная, М.В. Кондурад, А.В.Карпова, Е. В, Wilson L. O. Anderson ва бошқаларнинг илмий изланишларида мутахассиснинг касбий компетентлигини

шаклланишига таъсир этувчи метакогнитив омилларни мотивацион, когнитив, нейролингвистик, ижтимоий, фаолиятли, мустақил ўз-ўзини касбий ривожлантириш билан боғлиқ ҳолатларни тадқиқ этадилар.

Жумладан, тадқиқотчилар М.А.Холодной, А.В.Карпов, А.Браунлар метакогнитив яъни шахснинг касбий билиш жараёнларига туртки бўлувчи стратегияларини қуидагича белгилайди:

- фаолиятни лойиҳалаштириш жараёни (режани шакллантириш, натижаларни амалга ошириш ва йўл қўйилган хатоликларни таҳлил этиш);
- мустақил билиш фаолиятини назорат қилиш жараёни;
- билиш фаолияти натижаларини текшириш, ахборотларга нисбатан очиқлик.

Эмпирик таҳлиллар шуни қўрсатадики, раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом муҳитни яратиш орқали ижодий компетентлигини ривожлантириш мотивлари қуидагиларда акс этади:

1. Умумий ижтимоий қизиқиши, ижтимоий норма ва кўрсатмалар мазмунини англашдан иборат бўлади. Масалан, касбий фаолият талабларига мос келиш учун, иш ўрнини сақлаб қолиш ва жамият ҳаётида иштирок этиш, узлуксиз таълим олиш зарурлигига ишониш фан-техника тараққиётида самарали қатнашишга интилиш ва бошқалар.

2. Илмий билиш мотивлари билишнинг мазмунига муносабатда ифодаланади. Масалан, фаннинг назарий муаммоларига қизиқиши, янги билиш жараёнига интилиш, илмий унвон ва даражаларга эга бўлиш ва бошқалар.

3. Касб мотивлари. Касбий компетентликни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Масалан, касбнинг мазмуни, ижодий имкониятини баҳолаш ва бошқалар.

4. Ўз-ўзини тасдиқлаш мотивлари ўзининг қобилияtlари, лаёқати ва интилишини англашда намоён бўлади.

5. Шахсий мотивлар ва шахсий муваффақият мотивлари. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ўз-ўзини тасдиқлаш мотивлари ва илмий билиш мотивлари катта ёшлилар таълимидағи асосий ўкув мотивларидир.

Бундан кўринадики, агар метакогнитив омиллар бу раҳбарнинг ижодий компетентлигини ва касбий ўз-ўзини тизимли ривожлантириб боришига таъсир этувчи омиллар мажмуи экан, бунда мотивацион, мустақил ўз-ўзини касбий ривожлантиришнинг ички омиллари, шунингдек ижтимоий ва фаолиятли омилларни ўз ичига қамраб олувчи акмеологик омил ҳамда мутахассиснинг ёш хусусиятлари ва нейролингвистик йўналиш билан боғлиқ андрогогик омил ҳамда метакогнитив омиллар билан бир қаторда раҳбарларнинг ижодий компетентлигини ривожлантириш жараёнларини такомиллаштиришга таъсир этади.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар айнан бўлажак раҳбарлар касбий тайёргарлигини шакллантириш мисолида ўрганилган бўлмаса-да, аммо уларда илгари сурилган ғоялар, назарий мулоҳазалар ва тавсиялар тадқиқот ишининг концептуал асоси бўлиб хизмат қиласи.

Айни пайтда, раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш борасида ҳам турлича қарашлар шаклланган. Хусусан, раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни моҳияти ходимлар ўртасидаги ишончли муносабатларнинг йўлга қўйилишини таъминлашда намоён бўлади [61].

Самарали бошқарув таълим муассасаларида барча ходимлар ҳукумат ва жамият учун адолат ва шаффофликни таъминлаш асосида этика тамойилларига таяниб ва барқарор равища максималлаштиришни кўзда тутади [35].

Самарали бошқарув жамоада янада самаралироқ фаолият юритишига, натижадорликга эришишига, соғлом ва ижодий муҳитни яратишига жалб қилиш имкониятларининг ортишига, рискларни камайтишига ва сифатсиз менежментдан ҳимояланишига ёрдам беради [89].

Шунингдек, бу борада самарали бошқарув механизмлари ва назорат шу жиҳати билан ҳам муҳимки, улар принципал-агент муаммосини камайтириш ёки бартараф этишга қаратилгандир[82].

Самарали бошқарув соҳага оид халқаро стандартларнинг жорий этилишини ҳам талаб этади. Ҳозирги кунда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) замонавий самарали бошқарув тамойиллари қуйидагича тизимлаштирилган [97]:

- 1) Самарали бошқарув механизмлари учун зарурӣ асосларни таъминлаш;
- 2) Ахборот очиқлиги ва шаффоффлик;
- 3) Кенгашнинг мажбуриятлари.

Ривожланган мамлакатларда таълимни бошқаришда қуйидаги замонавий асосий тамойил маъқулланмоқда (1-жадвалга қаранг).

<b>Топшириқни бажаришга йўналтириш</b>	<b>Ижрочиларга мўлжаллаб иш тутиш</b>
Муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашув (ўзгаришларга мослашиш учун тафаккурнинг барча имкониятларини ишга солиш)	Жамоа аъзоларининг ҳамкорлиги ва коммуникация
Сифатли натижаларга эришиш учун мақсадни тўғри белгилаган ҳолда режалаштириш (сиёсатни ишлаб чиқиши — режалаштириш - рўёбга чиқариш, мониторинг)	Буюртмачини назарда тутиб иш қилиш (буюртмачи, манфаатдор шахсларнинг талабларини бажариш бўйича хизматларни таъминлаш)
Вазиятга қараб раҳбарлик усулини қўллаш (вазиятга ва қўл остидаги ходимларга мослашиш қобилиятини кучайтириш)	Ижодий фикрлаш кўнгилдагидек муҳит ва ўзаро муносабатлар, ҳамкасларни қадрлаш ва ҳурматлай олиш)
Бир-бирини ўзаро яхши тушуниш ва идеалларга бир хил муносабатда бўлиш (аниқ кутилган натижа, конструктив қайта алоқа)	vakolatlarни ходимларга ўтказиш ва уларнинг касбий ўсишлирига ёрдам бериш

Бошқарув соҳаси мутахассислари Г.Кунц ва С.Доннелнинг фикрича, агар ходимлар раҳбарият томонидан ўрнатилган тартиб-қоидаларгагина риоя этиб меҳнат қилганларида, улар имкониятларини 60–65 % ишлата олар ва ўз мажбуриятларини бажариб, ишдан бўшамасликка баҳона топар эдилар. Ходимларнинг қобилиятидан тўла фойдаланиш ниятида бўлган раҳбар уларда шунга лойик ҳис-туйғуни уйғота олиши лозим|. Бу ўринда раҳбарнинг етакчилик қобилияти намоён бўлади.

Фикримизча, қуйидаги тамойиллар бошқарув самарадорлигини таъминлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади:

1. Касбий малака (Capability). Кузатув кенгаши ва ижроия органининг таъдим муассасани самарали бошқариш ва назорат қилиш борасидаги қобилияти, зарур малака, тажриба ва иқтидорга эга бўлиши самарали бошқарувнинг бирламчи тамойили ҳисобланади. Хусусан, М.Надлер самаралироқ кенгашларни тузиш учун бизнес ва у тааллуқли бўлган саноатни тушунадиган ва стратегик фикрлайдиган шахслар зарурлигини таъкидлайди [74].

KPMG<sup>3</sup> томонидан 2016 йилда ўтказилган сўровномалар натижаси қўрсатишича, Буюк Британия директорларининг фақатгина 39 фоизи кенгашларнинг малака ва тажриба даражасидан қониқишини билдиришган. Сўровномада иштирок этганларнинг 82 фоизи бизнес хусусиятларидан келиб чиқиб мос малака ва тажрибаларга эга бўлган директорларни топишда тўсиқлар мавжудлигини таъкидлашган [28].

2. Ҳалоллик, бизнес этикаси тамойилларига амал қилиш (integrity). Кенгаш таълим муассасани ҳалол ва этика тамойилларига риоя қилган ҳолда фаолият юритишга йўналтириши керак. Кенгашнинг ўзи самарали бўлиши учун эса кенгаш ичida ва ташқарисида этика тамойиллари амал қилиши борасида қайғуриши зарур. Бундан ташқари, ҳозирги кунда кенгашларда ҳалоллик ва этика тамойилларига амал қилинишини таъминлаш учун директорлар кенгаши жинс нуқтаи-назаридан диверсификация-

<sup>3</sup> KPMG – аудиторлик, солик ва консультация хизматларини қўрсатувчи йирик фирмалар тармоқларидан бири бўлиб, аудиторлик компанияларининг йирик тўртлигига киради.

лашган, яъни унда аёл директорларнинг улуши салмоқли бўлишига ҳам аҳамият берилмоқда. Бироқ аёл директорларнинг кенгашдаги салмоғи ортишининг муассаса фаолияти самарасига (аксарият тадқиқотларда самара компания активлари рентабеллиги – ROA орқали баҳоланган) таъсири борасида ягона хulosага келинмаган. Бошқача айтганда, бу борада тадқиқотчиларнинг хulosаларини иккига ажратиш мумкин: 1) аёл директорлар ва муассаса фаолияти самараси ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд [63]; 2) ушбу икки кўрсаткичлар ўртасида сезиларли боғлиқлик мавжуд эмас [63]. Германия Корпоратив бошқарув кодексининг 5.4.1-бандига мувофиқ, кўмир, темир ва пўлат саноатини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжати (the Co-determination Act for the Coal, Iron and Steel Industry (Montan-Mitbestimmungsgesetz)) билан тартибга солинадиган, листингга киритилган компанияларда кузатув кенгашлари таркибида бир жинс вакилларининг улуши камида 30 % бўлиши керак (масалан: 30 % аёллар + 70 % эркаклар ёки 30 % эркаклар + 70 % аёллар) [81].

3. Етакчилик (Leadership). Етакчилик муассаса меҳнат жамоасини умумий мақсадга эришиш сари йўналтиради ва зарурӣ йўриқномалар билан таъминлайди. Кузатув кенгаши ва ижроия органи раҳбарлари самарали етакчилик тамойилларини жорий этишлари шарт.

4. Ҳисобдорлик (Accountability). Ҳисобдорлик шаффофликка асосланади.

Ҳисобдорлик муассасанинг фаолияти, хатти-ҳаракати сабаблари ёки у юзасидан тушунириш бериш бўйича мажбурият ҳамда масъулиятни ифодалайди. Кенгашлар таълим муассасасида бошқа манфаатдор томонлар билан муносабатларни шаффоф ва мувозанатли асосда ташкил этилишини таъминлашлари лозим.

5.Барқарорлик (Sustainability). Барқарорлик пайдо бўлиши бошқарувнинг муҳим тамойили ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда, ушбу тамойил ижтимоий масъулият, ташкилотчилик, тўғри қарор қабул қилиш тақозо этади.

Мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолиятида соғлом мұхитни яратиша қуидаги тамойиллар мұхим аҳамият касб этади:

- инсонпарварлик (humanity)тамойили – менежерларнинг жисмоний ва маънавий саломатлиги, ҳаёт мазмуні, шахсий әркинлиги, ахлоқи, баҳтлилик даражаси, уйғун ривожланиши, креативлик ва ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда қайта тиклашга имконият яратади;

-демократлаштириш (democratization) тамойили – таълим олувчиларда бошқарувнинг асосий вазифаларини ҳал этишда мустақилликни ривожлантириш, ҳамкорлик ва шерикчиликнинг турли шаклларини такомиллаштириш, инновацион фаолият иштирокчилари орасида ишончни таркиб топтиришга кўмаклашади;

- индивидуаллашув (individualization) тамойили – таълим менежерларини тайёрлашда уларнинг ўзини-ўзи англаш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзини-ўзи йўналтиришини таъминлашга ёрдам беради;

-таълим менежерини инновацион фаолиятга тайёрлашни юксалтирувчи, (elevator) йўналтирувчи (reference)тамойил – инновацион таълим макони шароитида бошқарувга тайёрлигига нисбатан жамият эҳтиёжларининг мос келишини таъминлайди;

- тайёргарликнинг мазмун ва шаклини вариациялаш (variation) тамойили - таълим менежерларини тайёрлашда шахсга ёндашув йўл-йўриқ (установка)ларини нисбатан тўлиқ амалга оширади, мустақил ҳамда англаган ҳолда мақсадлар, қадриятларни белгилаб олишни назарда тутади.

Мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолиятида ижодий мұхитни яратиша қуидаги тамойиллар мұхим аҳамият касб этади

-илмийлик (scientific) тамойили – психология ва педагогика йўналишидаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш, таълимнинг шакл, мазмун ва усулларини илмий асослашга ёрдам беради;

- узвийлик, узлуксизлик ва интеграция (continuity, integration) тамойили – чуқурлашиб боришга йўналтирилган таълимнинг бир

бутунлигини таъминлашга ёрдам беради, инновацион жараённи, унинг узвийлиги ва яхлитлигини ойдинлаштиради, шахснинг ҳаёт давомида билим ва кўникмаларни эгаллашига кўмаклашади;

- инновационлик (*innovation*) тамойили – таълим менежерларини тайёрлашнинг шундай кўринишини ифодалайдики, унда тайёргарликнинг мавжуд шакллари билан чегараланиб қолмай, доимо ўзгариб борувчи эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда касбий маҳоратнинг ривожланиш босқичлари узвийлиги ва бутунлигини мазмуний ҳамда ташкилий жиҳатдан таъминлаш, шунингдек, кичик лекциялар, тренинглар, мақсадга мувофиқ ўйинлардан фойдаланиш назарда тутилади;

- интерактивлик (*interactivity*) тамойили – инновацион фаолиятга таълим менежерларини тайёрлашнинг муҳим шарти сифатида таълимнинг янги технологияларини излашда, намуна бўйича ҳаракатланишдан инновацион енгликда ўзаро ҳаракатларни амалга ошириш тегишли кўникмаларини ҳосил қилишда намоён бўлади;

Таълим муассасаларнинг бошқаришнинг асосий тамойиллари бошқарувнинг қоидалари, талаблари, ғоялари ва асосини белгилайди [5,7,8,10]. Асосий тамойиллар таълим муассасаларнинг ва унинг бўғинлари раҳбарияти фалсафаси ва стратегиясини белгилайдилар.

Яратилган тамойиллар асосида таълим муассасаларнинг фаолияти мақсадлари тартибга солинади, устувор йўналишлар аниқланди, фаолият сиёсати шакллантирилади ва усуллар ишлаб чиқилади. Тамойиллар, мақсадлар ва устувор йўналишлар таълим муассасаларнинг фаолияти сиёсатини татбиқ этишга мос келувчи ишчи услублар, қўлланмалар ва меъёрий хужжатлар асосида амалга оширилади. Ушбу тамойиллар асосида соғлом муҳит орқали бошқарувнинг умумий ва хусусий тамойиллари яратилади. Бошқарувнинг умумий тамойиллари таркибида бозор иқтисодиётига мос келувчи бир қатор тамойиллар мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардир: мақсадга мувофиқ мослиқ; бошқарув тизимини амал қилишини узлуксизлилиги ва ишончлилиги; режага

мувофиқлик; бошқарувнинг пропорциялилиги ва ривожланиш хусусиятига эгалиги; ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва жавобгарлик тақсимотида демократизм ва мақсадга мувофиқлилик; қабул қилинаётган ечимларнинг илмий асосланганлиги.

Таълим муассасаларини бошқарув тизимини шакллантириш умумий ҳолда бошқарув усуллари тизимларини яратиш орқали амалга оширилади [2,3,6]. Зарурӣ натижага эришиш мақсадида ташкилий тизим фаолиятини амалга ошириш бошқарув тизимини ушбу тизимга таъсир этиши орқали бажарилади. Бунда белгиланган мақсадларга эришишни таъминловчи таъсир этишнинг зарурӣ воситаларини белгилаш зарур. Бундай воситалар бошқарув усулларини белгилайдилар. Бошқарувнинг иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ташкилий усуллари мавжуддир. Ушбу усуллар ўзаро боғлиқдирлар ҳамда улардан комплекс тарзда фойдаланилади. Ташкилий усуллар иқтисодий усуллардан фойдаланиш учун асос яратсалар, ижтимоий-психологик усуллар ташкилий ва иқтисодий усулларни тўлдирган ҳолда таълим муассаса фаолиятини бошқаришнинг зарурӣ воситалар тўпламини яратадилар. Биз қўйида ушбу усулларни кўриб чиқамиз.

1. Бошқарувнинг иқтисодий усуллари. Бу усулда раҳбарнинг ижтимоий жараёнларда иштирокига боғлиқ бўлган моддий манфаатлари татбиқ этилиши ифодаланади ва бу амалда буюм-пул муносабатларидан фойдаланилади. Ушбу усуллар татбиқ этилишининг иккита тамойили мавжуддир. Биринчи тамойил ташқи муҳитнинг иқтисодий қисми бўйича давлат даражасида яратилган ҳолатлардан фойдаланишга мўлжалланган бошқарув жараёнларида ифодаланади. Ушбу тамойилнинг моҳияти қўйидаги: хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқقا тортиш тизимини шакллантириш; таълим муассасасини моддий ва номоддий активлари янгиланишини таъминловчи амалдаги амортизацион сиёсатини белгилаш; давлат тарафидан иш ҳақи, пенсия ва ҳ.к.ларни минимал даражада белгилаш.

Бошқарувнинг иқтисодий усулларини иккинчи тамойили турли иқтисодий ричаглардан фойдаланишга мўлжалланган

бошқарув жараёнлариға боғлиқдир ва бу ричаглар молиялаштириш, кредитлаш, нархларни шакллантириш, жарималар ва ҳ.к.ларни ифодалайди.

2. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари раҳбарнинг ижтимоий ҳолати сабабларини ифодалайди. Ҳозирги замон ишлаб чиқариш даражаси ҳамда ходимларнинг умумтаълим ва профессионал – малакавий даражаси ўсиши инсонларнинг меҳнат фаолияти тузилмалар ва қадриятларга йўналтирилган тузилмаларда сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлади. Меҳнатнинг таркибий ва яратувчанлик хусусияти, ташаббускорликнинг ифода этилиши имконияти, шахснинг жамоа тарафидан тан олиниши ва шу каби омиллар кейинги пайтларда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ижтимоий психология қонуниятлари ва ходимнинг шахсий психикасини англаш ва талқин этиш ихтиёрий ишлаб чиқаришнинг самарадор бошқаришни зарур шарти ҳисобланади.

3. Бошқарувнинг ташкилий усуллари мажбураш хусусиятига эга бўлган сабабларга асосланади. Бундай усулларнинг мавжуд бўлиши ва амалий жиҳатдан татбиқ этилиши инсонлар тарафидан меҳнатни биргаликда ташкил этишга хайриҳоҳлик асосида белгиланади. Бошқаришнинг ташкилий усуллари ташкиллаштирилган муносабатлар ва раҳбариятнинг маъмурий ҳокимлиги тамойилларга асосланган ходимларга таъсир этиш усуллари комплексини ифодалайди.

Бошқарувнинг юқорида кўрсатиб ўтилган усулларидан моҳирона фойдаланиш кўп ҳолларда таълим муассасаси натижадорликни таъминлайди.

Юқорида кўрсатилган тамойиллар бошқарув тизимида муҳим аҳамият касб этади. Булар таркибидаги бошқарувни илмий асослаш тамойили ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки бозор шароитида илмий ишланмаларга асосланган бошқарувга инновоцион ёндашув ижодий муҳит таълим муассасасини салоҳиятини кескин оширади. Таълим муассасасининг самарадорлиги мезони унинг мақсадларига узвий боғлиқдир.

Таълим муассасасининг мақсадларини ишлаб чиқиш, уларни татбиқ этиш бошқарув тизими амал қилиши доирасида ҳамда бошқарилувчи соҳа доирасида амалга оширилади. Таълим муассасаси бошқарувида соғлом ва ижодий муҳитни яратилиши самарадорлиги кўп ҳолларда ўз фаолиятини узоқ муддатли режалаштиришга ҳамда келажакдаги ўзгаришларни башоратлаштиришга боғлиқdir. Бу ҳолат маълум даражада нодоимий иқтисодиёт шароитида таваккалчиликни камайтириш имконияти яратади. Демак, бошқарувнинг ҳозирги замон назарияси биринчидан, бошқарув самарадорлиги кўрсаткичларининг таълим муассасасининг самарадорлиги ва салоҳияти кўрсаткичи билан мос келиши заруратини ифодаласа, иккинчидан, қўшимча воситалар тўпламидан фойдаланган ҳолда бошқарувга кўп тарафлама таъсирларни ҳисобга олиш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда раҳбарларнинг соғлом ва ижодий муҳитни яратা олиши самарали бошқарувга эришишга замин яратади. Соғлом ва ижодий муҳит орқали бошқарувда самарадорликга эришиш қуидаги асосий функцияларни мужассам этади:

- мотивацион (motivational) – инновацион фаолиятга нисбатан эҳтиёжларни, қизиқиши шакллантириш;
- компенсатор (compensator) – инновацион фаолиятни амалга ошириш учун таълим менежерида зарур бўлган малакаларни таркиб топтириш;
- коррекцияловчи (corrective) – тегишли технологияларни тақдим этиш;
- прогностик (prognostic) – менежернинг инновацион фаолиятни идрок қилишга тайёргарлиги;
- диагностик (diagnostic) – ижтимоий-психологик хусусиятларнинг муҳимлиги асосида менежернинг инновацион фаолиятга тайёргарлик даражасини аниқлашни кўзда тутади;
- рағбатлантирувчи (stimulant) – тайёргарликнинг ижобий натижаларини қўллаб-қувватлаш;

- ахборотлашган (informed) – инновацион фаолиятнинг самарали тажрибаси ҳақида менежерга тезкор маълумот бериш;

- консультатив (consultative) – менежерга инновацион фаолиятнинг конкрет муаммоларини ечишга илмий-методик ёрдам бериш.

Таълим муассасасининг бошқарув фаолияти натижаси ҳам уч ўлчамлидир. Биринчидан, бу бошқарув соҳасининг амал қилиши самарадорлиги ва бошқарув фаолиятининг натижаси сифатида изоҳланса, иккинчидан, бошқарув тизимининг фаолиятини сифати ва иқтисодиёти тамойиллини ифодаловчи оралиқ восита сифатида ифодаланади; учинчидан эса, бошқарув меҳнатининг амаллари ва босқичлари сифати, мавжуд бўлган салоҳиятидан фойдаланиш хусусияти ва бошқарув воситаларининг бирлаштирилиши сифатида изоҳланади.

Таълим муассасаси тасарруфида бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг назарий ва амалий ёндашувлар таҳлили умумий самарадорликнинг турли тарафларини таҳлил қилишнинг қуйидаги йўналишларини кўрсатиш имкониятини яратади, яъни:

- бошқарув самарадорлигининг иқтисодий қўрсаткичлари;
- ташқи ва ички ижтимоий сиёsatни таъминлашдаги самарадорлик.

Бунда таълим муассасасининг мақсадлари ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари белгиланади:

- бошқарувнинг ўз-ўзини тартибга солувчи тизим сифатидаги самарадорлиги. Бунда илмий-техник ривожланиш талабларига ҳамда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шартларига мослашувчанлик қобилияти намоён бўлади;

- ахборот тизимининг самарадорлиги. Бунда бошқарувнинг ахборот таъминоти ва унинг асосида корхонага бошқарув таъсиrlари намоён бўлади.

Маълумки, ахборот технологияларининг янги шаклларидан фойдаланишга асосланган бошқарув жараёнларини автоматлаштиришни тезкор ривожланиши ҳозирги замон шароитларида бошқарув ечимларини тайёрлаш ва ишлаб чиқиш

учун ахборотларнинг тўлиқлиги, сифати ва ўз вақтида қабул қилинишини юқори даражада таъминлайди.

Таълим муассасаси бошқарув тизимида соғлом ва ижодий мұхитни яратишида турли ташқи ва ички омиллар ўз таъсирини кўрсатадилар. Улар иқтисодий, илмий-техник, ташкилий-ишлаб чиқариш, ижтимоий, экологик ва бошқа тасарруфдаги омиллар бўлиши мумкин. Уларнинг баъзиларини таълим муассасаси тарафидан назорат қилиш имконияти мавжуд эмас, бироқ улар таълим муассасасининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятига катта таъсир кўрсатадилар.

1. Бошқарувда инсон омили таъсирини ўсиши. Бошқарув соҳасининг тузилмаси қанчалик мураккаб бўлса ёки таълим муассасасида бошқарув марказлаштирилган бўлса, ечим қабул қилишда раҳбариятнинг субъектив ёндашув таъсири юқори қийматга эга бўлади.

2. Ташқи мұхит омилларининг тезкор ўзгариши. Бундай омилларга қонунчилик ва норматив актлар таалуқлидир.

3. Илмий-техник ривожланишининг тезлашуви. Бундай омилларга техник ва технологик омиллар тааллуқлидир.

Тизимли ёндашув универсал кўрсаткичлар ёрдамида турли тоифадаги ахборотларни катта миқдорини баҳолашни изоҳлайди. Бундай ёндашув ўз таркибига қуйидаги бўлинмаларни олади:

- баҳоланаётган мезоннинг барча тамойилларнинг таъсири;
- баҳоланаётган мезоннинг ҳар бир тамойилини мос келувчи таҳлил усуллари орқали тадқиқ қилиш;
- олинган баҳолаш натижаларини оммавийлаштириш (универсаллаштириш);
- натижаларни қайта ишлаш;
- баҳоланаётган мезонни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши. Тизимли ёндашувни татбиқ этишининг асосий мақсади баҳоланаётган соҳаларни таққослаш имконни берувчи баҳолашнинг универсал кўрсаткичини қабул қилиш ва барча баҳоланаётган мезонларни татбиқ қилиш асосида баҳолаш самарадорлиги даражасини оширишдан иборатdir. Тизимли

ёндашув бошқарувни тўлиқ ҳолда ҳамда алоҳида ечимлар қабул қилишда тадқиқ қиласди. Натижада олинган алоҳида кўрсаткичларни шаклланувчи ва шаклланмайдиган кўринишда синфларга ажратиш мумкин. Натижада тизимли ёндашув юқорида кўрсатилган кўрсаткичларни биргаликда тадқиқ этади. Соҳанинг шаклланувчи кўрсаткичлари молиявий-иктисодий таҳлил саҳасида мавжуд бўладилар. Кўп ҳолларда соҳа бўлинмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги математик усуслари асосида тадқиқ қилинади ва қабул қилинган ечим баҳоланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулоҳазалар асосида таълим муассасаларнинг бошқариш кўрсаткичларини қуидагича шакллантириш мумкин:

- ташқи шарт-шароитларни аниқ тасаввур қилиш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш ҳамда манбаларни ўз вақтида тақсимлаш;
- асосланган ва юқори даражада шакллантирилган мақсадларнинг мавжудлиги ва корхона ходимларининг улар ҳақида маълумотга эга эканлиги;
- ишлаб чиқариш натижаларига эришиш мақсадида манбалардан самарадор фойдаланиш қобилияти мавжудлиги;
- умумий мақсадларга эришиш учун ўзаро келишувчанликни таъминловчи корхона бўлинмаларини юқори даражада бирлаштириш;
- ташқи муҳитнинг ўзгарувчи шароитларига корхонанинг мослашувчанлик қобилияти.

Бошқарув самарадорлигини икки шаклда изоҳлаш мумкин, яъни биринчидан самарадор ишлаб чиқаришни қўллаб-куватлаш мезони орқали ифодалаш мумкин, иккинчидан эса ўзгаришларга мослашувчанлик амаллар сифатида ифодалаш мумкин.

Бошқарув самарадорлиги мезонларининг учта гурухлари мавжуд:

- 1) маҳсулот миқдори ва сифатини ифодаловчи ишлаб чиқариш самарадорлиги;
- 2) вақтнинг узоқ оралиғида техника, технологиялар ва маданиятда ўзгаришларга мослашувчанлик қобилияти;

3) вақтнинг тезкор кичик оралиғида ишлаб чиқариш, бозор, талабнинг ўзгариши ва х.к.ларда ўзгаришларга таъсир этиш қобилиятига асосланган таълим муассасаса фаолиятининг мослашувчанлиги.

Шу билан бир қаторда мослашувчанлик таълим муассасасини самарадор бошқаришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади ва бу ҳолат қуидаги тўрт тамойилга эгадир:

- ижтимоий мослашув. Бунда ечим қабул қилиш ва уни бажариш жараёнида ташқи ва ички ижтимоий муҳитидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва уларга мослашиш қобилияти пайдо бўлади;

- илмий-техник мослашув. Бунда янги технологиялар бошқарувни ташкил этиш ҳамда ходимларни тайёрлаш соҳасида илмий-техник ривожланишнинг ютуқларидан фойдаланиш ва бу ўринда ҳосил бўлувчи талабларини ҳисобга олиш;

- маъмурий мослашув. Бошқарув услубияти асосида изоҳланувчи бошқарув жараёнлари ва тизимлари талабларига бошқарувнинг шакллари ва усулларининг мослиги;

Юқоридаги мулоҳазалар асосида барча тамойилларни қамраб оловчи бошқарув самарадорлигини баҳолаш кўп мезонли масала ҳисобланади ва у кўпинча ечимга эга бўлмайди. Бундай масалани ҳал қилишда ижтимоий ва иқтисодий тамойилларни бирлаштирувчи тизимли ёндашувлардан фойдаланиш, менежнеринг тамойилларни бошқарув тизимиға моҳирона қўллаш, назорат усулларини татбиқ этиш ҳамда бошқарувни сенергетик тамойилларга асосланган ҳолда қайта шакллантириш катта иқтисодий самара беради. Шу билан бир қаторда бозор иқтисодиёти шароитида таълим муассасаси бошқарув тизимида ва унинг самарадорлигини таъминлашда ҳозирги кунда бир қатор муаммолар мавжуддир. Таълим муассасалар бошқарув тизимини ҳозирги босқичидаги ҳолати улар фаолиятидаги стратегик мўлжалларнинг ўзгаришига узвий боғлиқдир.

# **П БОБ. МУТАХАССИС КАДРЛАРНИНГ БОШҚАРУВЧАНЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОММУНИКАТИВ ЖАРАЁНЛАР ВА ҮЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ ТҮЗИЛМАСИ**

## **2.1-§. Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожлантиришда коммуникатив жараёнлар ва уларни яратишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Бошқарув – мураккаб касблардан бири бўлиб, у нафақат иқтисодий, ижтимоий ва психолого-билимларни назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам ўзлаштирган ҳолда етарли тайёргарликка эга бўлишиликни талаб этади. Бунда умумий, техник, иқтисодий, тадбиркорлик ва ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиш билан бирга, раҳбар барча ҳақиқатларни тушуниш орқали кўп қиррали вазиятларда, шароитларда ўз қиёфасини амалий тарзда тўғри ифода эта олишни билиши зарур. Ваҳоланки, раҳбар томонидан олиб бориладиган бошқарув жараёнини мақсадга мувофиқ равишда амалга ошиши учун соғлом ва ижодий муҳитнинг роли ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, раҳбар шахсининг барча қобилиятларини мукаммаллаштириш бошқарувда қанчалик аҳамият касб этса, раҳбарда жамоада соғлом ва ижодий муҳитни шакллантириш билан касбий ижодкорликни ривожлантириш камолотга эришиш ҳам шунчалик муҳим. [1,15-16 б.].

Бошқариш – бу ўз қўл остидаги ходимларни муваффақиятларга эришишга раҳбарлик қилиш экан, у аниқ мақсадга эришиш билан бевосита боғлиқ. Шундай қилиб, аниқ мақсад ва унга эришиш йўлида раҳбарнинг акмеологик хусусиятлар орқали соғлом ва ижодий муҳитни яратишда касбий ижодкорлигини шаклланиши самарадорлик ҳисобланади. Самарадорлик деганда жамият томонидан тан олинган бошқарувнинг яхши натижаларга эришиш тушунилади. Самарадорлик қўйидаги элементларни қамраб олади:

1. Фаолият билан боғлиқ реал мақсадни аниқлаш;
2. Уни жамият томонидан тан олиниши;
3. Яхши натижага эришиши. [3, 20-22 б.].

Бошқарув жараёни мақсадга эришиш йўлида одатда раҳбар фаолиятида кўпгина қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммоларга дуч келиш мумкин. Бу муаммоларни муваффақиятли ҳал этгандагина раҳбар акмеологик хусусиятлар оркали бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш орқали кутилган натижага эришиши мумкин.

Акмеология (грекча “акме” – чўққи, юксалиш, юкори поғона, гуркиратувчи куч маъноларини билдиради) – илм-фаннынг шундай янги тармоғики, у инсонни ўз тараққиёти динамикасида, такомили ҳамда хаёт-фаолиятининг турли босқичларида ўзидағи энг кучли қобилиятларини намоён қилишининг комплекс масалаларини ўрганади. Яъни, у шахсни ўз такомили жараёнида, ана шу тараққиёт ва юксалишнинг объектив ҳамда субъектив омиллари доирасида тадқиқ этади. Акмеология тушунчаси фанга биринчи марта рус олим Н.Рыбников томонидан 1928 йилда киритилган бўлиб, унинг ўзи бу фан предметини етук инсонларнинг шаклланиши жараёнидир, деб таърифлаган эди. Уларнинг таъкидлашларича, инсоннинг ижодий касбий салоҳияти бўлиб, у инсон томонидан ўзига иноят этилган барча имкониятлар ва иқтидорни қандай қилиб, қандай шарт-шароитларда, қайси қонуниятлар таъсирида рўёбга чиқаришини комплекс тарзда ўрганади. Акмеология фанининг асосий вазифаси шахсни турли фаолият жараёnlарида, хусусан, танлаган касб-кори, ихтисослиги доирасида ўз ижодий салоҳиятини тўла очиш ва амалда намойиш этишига боғлиқ бўлган билимлар, амалий қўникмалар, малакалар, технологиялар билан таъминлаш, таништиришдир. [7, 3-12 б.].

Таълим тизими бошқарувчилари табиатини ўзгартирадиган, улар шахсини таркиб топишига таъсир қиласидиган кучли ижтимоий омиллардан бири - бу акмеологик мотивациядир. Аниқланишича, раҳбар шахсининг таркиб топишига таъсир қилувчи кучли омил -

инсон орттирган тажрибаларнинг тарбия воситаси орқали инсонларга берилиши ҳодисасидир.

Маълумки, раҳбар шахси жуда мураккаб психологик феномен бўлиб, у раҳбарнинг индивидуал ҳаёти давомида маълум конкрет омилларнинг таъсири остида аста-секин таркиб топади. Раҳбарнинг ижтимоий функцияси муайян акмеологик мақсадларга ва қадриятларга йўналганлик шахсни фаоллаштиради. Ижтимоий мақом, рол, қадриятга йўналганлик бирламчи раҳбар хусусиятларини ташкил этиб, унинг тузилишида асос бўлиб хизмат қилади. Раҳбарнинг таърифи хулқ мотивацияси хусусияти ва ижтимоий феъл-автор тузилишини белгилаб, унинг таркибидан иккиласмачи алломатлар сифатида жой эгаллайди. Раҳбарнинг мақсадга қаратилган ижтимоий фойдали фаолияти жараёнида хаётий деб аталадиган механизмлари ва онгли фаолиятининг функционал тизими юзага келади. Ана шулар туфайли раҳбар билимларни, кўникма ва малакаларни, ижтимоий тажрибаларини ўзлаштириб-гина қолмай, балки ўзининг идроки, тафаккури, хаёли, хиссиётлари ва иродасини бир сўз билан айтганда, бошқарув жараёнига бўлган онгли муносабатини ҳамда ўз хатти-ҳаракатлари ва хулқ-авторининг мотивларини таркиб топтиради.

Раҳбарнинг амалий фаолияти жараёнида соғлом ва ижодий муҳитни ривожлантириш зарурати нафақат бутун ташкилот фаолияти самарадорлиги, балки унинг ўзи ҳам, ходимларининг ривожланиши билан ҳам белгиланади. Бундан ташқари, жадал, тез ўзгариб турадиган жамият раҳбардан ўзини ривожлантириш ва такомиллаштиришни талаб қилади. Шунинг учун раҳбарнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратишнинг акмеологик мезонлари ва омилларини ўрганиш ва уни мақбул даражада ривожлантириш жуда муҳимдир. Раҳбарнинг шахсий салоҳиятини оширишнинг асосий акмеологик шартларидан бири бу касбий ижоддаги қарама-қаршиликларни акмеологик асослаш ва ҳал этиш, раҳбар шахсининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, раҳбарнинг ижодий шахсини акмеологик ўрганиш, шакллантириш ва ривожлантириш. [8, 30-32 б.].

Раҳбарнинг акмеологик хусусиятлари, муносабатлари, касбий ижодий ривожланиши ва хатти-ҳаракатлари унинг касбий фаолиятида маълум ролни бажарувчи ва ҳар бири мураккаб жараёндан иборат бўлган ҳамда шартли равишда тўртта ўзаро мустаҳкам боғланган функционал босқичларга бирлаштирилади:

- бошқарув тизими;
- стимуллаштириш тизими;
- стабилизациялаш тизими;
- индикациялаш тизими.

Ўрганилаётган мавзуни уч йўналишга бўлиш мумкин: соғлом муҳитни шакллантириш билан ижодкорликни ўрганишда умумий психологик ёндашув; ижодкорликнинг қуидаги ҳодисалар билан алоқаси: меҳнатга ижодий муносабат, ижодий фикрлаш, ижодкорлик, ижодий йўналиш, раҳбарнинг ижодкорлиги ва касбий фаолияти, унинг касбий маҳорати ва касбий маҳоратининг ўзаро таъсири.

Ушбу йўналишлар бўйича қуидагилар аниқланди:

- ижодкорлик раҳбарнинг тафаккури билан узвий боғлиқdir ва дизайн билан янги маданий, моддий қадриятларни яратиш жараёниdir; у ўзига хослиги ва ижтимоий-тарихийлиги билан ажralиб турадиган сифат жиҳатидан янгисини яратадиган ижодий фаолият сифатида қаралади;

- ижодий фикрлаш маълум психологик фазилатларга эга бўлиб, ҳар қандай раҳбарнинг ижодий салоҳияти ва қобилияtlари туфайли шаклланади ва ривожланади, бу аввало раҳбарнинг ижодий йўналиши ва унинг меҳнатга бўлган муносабатида намоён бўлади;

- бошқарув ижодкорлиги - бу ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам репродуктив элементларнинг мавжудлиги билан тавсифланадиган бошқарув фаолияти муаммоларини соғлом муҳит орқали ижодий ҳал этиш жараёни.

Раҳбарнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш касбий маҳорат, самарали шахсий ва касбий ўсиш, шахсий касбий маҳорат, профессионал раҳбарнинг субъектив шартлари ва

ривожланиш омилларини ўрганиш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилади.

Раҳбарнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган барча акмеологик сифатлари ижтимоий тараққиётнинг юксак онгли фаолиятчиси сифатида бошқарувчи кадрлар ижодий компетентлигини шаклланишига таъсир кўрсатувчи раҳбар мотивациясининг хусусиятлари, уларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари моҳиятини белгилайди.

Раҳбарнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратишда акмеологик хусусиятларига асосан ривожланиш даражалари кўрсаткичлари, акмеологик шароит, касбий ижодкорлигини ривожланишини таъминловчи омилларни ҳисобга оладиган бўлса, бошқарув жараёни янада самарали бўлади.

Раҳбарнинг соғлом ва ижодий муҳитни ривожлантиришнинг акмеологик хусусиятларини ўрганиш бошқарув фаолиятини оптималлаштиришга эришиш учун кенг қамровли стратегияни яратишга ёрдам беради.

Раҳбарнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратишда бошқарув вазифаларини юқори даражада самарали ҳал этиш мақсадида учта таҳлил йўналишларига эга бўлиши мумкин:

1) ўз фаолияти ва унинг шахсий ва касбий ривожланиши, шу жумладан: рефлексив ўзини-ўзи бошқариш билан бошқарувчи акс эттириш; профессионал ўзини англаш; аутопсихологик компetenция, ижодий қобилияtlар;

2) ходимларнинг шахсий ва касбий ривожланиши, шу жумладан шахслараро акс эттириш; профессионал алоқа; раҳбарнинг мавқеи; ижодий салоҳият; акмеологик билим ва ходимлар билан ўзаро муносабати;

3) раҳбар сифатида ходимларни бошқарувчанлик фаолияти, шу жумладан: интеллектуал акс эттириш, касбий фикрлаш, маълум бир фаолият соҳасидаги раҳбар ва мутахассиснинг касбий билим ва тажрибаси, меҳнатга ижодий муносабат ва акмеологик маданият. [11, 27-30 б.].

Раҳбарнинг жамода соғлом ва ижодий муҳитни яратиш касбий ижодкорлигининг акмеологик хусусиятлари унинг фаолиятининг маҳсус тури сифатида тушунишда намоён бўлади, унинг мақсади касбий фаолиятнинг янги маҳсулотини яратишdir. Ушбу фаолият натижалари қўйидагилардир: моддий - касбий муаммоларни ҳал қилишнинг янги усули ёки янги касбий ҳаракатлар ва маънавий-касбий вазиятларни таҳлил қилиш, адолатли қарорлар қабул қилиш ва бу жараёнда – касбий ўзини-ўзи ривожлантириш, касбий маҳоратни ошириш. [6, 27-33].

Раҳбарнинг акмеологик хусусиятларга асосан соғлом муҳитни яратиш орқали касбий ижодий ривожланиш шакллари қўйидагилардан иборат:

- 1) илгари бошқарув амалиётида бўлмаган, янги;
- 2) маълум бир раҳбар учун янги, аммо бошқарув амалиётида мавжуд;
- 3) касбий фаолиятнинг эски усуллари, шакллари.

Раҳбарнинг касбий ижодиётининг муҳим хусусиятлари қўйидагилардан иборат: ижодий жараённинг объектив шартлилиги; ижодий касбий фаолиятда мотивацион, ҳиссий-иродавий, интеллектуал, жисмоний, биоэнергетик ва амалий компонентларнинг бирлиги; профессионал ижодкорликнинг муаммоли вазиятининг шартлилиги; ностандарт, ўзига хос, мақбул, оқилона техника воситалардан фойдаланиш, касбий фаолият субъектининг пайдо бўлаётган ижодий маҳсус вазифаларни ҳал қилишнинг янги усулинни излашга ва уларни касбий фаолиятда амалга оширишга йўналтирилганлиги. [5, 56-58].

Раҳбардаги ижодий муаммоларни ҳал қилиш тажрибасига кўра:

- 1) ўхшаш вазиятларда кўпинча устун бўлган муваффақиятли раҳбарларга тақлид қилиш, уларнинг ҳаракатларига тақлид қилиш;
- 2) ўз синови ва хатоси усули;
- 3) раҳбар фаолиятида илмий ва интеллектуал излаш.

Раҳбарнинг профессионал мулоқот мезонлари бўйича:

- ҳамкаслар билан мулоқот қилишда қизиқишининг йўқлиги;

- монологик муроқот;
- профессионал диалог.

Раҳбар муаммоларини ҳал қилиш хусусиятлари сифатида профессионал фикрлаш мезонига кўра:

- 1) қарор қабул қилишда адолатлилик, башорат қилишнинг пастлиги;
- 2) қарорларни қабул қилишдаги номувофиқлик, вазиятни башорат қилиш;
- 3) юқори даражада ривожланган аналитик кўникмалар ва когнитив рефлексивлик, тизимли башорат қилиш ва кўп контекстли, когнитив умидсизликка юқори қаршилик; раҳбар шахсининг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш. [2, 34-36 б].

Раҳбарларнинг соғлом муҳит орқали ижодий ижодкорлигини ривожлантиришни таъминлайдиган қўйидаги акмеологик омиллар ҳақиқатан ҳам бошқарув фаолиятига самарадорлик даражасини оширишга таъсир қиласи.

Раҳбарнинг жамоада соғлом муҳитни яратиш орқали ижодий ижодкорлигини ривожлантириш жараёнини акмеологик қўллаб-куватлаш бошқарув фаолиятини оптималлаштиришга ҳисса қўшади.

Шундай килиб, раҳбарнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш орқали касбий ижодий ривожланиши акмеологик хусусиятлари орқали юксак малакали бошқарув кадрларини тайёрлаш жараёнида акмеологик мотивация ва компетенция (билимдонлик, маҳорат) масалаларига комплекс ёндашган тарздагина таълим тизими бошқарувчисини жамиятда ижтимоий мақомининг устувор қирраларини очиб бериши мумкин бўлади.

Маълумки, раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида акмеологик ёндошувлар асосида ижодий муҳитни шакллантиришда ҳар бир субъект ўз мақсадини кўзлайди. Масалан жамият жисмонан ва маънан етук ватанпарвар шахсни, давлат - рақобатбардош кадрларни, иш берувчилар - меҳнат бозорида танлаш эркинлиги муҳитини шакллантиришни, педагог - жамиятда ўз ўрнини

топишни ва юқори мартабаларга эришишни ва ўзларининг мавқеини оширишни кўзлайди.

Бу борада раҳбар акмеологик ёндашувлар асосида соғлом ва ижодий муҳитни шакллантиришда таъсир этувчи омилларни таҳлил этар эканмиз уларни икки тоифага ажратишни мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз:

- раҳбарнинг касбий фаолият мотивацияси ва ўз-ўзини касбий ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган ички омиллар - мотивацион, ижтимоий, когнитив, андрагогик ҳамда акмеологик омиллар;

- ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий-методик даражада ташкил этиш ва амалга оширишнинг самарадорлигини кафолатлайдиган замонавий ижодий компетенцияларни ўзлаштиришга хизмат қилувчи малака оширишнинг бевосита ва билвосита шаклларини тўлиқ амалиётга жорий этиш орқали раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида мустақил ўзини-ўзи шахсий ва касбий ривожлантириш мотивларини рағбатлантиришга хизмат қилувчи ташқи омиллар.

Яна бир муҳим жиҳат бу – раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида ижодий муҳитни шакллантиришга, ҳамда касбий компетенлигига қўйиладиган малака талабларининг иш берувчила-рнинг талабларига мос келиш даражаси. Бу борада таълим муассасалари раҳбарлари, яъни иш берувчилар ўртасида мутахассисларнинг зарурий компетенциялар тизимини баҳолашда асосий эътиборни мулоқотчанлик, мослашувчанлик, креативлик, тадқиқотчилик, рефлексив кўникмаларнинг ривожланганлиги, ўз-ўзини касбий ривожлантириш мотивациясининг мавжудлиги билан боғлиқ компетенцияларга алоҳида эътибор қаратилганлиги аҳамиятлидир.

Шундай экан, раҳбарлар бошқарув фаолиятида соғлом муҳитни яратиш орқали ижодий компетентлигини ривожлантиришда қуйидаги акмеологик омилларга эътибор бериш муҳим саналади (1.3.2-расм).


<b>Ёшга оид жиҳат</b>	Кобилият ва имкониятлар нишоналарини педология (болалар ва ўсмирларни ўрганади), катта ёшдагилар (жумладан талабалар ва профессионаллар) андрогогикаси воситалари ёрдамида аввалдан аниқлашга йўналтирилган
<b>Таълимга оид жиҳат</b>	Ўмумий, касбий ва узлуксиз таълим тизимда билим ва кўникмаларни кўра билиш ва ривожлантиришга йўналтирилган
<b>Касбий жиҳат</b>	Аниқ фаолият тури бўйича касбий фаолиятни амалга ошириш имкониятлари ва натижаларини касбий тайёргарликни, меҳнатнинг ушбу турига бўлган психологик тайёргарликни ва жараён ва унинг натижалари учун ижтимоий жавобгарлик даражасини аниқлаш орқали аниқлаш билан боғлиқ
<b>Креатив жиҳат</b>	Сарфланаётган кучланишлар ва уларни касбий маҳорат, уни моҳирлик даражасига қадар такомиллаштириш ва ижод жараёнида олинган инновацияларнинг ижтимоий аҳамиятини баҳолашнинг рефлексив-инновацион имкониятини аниқлаш ёрдамида амалга ошириш муваффақиятини белгилаб беради
<b>Рефлексив жиҳат</b>	Мутахассис шахсининг ривожланган “Мен” сифатида ўзини англаши ва меҳнат фаолияти жараёнидаги мулокотдаги шеригини тушуниши, инсоннинг касбий маҳоратини оширишнинг ажратиб қўрсатилган акмеологик жиҳатларининг энг мақбул ўзаро муносабатларини таъминловчи, тизим ҳосил қилувчи омил

### **2.1.1-расм. Мутахассисларнинг ижодий компетентлигини ривожлантиришдаги омиллар**

Таълимда ва бошқарув тизимидағи кластерли ёндашув омилларини таҳлил қилишда америкалик олим Р. Блейк-

Моутон<sup>4</sup>нинг изланишларидан келтирамиз. Бунда иккита омил: вазифага йўналтириш (инструментал йўналиш) ва шахса йўналтириш, бошқарувда қулай ижтимоий муносабатларни сақлашга йўналтириш, бошқарувдаги муаммони ҳал қилиш учун таълим жараёнида узвийликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу параметрлар бўйича ҳосил бўлган бошқарув маконда камида беш турдаги омиллар аниқланди: инфратузилма, педагогик, инновацион, интеграция ҳамда тўсиқлар омили (1-расмга қаранг).

## Таълим кластери тузилмаси



1-расм. Таълим ва бошқарув тизимида кластерли ёндашувлар

Таълим кластерини бошқарув  
фаолиятга йўналтириш

Таълимда бошқарувнинг  
ривожланиши

**Инфратузилма (ресурс) омили.** Моддий-техник ва молиявий-иктисодий муносабатлар ҳар қандай худудий таълим кластери учун муҳим ҳисобланиб, уларни ташкил этувчи элементлар ва жараёнлар

<sup>4</sup> Mouton-Bleyk, Dj «Education Innovation Clusters» Aim to Improve Schools // Education Week. Vol. 34. Issue 24. P. 12. – URL: <https://www.edweek.org/ew/articles/2015/03/18/education-innovation-clusters-aim-to-improve-schools.html> (дата обращения 30.07.2020).

таълим кластерининг инфратузилмасига – унинг ресурслари ва шароитларига қаратилган: бинолар, жиҳозлар, кутубхона фонди, ўқув жараёнини илмий-методик таъминлаш, кадрлар салоҳияти ва бошқалар.

**Бошқарувчанлик омили.** Бошқарувда педагогик жараёнларнинг ривожланиши учун бирлашадиган таълим ва тарбия оқимлари биринчи ўринга чиқади. Унинг элементлари таълим мағкураси ва таълим мазмуни, усуллари, техникаси ва технологиялари – ўқитиш ва тарбиялаш усуллари-буларнинг барчаси биргаликда бошқарувнинг самарали стратегиясини ташкил этади.

Бу ерда таълим кластери субъектларида кадрларни бошқарувига бўлган эҳтиёжни ва бошқарув тизимини ривожлантиришда раҳбарларнинг зарурий компетенцияларини ривожлантиришни таҳлилий ва танқидий ўрганиш, самарали механизмлар ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақазо этади.

**Педагогик омил.** Педагогик таълим кластери субъектлари ва уларни бошқарув фаолиятидаги маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларини мониторинг қилган ҳолда, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган тарбия технологиялари, таклиф ва тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш, мавжуд муаммоларни ҳам этишда оила, маҳалла, таълим муассасаси, меҳнат жамоалари ҳамкорлигида “Янги маънавий макон” яратиш ҳамда унинг креатив ва инновацион стратегияларини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Бу омилда муҳим вазифаларни таълим муассасидаги педагог-тьюторлар амалга оширишлари назарда турилади. Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик ҳамда коммуникатив қобилиятлари ҳамда компетенцияларини шакллантиришда педагог-тьюторларнинг ўрни катта деб хисоблаймиз.

**Интеграция омили.** Ушу омил педагогик амалиёт ва иш билан бандликни таъминлаш стратегиясини белгилаб, унда олий ўқув юртларида “4+2” таълими жорий этилганлиги ва бу самарали таълим бўлиб, унда таълим кластери воситаси сифатида турли технологияларни қўллаш таклиф этилади.

Олий таълимда муайян мутахассисликда таълим олаётган талаба бўлажак тарбиячи ва кейинчалик раҳбар сифатида амалий фаолиятга тайёрланади. Ўшбу омилни амалга оширишда олий таълим муассасасининг маҳсус фан ўқитувчилари етакчи рол ўйнайди, мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик, касбий ҳамда педагогик компетентлигини ривожлантиришда маҳсус фан ўқитувчиларининг олий таълимда ўрганилаётган назарияни амалиёт билан боғлаш; амалиёт жараёнидаги учрайдиган тўсиқ ва муаммоларни ечимини олий таълим машғулотларида ҳал қилиш методикаларини тайёрлашда бошқарувчанлик компетентлиги шаклланади ва ривожлантирилади.

Бошқарувда мақсадларни тўғри қўйиш қобилияти, педагогик-касбий фаолиятни режалаштиришда бошқарув компетенцияларни шакллантириш учун зарур воситаларни танлай олиш, таълим субъектларининг ютуқ ва камчиликларини баҳолай олиш қобилияти, турли вазиятларга тайёр бўлиш каби шахсий ва касбий хусусиятлар бошқарув фаолиятидаги юқори сифатлар хисобланади.

Л.В.Лазарева шахсий-мотивацион (суҳбатдошни муваффақ-қиятга қизиқтира олиш), ҳиссий (ҳамдардликнинг юқори даражаси, шахсий ва реактив безовталиктининг оптималь даражаси), рефлексив (етарли ўз-ўзини баҳолаш ва ва ўзини ўзи тартибга солиш) компонентлар компетенциялар таркибидаги бошқарув компетенциялар таркиби бўлиб, уларнинг мураккаблиги ҳақида гапиради. Муаллиф турли олимлар, жумладан, Л.А.Петровская (ҳиссий, ақлий, ва қизиқиши компонентлари), С.Л.Братченко (когнитив, ҳиссий, шахсий, ва хулқ-атвор компонентлари) ва Л.М.Эррера (когнитив, хулқ-атвор, ва мотивацион-шахсий компонентлар) томонидан бошқарув компетентлигини таркибий ташкил этувчилари талқинидаги фарқларни назарда тутади.

Касбий фаолиятга нисбатан ҳамда раҳбар бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратишда акмеологик ёндашув масалаларини таҳлил этар эканмиз, яна бир муҳим жиҳатга эътиборни қаратиш мақсадгага мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Яъни кўпчилик ёш раҳбарлар назарий билимлар билан амалий

кўникмалар ўртасида узилиш мавжудлиги сабабли мустақил фаолиятнинг дастлабки кунларидан бошлаб қатор қийинчиликларга дуч келадилар. Бу қийинчиликларни ўз моҳиятига кўра қуидагича тавсифлаш мумкин бўлади:

- ижтимоий қийинчиликлар: нотаниш муҳит шартшароитлари, шахслараро муносабатлар, меҳнат жамоасининг савияси, ундаги кишиларнинг характер хислатлари, жамоанинг қадриятлари, маънавияти, анъаналари ва ҳоказо;

- билим ва билишга оид қийинчиликлар: таълим муассасасида олган билимлардаги узилишлар, савиянинг чекланганлиги, ижодий изланиш фаолиятининг заифлиги, ташаббускорликнинг етишмаслиги ва бошқалар:

- мутахассислик билан боғлиқ ўзига хос қийинчиликлар, касбий фаолият соҳасининг моҳияти, хусусияти, замонавий технологиялар, қурилмалар, асбоблар, амалий кўникманинг етарли эмаслиги, кутилмаган касбий вазифалар, муаммоларни ҳал этишга нисбатан тўғри ва тезкор қарор қабул қила олмаслик [3]. Бу қийинчиликларни енгиш даврида раҳбарнинг бошқарув фаолиятида руҳий ҳолатлари, жараёнлари ва хусусиятларида миқдор ҳамда сифат ўзгаришлари рўй беради. Шу боис, акмеологик ёндашув асосида раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни шакллантиришда касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш стратегияларини лойиҳалаштириш керак деб лозим топдик:

- касбий фаолият доирасидаги хизмат вазифаларининг турлитуманлиги:

- ижтимоий талабларга мослашувчан, қулай технологиялардан фойдаланиш;

- касбий фаолият субъектининг шаклланганлиги (аниқ касбий мақсадларни қўя олиш, англаш, фаолиятни бошқара олиш);

- илфор тажрибаларга асосланиш ва ўзининг шахсий тажрибасига эга бўлиш;

- аниқ фаолият турларини эгаллаш, ихтисослашув;

- ихтисослик талабларига мос келадиган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш каби жиҳатларга эътибор қаратиш зарур.

Акмеологик ёндашув базавий жиҳатлари сифатида ёшга, таълимга, касбга оид хусусиятлар ажратиб кўрсатилади. Раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида акмеологик ёндашувлар асосида соғлом ва ижодий муҳитни шакллантиришда қандай қадриятга оид кўрсатма ва муносабатлар ташкил этиши, шунингдек, у келажакда қандай қобилиятлар ҳамда билим, маҳорат ва кўникмаларнинг қай даражадаги захираси уни субъект сифатида намоён қилиши нафақат табиий мойилликка, балки кўп жиҳатдан яшаб ўтилган ҳаётга боғлиқ бўлади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, акмеологик ёндашувлар асосида раҳбар фаолиятида ижодий муҳитни шакллантиришда касбий компетентлик даражасининг ривожланиши уларнинг таълим муассасасида олган таянч касбий тайёргарлиги негизида шаклланиб, бунда таълимнинг сифати, соҳага йўналтирилганлиги, ўзлаштирилган касбий компетенциялар ҳамда уларнинг реал касбий фаолият талаблари билан ўзаро алоқадорлиги ва узвийлиги зарурий шартлардан ҳисобланади. [101].

Раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни шакллантиришда касбий фаолият самарадорлигининг қўйидаги кўрсактчиларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ деб топдик:

### 1. Натижавий кўрсаткичлар:

- мақсадга мувофиқлик, натижаларнинг дастлабки мақсадларга мослиги, самарадорлик;
- маҳсулдорлик, касбий фаолиятни ўзгартеришда намоён бўладиган натижалар;
- тежамкорлик, манбалар, вақт ва ишчи кучидан минимал даражада фойдаланиш;
- қулайлик, мазкур шароитда энг яхши натижаларга эришиш учун минимал даражада вақт ва куч сарф қилиш;
- илгор тажрибаларга мос келадиган фаолият усулларини ўзлаштириш ва натижаларга эришиш;

- янги вазифалар қўйиш, ностандарт технологияларни топиш, умуман янги маҳсулот яратиш, шаклланган тажрибалардан четга чиқиш, касбий ижод, янгиликлар яратиш.

## 2. Жараёнга хос кўрсаткичлар:

- касбий фаолият вазифаларининг турли-туманлиги;
- ижтимоий талабларга мослашувчан, ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- касбий фаолият субъектининг шаклланганлиги (мақсад қўя олиш, фаолият талабларини англаш, фаолиятни бошқара олиши);
- касбий фаолиятда деформацияларнинг мавжуд эмаслиги;
- мавжуд тажрибаларга асосланиш ва ўзининг шахсий тажрибасига эга бўлиш;
- аниқ фаолият турларини эгаллаш, ихтисослашув;
- бир неча оралиқ фаолият турларини эгаллаш (универсаллик);
- ихтисослик талабларига мос келадиган билим, кўникма ва компетенцияларни эгаллаш.

## 3. Касбий мулоқотнинг ривожланганлик кўрсаткичлари:

- ҳамкорликда, жамоа бўлиб бажариладиган касбий фаолият самарадорлигининг ошиши;
- “команда” бўлиб бажариладиган иш усулларини эгаллаш, юқори даражада маҳсулдор касбий фаолиятнинг мавжудлиги;
- янги касбий муҳит, ишга оид ва ижодий мулоқотни лойиҳалаш;
- ҳамкорликдаги меҳнат фаолиятида ўзаро билиш, ўзаро тушуниш, бир-бирини тузатиш;
- жамоани шакллантириш, гуруҳда ишлаш, лойиҳаларни бошқариш;
- коммуникатив техниканинг кўплаб турларидан фойдаланиш;
- ҳамкаслар билан низоларсиз ҳамкорлик қилиш, конфликтларни бошқариш;
- истеъмолчилар эҳтиёжлари ва касбий фаолият натижаларини ҳисобга олиш;

- касбий фаолиятда ижобий психологик мұхитни таъминлаш, иштирокчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятдан ўзаро қониқишига еришиш;

- касбий этика, меъёр ва муроқот тилига риоя қилиш, корпоратив маданиятнинг ривожланганлиги.

#### 4. Етук мутахассис шахсининг кўрсаткичлари:

- мазкур касбнинг аҳлоқий қадриятлари ва менталитетини тушуниш;

- шахсий касбий тажрибасини тўплаш ва таҳлил қилиш;

- ўз касбининг устаси сифатида намоён эта олиш, касбий ривожланиши учун энг қулай траекторияни ташкил эта олиш;

- ўз имкониятларидан максимал даражада фойдалана олиш ва компенсация қилиш (ўрнини тўлдириш);

- касбий фаолиятда кишининг имкониятларига мос келувчи, касбий топшириқ ва фаолият усулларини бирлаштирувчи индивидуал услубни шакллантириш;

- ўзини-ўзи бошқариш, эмоционал барқарорлик;

- ўз имкониятлари ва салоҳиятини тўғри режалаштириш, ортиқча зўриқишиларнинг олдини олиш;

- касбий фаолиятга ижобий муносабат ва ундан тўлиқ қониқиши ҳосил қилишни таъминлаш;

- ҳар бир янги имкониятни касбий такомиллашувга сафарбар этиш, фойдаланилмай қолган имкониятлар учун масъулиятни ҳис қилиш, инновацияларга нисбатан очиқлик [4].

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар асосида раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий мұхитни ва касбий етуклиги қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

1. Касб билан боғлиқ маънавий қадрият тизимини тушуниш.

2. Тажриба орттириш ва шахсий тажрибани таҳлил қилиш.

3. Намунавий мутахассиснинг адекват моделини қабул қилиш ва унга ўхшаш учун ўз устида ишлашга интилиш.

4. Олдинга қўйилган мақсадга еришиш учун шахсий куч ва ресурсларни максимал даражада сафарбар этиш.

5. Мехнатдан қониқиши ҳиссининг пайдо бўлиши.

6. Ўз-ўзини ривожлантиришга интилиш.
7. Шахс хулқида бузилишларнинг мавжуд эмаслиги.
8. Шахс организми ва психикасининг функционал имкониятлари ва уларнинг касбий талабларга мувофиқлик даражаси ҳақида тасаввурларга эга бўлиш ва бошқалар.

Келтирилган мазкур жиҳатлар асосида раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни шакллантиришга қўйиладиган замонавий талаблар, илғор хорижий тажрибалар ва касбий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик аспектлари ва шарт-шароитларини ўрганиш, шунингдек, мазкур жараёндаги имкониятлари диагностикаси хulosаларига таяниб, раҳбарларнинг жамода ижодий фаолиятни ривожлантириш мумкинлиги аниқланди.

Мазкур босқичларнинг касбий компетенцияларни ривожлантириш жараёнлари ва фаолият талаблари билан ўзаро алоқадорлиги ва мазмунан интеграцияси асосида бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳит тизими шаклланади.

## **2.2-§. Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожлантиришда коммуникатив мулоқот ва унинг механизмлари**

Ҳар қандай турдаги меҳнат фаолияти инсондан ихтисослашган билим ва малакани талаб қиласди. Махсус тайёргарликсиз бажариб бўлмайдиган фаолият соҳалари эса тобора кенгайиб бормоқда. Шу муносабат билан инсоннинг муайян меҳнат турига тайёрлиги ва мойиллиги масаласи меҳнат жараёнида энг долзарб масалалар қаторида туради. Бу борадаги узоқ йиллик изланишлар давомида шахснинг бирон касб соҳасидаги лаёқатини белгилашда “профессионал билим, малака ва кўникмалар” деган иборадан фойдаланиш одат тусига кирди. Ушбу ибора фанда шунчалик мустаҳкам ўрнашдики, ҳатто “БМК” (билим, малака ва кўникмалар) деган маҳсус қисқартма ҳам пайдо бўлди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ҳам турли хил

ихтисослик билан танишар эканмиз, асосий эътибор мутахассиснинг рус тилида кенг тарқалган ЗҮН аббревиатураси (знания, умения, навыки) билим ва малака доирасига қаратилади. Лекин охирги ўн йилларда ва айниқса, ўтган асрнинг 80-йиларидан бошлаб истеъмолга билим, малака ва кўникмалар ўрнига “компетенциялар” ва компетентлик атамалари кириб кела бошлади. Шаклан «компетенция ва компетентлик» атамалари аввалги БМК ўрнига келган бўлса-да, мазмун жиҳатидан улар профессионал тайёргарликни мутлақо янги маънода ва даражада ифодалаш имконини берди.

Агар рус олимлари изланишларидағи бу ибораларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихига назар солсак, В.Зимняя фикрига кўра қўйидаги босқичларни фарқлаш мумкин. Биринчи давр 1960-70 йилларга тўғри келади ва бунда биринчи бор, «коммуникатив компетентлик» деган тушунчаси ишлатила бошланди. Иккинчи давр 1970-1990 йилларга тўғри келади ва компетентлик атамаси асосан, чет тилларни ўзлаштириш раҳбар фаолияти таҳлилида, менежмент соҳасида қўлланади ва «социал компетенция, компетентлик» ибораларининг моҳияти шаклланади. Учинчи босқич эса бевосита таълим жараёни ва кадрлар тайёрлашда қўлланила бошланди ва айниқса, меҳнат жараёни контекстида «профессионал компетенлик» атамаси кенг қўллана бошлади. Таълим соҳасидаги янгиланишлар, Болон шартномасига аъзолик Европа таълимидағи стандартларнинг шу аъзо мамлакатлар таълим тизимидан ўрин олишига ва айниқса, «компетентлик» атамасининг оммавийлашувига сабаб бўлди. Таълимда компетентли ёндашувга асосланиш замон талаби бўлиб, бу орқали таълим натижалари ва амалиётнинг замонавий талаблари ўртасидаги узилишни тиклаш имкони юзага келди. Педагогикада «компетенция» тушунчаси остида шахс томонидан эгалланган билимлар ва амалиёт орқали кўйилаётган вазифаларни тажриба асосида мустақил равишда ҳал эта олишга бўлган умумий тайёрлик ва қобилият тушунилади.[88] .

Бугунги кунга келиб, педагогика фанида компетентли ёндашувнинг қуидаги жиҳатлари баён этилади:

- 1) компетенциялар анъанавий билимларнинг инсондаги интеллектуал, коммуникатив, креатив, методологик, дунёқарашга оид кўникмалар билан уйғулашган ҳолатидир;
- 2) компетентли ёндашув асосида таълим жараёнининг мақсадга мувофиқлик ва мақсадга йўналганлик ғояси ётади. Бундай ёндашувда компетенциялар ўқувчи малака ва кўникмаларининг энг юксак даражасини ифодалаган ҳолда ташкилий жиҳатдан тўрт компонентдан иборат бўлади: билим, малака, ижодий фаолиятга оид тажриба ва қадриятга асосланган муносабат;
- 3) компетентли ёндашув асосида иккита асосий тушунча фарқланади: компетенция ва компетентлик.

Компетенция – касбий фаолият талабларини ўзида акс эттирган шахс сифатлари, билим, малака, кўникма, фаолият услубларининг ўзаро алоқадор мажмуидир.

Компетентлик – профессионал ва ижтимоий соҳада самарали фаолият юритиш мақсадида шахснинг потенциалини амалга ошириш истаги ва қобилияти бўлиб, бунда инсон фаолият натижасининг юксак ижтимоий аҳамиятини шахсий масъулият сифатида ҳис этади ҳамда натижани мукаммаллаштириб бориш ҳақида қайғуради.

Ушбу икки таърифни ўзаро қиёслаганда улар ўртасидаги қуидаги узвийликни кўришимиз мумкин. Аввалига, касб талаблари асосида компетенциялар шаклланади, кейинчалик эса инсон бу компетенцияларни амалда қўллашга, компетентликка қодир бўлади.

Компетентли ёндашувга асосан маълумотлилик билим билан ўлчанмайди, балки билимлар асосида шахснинг турли мураккаб вазифаларни ҳал қила олиш қобилиятида ифодаланади. Компетентли ёндашувда билимнинг аҳамияти инкор этилмайди, лекин асосий эътибор олинган билимни амалда қўллай олиш қобилиятига қаратилади. Мотивация ва фаолият, хусусан “ўқув

фаолияти” тушунчалари узлуксиз ягонадир. Таълим мақсадларини амалга ошириш мотивациясиз мумкин эмас, чунки айнан мотивацион соҳа таълимнинг динамикаси ва йўналишини таъминлайди. Демак, ҳар қандай таълим жараёнини мотивацион таъминлаш билангина тасаввур этиш мумкин. Мотивацион таъминлаш эса, ўз навбатида, ўзаро ўрин алмашувчи мотивациялар сифатида тасаввур этилиши мумкин, яъни ҳар бир ўқув фаолиятига унга мос келувчи мотивация компоненти тегишли.

Б.Ф.Ломов ибораси билан айтганда, мотив ва мақсад фаолият векторини, фаолият субъектининг йўналишини, унинг ҳаракат қилиш кучини ташкил этади. Бу икки ташкилий қисмни алоқада ушлаб турувчи нарса эса установкадир. Установка кўп жиҳатдан вазият ва шароит билан белгиланади. Шу муносабат билан, компетентли ёндашув олдинги БМК ёндашувидан фарқ қилган ҳолда шахснинг профессионал структурасини янада тўла, аниқ ва яхлит ифодалаш имконини берди. Компетентли ёндашувига асосланиш натижасида раҳбарлар малакасини янада юқори поғонага олиб чиқиш имкони пайдо бўлди, таълим жараёнида аввалги «субъект – объект» муносабатлари энди мутлақо «субъект – субъект» тизимига ўтди, дейилса муболаға бўлмайди. Натижада, таълим жараёнининг самарасини ўлчаш мезонларидан бошлаб, таълимда қўлланувчи технологиялар таркибигача катта ўзгаришлар кузатила бошланди. Хусусан, таълимидағи асосий ғоялар сифатида қуйидагиларга эътибор қаратилди: раҳбардаги ижтимоий тажриба ҳамда шахсий тажрибага асосланган ҳолда турли соҳа ва фаолият турларига tengli muammolarни ҳал этиш малакасини ривожлантириш энди марказий масалага айланди. [72]

А.К.Маркова таъбири билан айтганда, ўқув фаолияти мотивациясини шакллантириш ўқувчи миясига тайёр мотив ва мақсадларни киритиш эмас, балки фаолликни юзага келтирувчи шундай шароит ва вазиятни яратишки, натижада ўқувчининг ҳаёт тажрибасига асосланган мотив ва мақсадлар, ички истак ва интилишлар қайта уйғонсин ва ривожлансин. Профессионал

дунёқарашни шакллантириш, касб фаолиятига нисбатан субъектив муносабатга эътибор қаратиш таълимдаги компетентли ёндашувнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Шу қаторда, касб эгасининг субъектив тасвирида профессионал меъёрлар, намуна ва категорияларни қанчалик ўзлаштиргани, касбга нисбатан шаклланган субъектив мазмун акс этиши алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Профессионал дунёқарашнинг таркиби – касбга оид тасавурлардан ҳамда касб эгасининг ўзини англашга оид қатор компонетлардан иборат, деб таъкидлаш мумкин. Буларнинг орасида энг муҳимлари сифатида касбий қадриятлар, мотивлар ва шахс идеали намоён бўлади. Шахс профессионал оламида бундай таркибий қисмларнинг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро тартиблashiш зарурати айрим пайтда инсоннинг шахсий хусусиятлари билан зиддиятга келиши ҳамда ўз-ўзини рефлексиялаш ва ривожлантириш димамикасини стимуллаштириши мумкин.

Масаланинг бундай қўйилиши, профессионал компетентликнинг шаклланиши ва намоён бўлиши билан боғлиқ психологик бирикмаларни аниқлаш ва таҳлил этиш заруратини келтириб чиқаради. Натижада, профессионал қадриятлар, меъёр ва мотивлар, профессионал хулқнинг турли шакллари ва ҳатто шахслараро муносабатлар соҳасига тегишли ижтимоий – психологик категориялар таҳлилига мурожаат этиш эҳтиёжи ҳам сезилади.

Компетенциялар концепциясининг асосчиларидан бири Ричард Бояцис, компетенцияни шахсга ўз вазифасини юксак даражада бажариш имконини берувчи асосий характеристика, деб таърифлайди

Компетентли бўлиш ўзбек тилидаги «мутасадди», «мутасаддилик» каби тушунчалар билан хамоҳангдир. Лекин амалдаги мавжуд «мутасаддилик» атамаси компетентликнинг бир томонини ифодалайди холос ва у кўпроқ мутахассиснинг хуқуқий жиҳатдан бирон фаолият турини бажаришга ваколати борлигини билдиради. Қабул қилинган ва амалдаги атамалардан четлашмаган ҳолда «мутасадди» сўзини ўз мазмунига кўра талқин этиб,

фаолият сифатига оид мазмунни таърифлашда «компетентлик» атамасини ишлатишни ўринли деб топамиз. Яъни, компетентлик деганда бирон ишни белгиланган стандартлар асосида бажариш деб тушунилади. Ушбу талқинда мазкур меҳнатни бажара олиш имконини берувчи билим, малака ва кўникмаларгина эмас, балки инсонинг ўз салоҳиятини амалда қўллай олишга қодирлиги ҳам назарда тутилади. Демак, инсоннинг бирон вазифани ечишга ички имкониятларининг мавжудлиги компетенция, шу салоҳиятни амалда қўллай олиш, касбий ҳаётга татбиқ эта олиш эса компетентликдир.

Т.Ю.Базаров фикрига кўра, ходим компетенцияси ва компетентлиги ҳақида сўз юритганда, маълум бир ишни талаб даражасида бажариш қобилияти назарда тутилади (масалан, музоқаралар олиб бориш ёки молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш). [78] Компетентлик – шахснинг хислати, қобилияти, малакаси ва мотивация хусусиятларининг йиғиндиси бўлиб, уларга эга бўлган инсон конкрет лавозим ёки компания томонидан белгиланган вазифаларни муваффақиятли тарзда бажариши мумкин. [97]. Шундай таърифга асосланган холда, персонал компетентлиги ташкилот компетенцияларини амалга ошириш воситаси сифатида талқин қилинади.

Бугунги кунга келиб, компетентли ёндашувга оид изланишларнинг авж олиши натижасида раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида компетенцияларнинг қатор турлари фарқланмоқда. Қуйида компетенциянинг мана шундай турлар ва уларнинг бошқарув амалиётга татбиқи устида тўхталиб ўтамиз.

Хусусан, Б И.Беспалов фикрича, энг умумий хусусиятларига кўра умумий ва маҳсус компетенциялар фарқланади. Умумий компетенция деганда шу ташкилот миқёсида барча ходимлар учун ягона стандарт сифатида қабул қилинган хулқ шакллари назарда тутилади. [43] Маҳсус компетенциялар эса, муайян фаолият тури учун ёки персоналнинг айнан шу тоифаси томонидан кутиладиган хулқ стандартларида ифодаланади. Раҳбарнинг бошқарув фаолиятига мурожаат этарканмиз, унинг шу ташкилот персонали

қаторидан ўрин олиши ва ўз тасарруфидаги ҳар бир бўлинма ва мутахассис ишидан юксак даражада хабардорлиги унинг умумий компетенциясини ташкил этса, раҳбарнинг ўзига тегишли, яъни айнан бошқарувга оид масалаларда мутасаддилиги-махсус компетенциялардан келиб чиқади. кўриниб турганидек, бу икки гурух компетенциялар, ҳар бири алоҳида ривожланиши билан бирга улар ўртасидаги ўзаро мувофиқлик ва мутаносиблик раҳбар профессионализмини ифодаловчи асосий ҳолатдир.

Н.В.Кузьмина ўз тадқиқотларига асосланган ҳолда педагогик фаолиятга хос бўлган бешта функционал компонентларни санаб ўтади ва ҳар бир компонент таркибига 7 тадан компетенцияни киритади. Мана шу 35 та компетенция киритилган беш гурух қўйидаги кўринишда баён этилади:

*гностик (gnostic) компетенциялар* – педагогик фаолият мақсади ва унга эришиш воситаларини акс эттиради, педагогик вазифаларни ҳал этишининг турли босқичларида таълим фаолияти субъекти ва объективнинг ҳолати, ўқувчилар ва педагогларнинг психологик хусусиятларига оид билимларни эгаллашни назарда тутади;

*лойиҳалашибиравчи (designer) компетенциялар* – стратегик, тактик, оператив вазифаларни режалаштириш ҳамда уларни ҳал этишга оид ҳаракатлар мажмуи;

*конструктив (constructive) компетенциялар* – таълим ва тарбия мазмунини танлаш ва таркиб топтиришга оид ҳаракатлар;

*ташикилотчилик (organization) компетенциялари* - педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатини ташкил этиш орқали педагогик фаолиятни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар;

*коммуникатив (communicative) компетенциялар* – раҳбар, педагоглар ва ўқувчилар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишга оид қаратилган хатти-ҳаракатлар тушунилади

Н.В.Кузьмина томонидан таклиф этилган ва самарали педагогик фаолият модели сифатида талқин этилувчи компетенциялар мажмуининг аҳамиятли томони шундаки, кўпчилик тадқиқотчилар айнан шу моделларга асосланган ҳолда

турли соҳада фаолият юритувчи раҳбар қиёфасини тавсифлашга киришдилар [65] Дарҳақиқат, мазкур модел у ёки у даражада бошқарув фаолиятининг барча зарур жабҳаларини ўзида қамраб олган ва раҳбар компетенциялариға хос бўлган белгиларни ифодалайди.

Н.В.Кузьмина томонидан амалга оширилган ёндашув Джон Равеннинг компетентликни «кўп миқдордаги компонетлардан иборат» деб талқин этиши ва уларнинг айримларини алоҳида ва мустакил тарзда таҳлил этиш заруратини таъкидлаши билан хамоҳангдир [98]

ГФР ўкув стандартида (2000 й.1 декабр) тури компетенциянинг уч хил белгиланган: профессионал, шахсий ва ижтимоий. Профессионал компетенциялар битирувчилар томонидан ўзлаштирилган билим ва малакалар асосида, мақсадга мувофиқ, тизимли ва мустақил тарзда муаммо ҳамда вазифаларни ҳал этишлари, шунингдек, ўз фаолият натижаларини баҳолай олишини англатади. Шахсий (персонал) компетенциялар инсоннинг ўзини шахс сифатида ривожланиш имкониятини баҳолай олиши, оиласи, касби ва ижтимоий ҳаёт талабларига биноан ўзини намоён қила олиш қудратини назарда тутади. Бундан ташқари, ушбу компетенциялар, шахснинг ўз қобилиятини намоён қилиши, ўз ҳаётй режа ҳамда интилишларини англаб етиши ва ривожлантиришини ҳам англатади. Ижтимоий компетенциялар инсоннинг шахслараро ўзаро муносабатлари тизимида шаклланиши ва яшай олиш қобилияти, бунга тайёрлиги, ўзгаришларни ҳисобга олиш ва ўзгарувчан ижтимоий муҳитга мослашиш эҳтиёжининг мавжудлигини, бошқалар билан келишиш шарти бўлган рационал дискуссия қоидалари ва тамойилларини тушуниш, уларга амал қилишни назарда тутади. Компетенциялар – иш берувчи томонидан конкрет иш ўрнига белгиланган функционал мажбуриятларни бажариш учун зарур билим, малака ва кўникмалар мажмуини ташкил этади. Бу компетенциялар инсоннинг иш жойида бутун меҳнат фаолияти давомида шаклланади. Шахсий

компетенциялар эса, инсоннииг бирон лавозимда ёки фаолият турида самарали ишлашини таъминловчи шахсий сифатлар йиғиндисини назарда тутди

Бундай таҳлил профессионал компетенциялар фаолият ва ҳаёт давомида ортирилган деб таъкидланса, шахсий компетенциялар кўпроқ туғма, яъни генетик даражада таркиб топган, деб эътироф этилади.

Ф.С.Исмагилова талқинидаги энг асосий ғоя шундан иборатки, компетенция ўзига хос психологик тузилма бўлиб, унинг асосида билим, малака ва кўнималарнинг шаклланиши ва ривожи таъминланади. [99] Бундай тузилманинг моҳияти шахснинг, яъни мутахассиснинг ички фаоллигида, ўз-ўзини профессионал жиҳатдан мукаммалаштириб бориш иштиёқига эгалигида намоён бўлади. Масалан, Ф.С.Исмагилова томонидан «вазифани қандай бажариш кераклигини билиш малакаси» деган ибора ишлатилади. Бундан ташқари, Ф.С.Исмагилова ядрорий компетентлик ёки метакомпетентлик ибораларини ҳам қулайлиги, уларга профессионал даражасидаги раҳбар эга бўлиши, бугунги кундаги дунё узра ўтаётган ижтимоий трансформацияларга алоқадорликни англатади.

А.В.Бессонованинг фикрига кўра компетенциялар ташкилот вазифаларини ҳал этиш воситаси ҳисобланади ва улар ташкилот мақсадлари билан ўзаро узвий боғлиқликда баён этилиши лозим. Бир ташкилот доирасида корпоратив, менеджерлик ҳамда касбий-техник компетенциялар бизнес талабларига кўра йилдан-йилга ўзгариб, янгиланиб бориши мумкин. [66]

Г.М.Тюлю талқинига биноан, компетенция шахснинг базовий психологик хислатлари тизими бўлиб, улар профессионал соҳадаги муваффақиятни белгилайди ҳамда хулқ терминлари асосида баён этилиши мумкин. [63] Бундай талқин компетенцияларнинг технологик алгоритмга эгалиги ва уларни диагностикалаш имконияти мавжудлиги ҳақида хulosса чиқариш имконини беради. Компетенциялар ўз ичига билимлар, фаолият турлари, қобилияtlар, қадрият ва мотивларни олади. Индивидуал-шахсий,

шахсий мазмунли, операционал, информацион даражада амалга ошувчи компетенциялар қаторида Г.М.Тюлю «очқич» компетенцияларни ҳам фарқлайди ва уларни аниқлаш экспертилаш, ихтисосликни таҳлил этиш заруратини қўяди. Бу олим фикрига кўра, «очқич» компетенциялар менежерлар таълимини лойиҳалаштириш учун асос бўлиб хизмат қиласди

Мутахассиснинг компетенциялари тизимида шундайлари мавжудки, улар мазкур ихтисосликнинг энг асосий ва муҳим жиҳатини ифодалашга хизмат қиласди. Айнан шундай компетенцияларни «очқич» сўзи билан ифодалаш мумкин. Шу билан бирга, «очқич компетенциялар» ўта ихтисослашган бўлиши мумкин эмас, чунки улар мутахассиснинг шу соҳа йўналишида универсаллигини таъминлаши лозим. Бу фикрлар А.В. Хоторской томонидан илгари сурилган «компетенциялар иерархияси» ғоясига асосланади. «Компетенциялар иерархияси» бўйича «очқич», предметларо ва предметга оид каби уч хил компетенциялар ўзаро иерархик алоқага эга бўлиб, уларнинг энг устки қисмида «очқич компетенциялар жойлашади» ва улар бир нечта предметли компетенциялар учун умумий бўлиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилади. Булар шунинг учун ҳам «очқич» деб аталадики, улар касб оламига кириш учун ўзига хос калит вазифасини ўтайди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, «очқич компетенцияларни» фирманинг асосий активи сифатида ҳисоблаш мумкин. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади – корхонанинг самарали стратегияси рақобатдош ташкилотни ҳар қандай йўл билан яксон қилиш йўлидан эмас, балки бошқалар ўзлаштиромайдиган ташкилот компетенцияларини яратиш ва бу орқали соҳада лидерликни қўлга киритишни англаради. Айнан шу компетенциялар «ташкилотнинг очқич компетенциялари» деб аталади. Шу маънода ҳар бир касб учун ва ҳатто ташкилот учун ўзининг «очқич компетенциялари» мавжуд

Демак, бошқарувнинг мукаммаллашиши зарурати нафақат алоҳида раҳбар, балки у бошқарадиган ташкилот миқёсидаги компетенцияларга эътибор қаратиш заруратини қўяди. Бундай

ёндашувда, раҳбар компетенцияларининг ташкилот мақсад, ҳамда вазифалари талабига жавоб бериши масаланинг бир томони бўлса, асосий эътибор ташкилот, компания даражасида эътироф этилувчи компетенциялар ҳакида бориши лозим. Айнан шу маънода ташкилот бошқарувини янада юқори поғонага кўтарувчи қўйидаги изланишлар устида тўхталиб ўтиш мумкин.

А.Н.Митиннинг фикрига кўра ташкилот ҳаётини уч даражада тасаввур этиш мумкин ва уларнинг ҳар бирида мос равишда «очқич» бирликлар амал қиласди. [93] Биринчи ва юксак даражада гуманитар деб аталади ва бунда «очқич» қадриятларнинг етакчилиги кузатилади, иккинчи даражада институционал бўлиб, бунга «очқич» жараёнлар хос ва учинчи даражада эса, «мазмундор» деб аталади ҳамда бу даражада ўтувчи жараёнларнинг бирлиги сифатида «очқич» компетенциялар қабул қилинади. Таъкидланишича, ташкилотнинг яхлит ва гармоник ишлаши айнан шу учта «очқич» бирликларнинг ўзаро мувофиқлиги билан белгиланади ва бундай тартибда «очқич» компетенцияларга етакчи урғу берилади.

Г.Керцнер эса ўзининг «етуклик модели» асосида ташкилот компетенцияларини ривожлантириш имконини қўйидагича ифодалайди. Муаллифнинг фикрича лойиҳаларни бошқариш борасидаги етукликнинг бешта даражаси ташкилот комптенцияларининг ривожланганлик даражасини кўрсатади [87]

- 1 даражада - терминология. Ўшбу даражада ташкилот лойиҳаларни бошқариш борасидаги асосий билимларни чуқур ўзлаштириш заруратини англайди, шунга алоқадор тилни ва атамаларни ўрганишга эҳтиёж сезади;

- 2 даражада – умумий жараёнлар. Ташкилот бирон лойиҳада эришган муваффақиятини бошқаларига ҳам татбиқ этилиши лозимлигини англайди ҳамда ижобий натижани таъминловчи жараёнларни аниқлаш ва ишлаб чиқиш йўлидан боради. Шунингдек, муваффақият келтирувчи барча омилларни аниқлаш ва уларни компания томонидан амалга ошириувчи бошқа

методологияларга ҳам татбиқ этиш имконини англаб этиш шу даражага хосдир;

- 3 даражада – ягона методология. Ташкилот амалга оширилаётган барча методологияларни ягона тартибга келтириш, лойиҳаларни бошқариш негизи билан боғлаш заруратини англайди. Натижада, барча жараёнларни ягона методология асосида ташкил этиш бошқарувда синергетик эффектга эришиш имконини беради;

- 4 даражада – бенчмаркинг. Компания рақобатдош ташкилотлар орасида устунлигини сақлаб қолмоқчи бўлса, корпоратив жараёнларни яхшилаб бориши кераклиги англайди. Компанияда ким ва нима бенчмаркингга жалб этилиши ҳакида умумий қарор қабул қилиниши лозим;

- 5 даражада – узлуксиз мукаммаллик. Бу даражада ташкилот бенчмаркинг асосида олинган маълумотни баҳолайди ва шу ахборот асосида ягона методологияни кенгайтириш (ривожлантириш) юзасидан қарор қабул қилинади.

Айрим муаллифлар психодиагностик методикалар орқали олинган маълумотларни анъанавий психологик категориялаш асосида уч блок компетенцияларни келтириб чиқарадилар. Ушбу классификацияга биноан, бошқарув мавзусига татбиқ этган ҳолда раҳбар соғлом ва ижодий муҳитни яратишда эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни қўйидагича изоҳлашимиз мумкин:

*Эмоционал (emotional) компетенциялар:* раҳбарнинг лидерликка, ютуққа интилиш мотивацияси, унинг стрессга чидамлилиги, турли босим шароитида самарали фаолият юритиш қобилияти ва ўзини бошқариш малакасига эгалиги.

*Хулқ (nature) компетенциялари:* раҳбарнинг шахслараро муносабатларга йўналганлиги, коммуникативлиги, ишchan жамоани ташкил эта олиши ва келиштира олиш малакалари, раҳбар хулқининг тартиблашганлиги, ташкилотга ва ўз жамоасига садоқати.

*Когнитив (cognitive) компетенциялар:* инсон тафаккурининг эгилувчанлиги, бошқарув қарорларига комплекс тарзда ёндашиш,

ақлий қобилиятларни ривожлантиришга йўналганлик, интеллектуал салоҳиятга урғу бериш.

Бундай классификацияга биноан ҳар қандай бошқарув соҳасига оид энг оддий ва жўн кўринишдаги компетенциялар кўламини яратиш имкони туғилади ҳамда амалдаги раҳбарларнинг бошқарув малакаларини қисқа фурсатда баҳолаш технологиялари яратилиши мумкин. Бошқарувни амалга ошириш учун юқори бўғин раҳбарлари маҳсус билимларга эга бўлиши ва уларни кундалик фаолиятда қўллай олишлари лозим. Замонавий раҳбарнинг профессионал компетентентлигига бўлган талабларни икки гурӯҳга бўлиш мумкин.

Биринчисига бошқарувдаги профессионал меҳнатни олиб боришга оид билим ва малакалар киради. Булар қаторига: тезкорлик ва ноаниқ вазиятларда асосланган қарорлар қабул қилиш; корхона фаолият юритадиган соҳа ривожланишига оид барча масалалар юзасидан хабардорлик: тадқиқотларнинг ҳолати, техника, технологиялар, рақобат, маҳсулотга бўлган талаб динамикаси; ресурсларни бошқариш қобилияти, корхона фаолиятини режалаштириш ва прогнозлаш, бошқарув самарадорлигини юксалтириш усулларига эга бўлиш; замонавий ахборот технологиясидан, коммуникация ва алоқа воситаларидан фойдаланиш малакаси киради.

Иккинчи гуруҳ талаблар эса юқори бўғин раҳбарларининг одамлар билан ишлаш ва ўзини бошқара олиш қобилияти билан боғлиқ. Раҳбар бошқалар ишончини қозониш ва ҳурматга сазовор бўлиши хусусиятига эга бўлиш лозим. Булар қаторига эса қўйидагилар киради: юксак масъулият ҳисси ва ўз ишига садоқат; ўзаро муносабатларда ҳаққонийлик ва шерикларга ишонч; ўз фикрини аниқ ифода этиш ва ишонтира олиш; ташкилот бўғинида қандай мавқега эга бўлишига қарамай, ҳар бир одамга ҳурмат билан муносабатда бўлиш; ўз жисмоний ва руҳий қувватини тез тиклай олиш, ўз фаолиятига танқидий муносабатда бўлиш.

Компетентлик мавзусининг марказий масалага айланиши касб соҳасида инсон эришадиган муваффақият ва самарани таъминлаш

борасидаги изланишлар оқибати, деб таъкидлаш мумкин. Шу сабабли, бу масаланинг ҳар томонлама ўрганилиши компетентликнинг кутилмаган жиҳатларини ҳам очиш имконини берди. Хусусан, компетентликнинг тескариси сифатида намоён бўлувчи ҳолат «компетентсизлик» деб аталади ва буни ҳатто «малакали компетентсизлик» ибораси билан ҳам аташ ҳоллари мавжуд.

Малакали компетентсизлик – ноўрин натижага олиб келувчи бирон ишни яхши амалга оширишdir. Бу ҳолатни «малакали» деб аталиши сабаби шундаки, одам бу ишни худди велосипед мингандай ёки футбол ўйнагандай текис ва ишончли ҳолда бажаради. «Компетентсизлик» сўзи эса, бу хатти-ҳаракатлар албатта ноўрин натижага олиб келишини англатади (масалан, худди велосипедда йиқилиш каби)

К.Аргирис, малакали компетентсизликни ҳам компетентлик сифатида таърифлаган ҳолда, ҳар қандай компетентлик ҳам ижобий натижаларга олиб келмаслигини таъкидлайди. Шу муносабат билан Ю.К. Жуковнинг жуда ўринли гаплари эсга тушади: «Профессионализм... ўз ишини яхши қилишгина эмас, балки ўзига тегишли бўлмаган иш билан шуғулланмаслик ҳамдир». [53]

Раҳбарнинг кенг қамровли ижтимоий фаоллиги, коммуникация доирасининг кенглиги ва кундалик ҳаётда социал алоқаларни шакллантириш зарурати унинг фаолиятида ижтимоий соҳанинг нақадар муҳим ўрин эгаллашини билдиради. Шу муносабат билан, кейинги пайтларда шахс профессионал ҳаётининг таркибий бўғини бўлган ва деярли ҳар қандай мутахассис ва айниқса раҳбар учун ўта зарур бўлган компетенциялардан бири – социал компетентликдир. Инсоннинг бирон фаолият турида профессионал тайёргарлиги бўлмасдан туриб ҳам яхши натижаларга эришишини айнан социал компетентлик асосида тушунтириш мумкин

Компетентли ёндошувга асосланиш раҳбарларни тайёрлаш жараёнида янги имконият ва афзалликларни яратади.

Компетентли ёндашуви асосида шахс таълим шароитидан ташқарида ҳам ўринли ҳаракат қилиши учун замин яратилади, яъни шаклланган компетенцияларни реал ҳаётга олиб ўтиш имкони туғилади. Компетентли ёндашув ўзгариб борувчи ижтимоий-иқтисодий вазият талабига бўлган жавоб эди. Тез ўзгарувчан мұхитда замонавий таълим раҳбарда шундай сифатни шакллантириши керакки, бир оғиз сўз билан уни «универсал бошқарув профессионализми» деб аташ мумкин ва бунинг асосида шахснинг вазият мос равишда бошқарув восита ва усулларини қўллай олиш малакаси тушунилади. Бу эса шахснинг эгилувчанлик ва мослашувчанлигига асосланади ҳамда борлиқ билан жиддий муносабатга киришда ифодаланади.

Шунингдек, кўпчилик экспертларнинг фикрича, аксарият ёш раҳбарлар тўқнаш келадиган муаммоли вазиятлар қуйидагилардан иборат экан: профессионал муроқот, муаммо, низоларни ҳал қилиш малакаси, меҳнат шароитларини яратиш ва ўз-ўзини бошқариш. Шахсий самарадорлик қанчалик юқори бўлса, инсон ўз фаолиятидан шунчалик қўпроқ натижада кутади.

А.Бандуранинг шахсий самарадорлик концепциясига биноан, инсон ўз самарадорлигини қандай баҳолашига кўра унинг фаолияти кенг ёки тор доирада амалга ошиши, тўсиқларни енгиб ўтишга турлича куч сарфлаши, профессионал муаммоларни сабр ва матонат билан ҳал этиши мумкин. Ўзининг шахсий самарадорлигини англаган одамлар мураккаб вазифаларни ҳал этишда ўзига ишонмаган одамларга нисбатан қўпроқ куч сарфлайдилар.

Бошқарув мақсадларига йўналтирилган фаолиятда раҳбар шахсига хос бўлган коммуникатив, профессионал-ихтисослашган ҳамда социал-перцептив каби специфик психологик жиҳатлар фарқланади. Компетенцияларни яратиш устида иш борар экан, ушбу тузилма хусусиятларини инобатга олиш зарур. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда деярли ҳар бир соҳа ва касбнинг ўз йўналишига оид компетенциялар мавжуд.

В.Н. Введенский компетентликни шахснинг алоҳида характеристикаси, компетенцияни эса конкрет профессионал ва функционал характеристикалар йиғиндиси деб таърифлайди [93]

М.Ю.Жуков эса бу икки тушунчани ўзаро фарқлаган ҳолда қўйидаги таърифни келтиради: «Компетенция хислатгина эмас, балки иш жойи атрибути сифатида ҳам талқин этилиши лозим, компетентлик эса соф субъект характеристикасидир ва у мутлақо индивидга, фаолият субъектига тегишлидир [83]

Бугунги кунга келиб, компетентликнинг кўпгина концепциялари яратилдики, уларни умумлаштирган ҳолда икки асосий ёндашувни англашимиз мумкин. Улардан бири – мутахассиснинг билимларига асосланган бўлиб, билимлар компетентликнинг асоси деб эътироф этилади. Иккинчи ёндашувда эса нафақат билимларга эга бўлиш, балки уларни амалиётда қўллай олиш малакасига асосий эътибор қаратилади. Бу эса маълум жиҳатдан шахснинг аналитик, ижодий ва амалий кўникмаларига боғлиқ.

Р.Стернберг компетентликни ўзлаштириш ушбу жараённинг амалга ошиш табиатини очиб беришда Дж. Андерсоннинг кўникмаларни орттириш когнитив назариясига асосланади. [113] Бу назарияга биноан кўникмалар шакланишининг учта кетма-кет келувчи босқичи мавжуд:

1. Биринчи босқичда мавжуд вазиятнинг ўзи индивидга масалани қандай ҳал этиш борасида эслатма беради ва инсон ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шу муаммога оид бор билимларини актуаллаштиради. Бунда раҳбар фаоллиги ташқи муҳит қўзғатувчилари асосида амалга ошади, фаолият эса эҳтиёткорлик билан ва секин бажарилади.

2. Иккинчи босқичда билимлар установкалар тарзида тартиблашади, вазифани бажариш жараёнига оид шароит ва ҳаракатларнинг ўзаро кетма -кетлиги шаклланади.

3. Учинчи босқичда эса установкалар ўртасида ўзаро мутаносиблик ўрнатилади ва англанган ҳаракатлар кетма-кетлиги юзага келади.

Қатор фаолият турларини ўрганган ҳолда компетентликнинг ундовчи, мазмунли, продуктив ва аксиологик жиҳатлари аниқланди. Ўз навбатида, ҳар бир жиҳат ўзига хос ички компонентга асосланади. Раҳбар фаолиятига нисбатан олар эканмиз, бошқарувга оид компетентликнинг ундовчи жиҳати раҳбарнинг мотивацион - эҳтиёж соҳасига суюнади ҳамда шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш, мартабага эришиш, бошқаларга ўз таъсирини ўтказиш ва қудратга интилиш эҳтиёжларига асосланади. Мазмунли жиҳат эса бошқарув соҳасига оид тажрибага суюниш ва уни бойитишга интилиш, социал алоқалар доирасини кенгайтириш ва бу борадаги мавжуд имкониятлардан фойдаланишни англатади ҳамда бундай когнитив-фаолият йўналиши компетентликнинг мазмунли томонини очиб беради. Продуктив жиҳат эса шахснинг билим ва малакаларига асосланади ҳамда ичига бошқарув фаолиятига оид социал ва шахсий мазмунга эга натижаларни, шахс эришадиган ютуқларни кўзлайди. Компетентликнинг аксиологик томони бошқарув фаолиятига нисбатан қадриятли ёндашишни назарда тутган ҳолда эмоционал қадриятли компонетга суюнади.

О. Колб томонидан ишлаб чиқилган «раҳбар компетентлигининг кўп даражали иерархик модели»ни келтириш мумкин. Бунга биноан, менежер компetenциялари уч асосий иерархик блокдан иборат бўлиб, бунинг асосида шахснинг турли билим, малака ва кўникмаларни интеграциялай олиш қобилияти ётади, иккинчи, ўрта блокда эса раҳбарлик қиласидиган соҳага оид концептуал, перцептив, эмоционал ва хулқ малакалари жойлашади. [103] Иерархик тузилманинг учинчи, юксак даражасида эса инсонлар билан ишлаш, маълумотларни таҳлил қилиш, ноаниқликни бартараф этиш, лидерликка интилиш ва янгиликларга тайёрлик ўрин олади.

Бугун бутун дунёда тайёрланаётган раҳбарларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришда интеграл ва ностандарт ёндашув устунлиги яққол кўзга ташланмоқда. Нуфузли халқаро эксперталар томонидан раҳбарларни тайёрлашдаги анъанавий ёндашув етарли самара бермаётгани, шу муносабат билан касбий ва шахсий компетенцияларнинг ўрни ва аҳамиятини, билим ва малакаларнинг ўзгарувчан меҳнат бозоридаги талаб ва эҳтиёжларга нисбатан дитерминантлик даражасини аниқлаш бугунги кун педагогикасининг асосий вазифаси эканлиги эътироф этилмоқда, айниқса, мутахассислар олдида келажак компетенцияларини аниқлаш жараёнида адекватлик ва интерференция ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш, устивор аҳамиятга эга бўлган доминант компетенциялар рўйхатини шакллантириш, инновацион ёндашув асосида раҳбарларнинг қобилият ва иқтидорларини юзага чиқарувчи индикаторларни аниқ белгилаб олишдек мураккаб вазифа қўйилган. Бу эса биринчи навбатда, тараққий этган давлатларнинг илғор тажрибалари асосида раҳбар кадрларида касбий кўникмаларни шакллантириш омиллари, унинг интеграллашган методик таъминоти, умумкасбий, когнитив ва ижтимоий компетенциялар таркибига аниқлик киритиш заруратини туғдирган. Эътироф этиш керакки, таълим бўйича Халқаро комиссия томонидан XXI аср – фан техника тараққиёти даврида таълим олдига тўртта устивор мақсад қўйилди: яшашни, англашни, бажаришни ўрганиш ҳамда биргаликда яшаш, англаш ва бажаришни ўрганиш. Айни пайтда таълим соҳасидаги нуфузли Халқаро эксперталар томонидан таълим тарбия жараёнига икки хил кўникмаларни уйғун жорий этиш таклиф этилмоқда. Булар:

Раҳбарнинг профессионал муҳим сифатлари масаласи охирги йилларда мутахассислар ва амалиётчиларни кўпроқ қизиқтируммоқда. Бир гуруҳ олимлар американлик ҳамда япониялик раҳбарлар фаолиятини ўрганиб, уларга хос бўлган энг муҳим сифатларнинг блокларини ажратганлар. 1500 нафар американлик менежер ва 41 нафар япониялик йирик фирма раҳбарларининг сифатлари қўйидагича табақаланди:


- концептуал қобилият ва хулқ-автор стандартлари: дунёқарашнинг кенглиги ва глобал ёндашув; узоқни кўра билиш ва эгилувчанлик; ташаббускорлик, дадиллик ва таваккалчиликка мойиллик; мунтазам ўз устида ишлаш ва узлуксиз таълим.

-шахсий сифатлар: мақсад ва йўналишларни аниқ белгилаш хусусияти; ўзгалар фикрини тинглай олиш қобилияти; холислик, самимият ва бағрикенглик; адолатли қарорлар чиқариш орқали ходимларни жой-жойига қўйиш ҳамда улар имкониятларидан тўла фойдаланиш; жамоани ташкил этиш ва унда уйғун психологик муҳитни ушлаб тура олиш қобилияти.

- саломатлик.

Барча ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу нарса аён бўлдики, америкалик раҳбарлар кўпроқ ходимларнинг шахсий-индивидуал ташаббуслар кўрсатишларига имкон берувчи муҳитнинг бўлиши тарафдорлари бўлсалар, японияликлар – ходимларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари самарасини оширувчи шароитларни яратишга эътибор берадилар.

Коммуникатив компетенция – бу бошқарувчининг турли тилдаги оғзаки ва ёзма муомала технологияларини ўзлаштирганлиги ҳамда компьютерда дастурлаш ва Интернет орқали муносабатга кириша олиш қобилияти. Айрим мутахассислар томонидан ижтимоий-психологик компетенция тушунчasi кўпинча ОАВда “коммуникатив компетенция” тушунчasi билан синоним сифатида ҳам ишлатилади. Бевосита коммуникатив компетенцияни аниқлаш учун “Мулоқотга киришувчанлик даражаси”, “Фикрни баён эта олиш” каби қатор методикалар ҳамда ўзини қанчалик назорат қила олишини билишда М.Снайдернинг маҳсус тести қўлланилади.



## **2-расм. Раҳбарларнинг коммуникатив компетентлик хусусиятлари**


Раҳбарларда коммуникатив компетенцияларнинг шаклланишида мулоқотга эътибор каби сифат хакида маълумот бермоқчимиз, яъни раҳбарнинг ходимларнинг маълумотлар билан таъминланиш жараёнини назорат қилиб бора олиш. Ушбу компетенцияга эга раҳбар: жамоадаги ҳар бир ходимни келгуси режалари ва фаолиятига доир содир бўлиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалардан олдиндан хабардор бўлиб боришларини кузатиб боради; бошлиқнинг ўз режаларини ҳамкаслари ва бошқа алоқадор ходимлар билан ўртоқлашишини кузатиб боради; муҳим хабарларни етказишда барча турдаги алоқа воситалар (иш юзасидан хат, йиғилиш, электрон почта) дан унумли фойдаланади; кутилмаган кўнгилсизликлардан қочиш мақсадида ишнинг бориши ва учраши мумкин бўлган қийинчиликлар ҳақида бошқарувчини доимий хабардор қилиб боради; маълумотлар алмасиши ўзаро келишилган ҳолда ва доимий равишда амалга ошишини кузатиб боради (2-расмга қаранг)

Коммуникатив компетентликнинг асосий таркибий қисми професионалтаълим муассасаси раҳбарининг алоқа ва ахборот саводхонлиги бўйича бошқа иштирокчининг позициясини ҳисобга олган ҳолда ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш қобилиятидир. О.С.Анисимов алоқа жараёнида тўртта асосий ролни белгилайди: “муаллифлик”, “тушуниш”, “танқидчилик” ва “ташкилотчилик”.

Рахбарнинг коммуникатив қобилиятларининг самарадорлик даражаси шахслараро муносабатлардаги хатти харакатлари билан белгиланади. Албатта бу жараёнда ижтимоий муҳит ва унинг таъсири, ходимлардаги шаклланган шахсий қадриятлар ва индивидуал-психологик хусусиятлар, очиқлик, ҳиссийлик, экспрессивлик, адекват ижтимоий идрок қила олиш қобилияти, кузатиш, мнемоник қобилият ва бошқалар каби шахсий фазилатлар киради.

Шулар билан бир қаторда ходимларни бошқаришда юзага келиши мумкин бўлган тўсиқлар хам мавжуддир, улар:

1. Коммуникатив мақонда раҳбар томонидан ахборотни идрок этиш жараёнида юзага келадиган тўсиқлар.
2. Муҳим қарорларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни бошқарув жараёнининг бошқа субъектларига ўтказишида юзага келадиган тўсиқлар.



**З-расм. Коммуникатив хулқнинг ташкилий-педагогик омиллари**

Бутунжаңон Иқтисодиёт форуми эълон қилган 2020 йил учун энг муҳим 10 та билим, кўникмалар рўйхатида айнан “юмшоқ” компетенцияларга кенг ўрин берилганлиги ҳам ҳам ана шу эҳтиёжнинг мұқаррар эканидан далолат бермоқда.

. Айни пайтда мана шу 10 та кўникмалар мажмуи “SOFT SKILLS” атамаси билан илмий жамоатчиликка тақдим этилмоқда. Қолаверса, АҚШнинг Гарвард университети ўтказган тадқиқотларга кўра, “soft skills” фоизлик муваффақият гарови сифатида эътироф этилган. Ушбу мулоҳазалардан хулоса шуки, иш жараёнидаги муваффақият ва юқори самарадорлик муйян шахс ёки гуруҳларнинг бир қанча билимлар мажмуини ўзлаштирганлиги ва айнан шу билимлар бир-бирини тўлдириб кучайтириб, юқори натижани юзага келтирганида намоён бўлади.

Қўйида 2015 йилга нисбатан 2020 йилда устиворлик касб этган компе-тенцияларнинг таққослама жадвалини келтирамиз:

2015 йил	2020 йил
Муаммони тизимли ҳал этиш	Муаммони тизимли ҳал этиш
Жамоа билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш	Танқидий фикрлаш
Одамларни башқариш	Кретивлик
Танқидий фикрлаш	Одамларни бошқариш
Ҳамжиҳатлик муроҷотга киришувчанлик	Жамоа билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш
Сифат назарияси	Ҳиссий интеллект
Хизматга мослашувчанлик	Мулоҳаза ва қарор қабул қилиш
Мулоҳаза ва қарор қабул қилиш	Хизматга мослашувчанлик
Фаол эшитиш қобилияти	Ҳамжиҳатлик, муроҷатга киришувчанлик
Креативлик	Когнитив мослашувчанлик

Жамият ва шахс тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган, келажак бунёдкорлари бўлган ёш авлодни тарбиялаш масъулияти юкланган таълим соҳаси муттасил янгиланиш, илғор ва инновацион ғоялар билан уйғун тараққий этишни талаб қиласидиган соҳа саналади. Шунингдек, миллий стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига мувофиқлашириш, миллий малака талабларини босқичма-босқич халқаро аналогларга мослаштириш олдимиизда турган долзарб вазифалар ҳисобланади. Шу асосда Халқаро квалификация рамкаларига уйғунлашган миллий квалификация рамкаларини жорий этиш, таълим стандартларини “Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи” (МСКО)га уйғунлашириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун таълимнинг янги тизими яратилаётган, таълим дастурларининг янги структураси ишлаб чиқилаётган бир даврда раҳбарларда “юмшоқ” (soft) компетенцияларни шакллантиришни назарда тутадиган аниқ механизмларни жорий этиш лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан бизнинг назаримизда мамлакатимизда янги замонавий таълим тизимида таълим стандартлари ва малака талабларини ишлаб чиқишида қўйидагиларни инобатга олиш таклиф этилади:

1. Хорижий тажриба, шунингдек, маҳаллий шарт-шароитлар ва миллий менталитетни инобага олган ҳолда раҳбар кадрларида иш берувчилар учун муҳим бўлган “юмшоқ” компетенциялар рўйхатини шакллантириш, уларнинг доминант хусусиятларини аниқ белгилаш;
2. Мехнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган, янги пайдо бўлаётган касблар талаб қиласидиган “юмшоқ” компетенцияларни муҳимлик, адекватлик, доминантлик даражасига кўра таснифлаш;
3. Таълим тизимида мавжуд (ўргатиладиган) компетенцияларнинг айни пайтда эскирган ва самара бермайдиган қисмини аниқлаш (таълим дастурларида назарда тутмаслик учун);
4. Таълим дастурлари структурасига “юмшоқ” (soft) ҳамда “қаттиқ” (hard) компетенцияларни шакллантиришни уйғунлаштирадиган механизмларни жорий этиш;

5. “Юмшоқ” (soft) компетенцияларни маҳаллий шартшароитларга мувофиқлаштириш, миллий педагогика категориялари призмасидан ўтказиш, методикасини ишлаб чиқиш, унинг ядровий ва ёрдамчи компонентларини тизимлаштириш;

6. Раҳбар кадрларида касбий кўникмаларни шакллантириш омиллари, унинг интеграллашган методик таъминоти, умумкасбий, когнитив ва ижтимоий компетенциялар таркибига аниқлик киритиш;

7. Замонавий таълим мазмунини “юмшоқ” компетенцияларни шакллантиришга йўналтириш ва модернизациялаш, компетенцияларга асосланган инновацион таълим муҳитини яратиш, раҳбарларда ностандарт тафаккур тарзи ва креативлик хислатларини шакллантирувчи услубларни амалиётга кенг татбиқ этиш зарур.

Биз тадқиқот давомида раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратишда айнан шу компетенциялар орқали хаётий кўникмаларни шакллантириш, тафаккурнинг ўзига хос хусусиятларини креативлик, тезлик, мослашувчанлик, тизимлилик билан тўлдириш мумкин. Инсон ўз устида ишлаш йўналишини аниқлаган пайтида танлов йўналиши бўйича тараққиётга олиб борувчи ҳаракатларни билишга интилади.

Таълим муассасаси раҳбарининг жамоани бошқаришида соғлом муҳитни яратишга қуидагилар тўсқинлик қиласди:

- ноаниқ мақсадлар, чалкаш режалар, қайси йўналишда ҳаракатлар олиб бориш ва буни нима учун бажариш кераклигини етарлича тушунмаслик;

- ўз ишида ва шаҳсий ҳаётида ниманидар тубдан ўзгартиришга тайёр эмаслик;

- ҳали ҳеч ким бажариб кўрмаган, янги ишни бошлашга чўчиш.

- ўз хатти-ҳаракатлари ва эришган натижаларини мулоҳаза қилишга вақт ажратишни ҳохламаслик;

Soft Skillsга хос компетенциялар айнан бошқарув фаолиятда раҳбарлар томонидан соғлом муҳитни яратади олишга ундейди:

- коммуникативликнинг таянч кўникмалари. Улар ўзаро муносабатларни ривожланишига имкон беради, раҳбарларнинг сұхбатни олиб бориш қобилиятини шакллантиради, кескин вазиятларда адекват ҳолда ҳаракат қилишга ёрдам беради. Коммуникативлик ўз таркибиға раҳбарни бошқарув фаолиятида соғлом муҳитни яратишида тинглай олиши, ишонтира олиши ва далиллаш, муносабатларни қуриш ва уларни таъминлаб туриш, музокаралар олиб бориш, ижтимоий тақдимотлар олиб бориш кабиларни олади.

- Self-менеджмент (ўзини ўзи назорат қилиши) кўникмалари. Улар раҳбарларни бошқарув фаолиятида инсонни ўз хатти-ҳаракатлари, ҳолати устидан назорат қила олишига, рационал равишида вақтдан фойдаланишига ёрдам беради. Self-менеджмент – ўзини бошқара олиши, стресс ҳолатларини назорат қилиш, шахсий такомиллашаётганини кузатиш, тайм-менежментни билиши, ташаббусини намоён қилиши, қатъиятли бўлиш, иштиёқ билан ишга ёндошиш каби қобилиятлар мавжудлигини назарда тутади.

- маҳсулдор тафаккурлаш. Раҳбар фикрларини бошқариш, тўғри мослаша олиш, йўналтира олишга эга бўлишлик билан ифодаланади.

- бошқарув кўникмалари. Раҳбарлик лавозимини қайсиdir маълум босқичда қабул қилувчи ҳар бир инсонга зарурdir.

Раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида ижодий муҳитни яратишида Soft-skills кўникмаларни фаол равишида олға интилишига ёрдам беради. Бунда қуйидаги умумий қоидаларни инобатга олмоқ зарур:

1. Ривожланиши узлуксиз жараёнга айлантириш лозим. Ўз навбатида раҳбар тажрибага эга бўлиш, мураккаб вазифаларни ҳал қила олиш, оддий усулдан кўра яхшироқ ҳаракат қилмоқ лозим. Асосийси тўхтаб қолмаслик керак.
2. Тараққиёт босқичларини саводли режалаштириши ўрганиш;
3. Турли хил шакллардан фойдаланиш;
4. Қизиқувчанликни намоён қилиш, атрофдаги содир бўлаётган ҳодисаларни ўрганиш.

5. Ишидаги ҳақиқатдан ҳам долзарб ахамиятга молик бўладиган йўналишларни танлаш жуда муҳимдир.

6. Кўпроқ ўқиши одатини шакллантириш, ўз устида ишлаш жуда аъло ечим ҳисобланади.

7. Қайси соҳада ривожланишни ва мақсад қўйишни аниқлаш лозим.

Бунинг учун йўлда учраши мумкин бўлган тўсқинликларни таҳлил қилиш, ушбу соҳадаги малакали инсонлар қўллаб-куватлашларига эришиш лозим Демак, раҳбар бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратишда ҳар бир ишни режали бошлаш ушбу ишнинг олдиндан содир бўладиган салбий оқибатларини вақтида бартараф этишга, энг асосийси ишнинг муваффақиятли якунлашига ёрдам беради.

Шу билан биргаликда раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратишда Soft-skills компетенициялари орқали қуидаги кўникмалар шаклланади:

1. Ижтимоий-коммуникатив кўникмалар: жамоада ишлай олиши, малакаси, бевосита вазифаларни амалга ошириш қобилияти, оғзаки ва ёзма мулоқотни йўлга қўя олиши, оммавий нутқ сўзлай олиши, новербал хатти-ҳаракатлар имкониятларидан фойдалана олиши, аҳлоқийлиги ва этикет қоидаларига риоя қила олиши, ҳамкорлари билан ишончли муносабатларни ўrnата олиши ва давом эттира олиши, маданиятлараро ҳамда шахслараро мулоқотларда bemalol иштирок эта олиши.

2. Ташкилий кўникмалар: жамоани шакллантира олиши, шахсий фаолиятини режалаштириши, устунлик жиҳатларни танлай олиш, амалга оширса бўладиган вазифаларни қўя олиш, режани амалга оширишдаги давомий ҳаражатларни аниқлай олиши.

3. Функционал кўникмалар: шахсий ва хизмат вазифаларни ҳал қилишга қаратилган масалаларда глобал тармоқлардан фойдаланиш, ахборотни қидириш, баҳолаш, қайта ишлаш, сақлаш ва қўллай олиши.

4. Ижтимоий-эмоционал кўникмалар: масъулиятни ўзига ола билиши, лидерлик қобилияtlари ва ташаббускорликни намоён

этиши, ўз ҳиссиётларини назорат қила олиши ва мулоқотдаги ҳамкорини эмоционал ҳолатини фаҳмлай олиши ҳамда у билан муносабатни амалга оширишнинг адекват услубларини танлай олиш.

Демак, XXI асрда фаолият кўрсатаётган замонавий раҳбарларнинг компетенциялари трансформациялашиб бораётган жамият ва давлат иқтисодиёти талабларига жавоб бериши лозим. Айнан уларнинг шарофати билан инсонлар мураккаб бўлган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда юзага келадиган эҳтиёжларни тезда қондира оловчи мослашувчан ҳамжамиятларни вужудга келади. Шу билан бир қаторда —келажак компетенциялари раҳбарлар томонидан оммавий қўлланилса, жамият ва иқтисодиёт трансформацияси ҳам тезроқ, ҳам ишончлироқ асосга курилади.

### **2.3-§. Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожлантиришда сифат менежменти тамойиллари ва ижтимоий психологик хусусиятлари**

Маълумки, таълим сифати – ижтимоий категория ҳисобланиб, таълим натижаларининг шахс, давлат ва жамият эҳтиёжларига муттаносиблиги, шунингдек замонавий ривожланиш босқичида иқтисодий тарққиёт талабларига мос таълим мазмуни билан белгиланади.

Кейинги пайтларда таълим менежменти ва педагогикада “таълим сифати” тушунчаси педагогик фаолиятнинг турли жиҳатларини таҳлил қилиш учун фаол қўлланилмоқда.

Кўпгина муаллифлар таълим сифатини таълим тизими фаолияти сифати деб қарашади. Баъзи мутахассислар эса уни таълим оловчиларнинг таълимдаги тайёргарлик даражаси (олдиндан белгиланган меъёрга нисбатан) ва ютуқлари билан боғлайдилар.

“Таълим сифати” деган атаманинг ҳам турли талқинлари мавжуд бўлиб, айримлар тадқиқиотчилар таълим сифатини ўқитиш

сифати билан бғлиқ ҳолда изоҳлайдилар, бошқалари эса таълим сифати деганда шахснинг ривожланиш даражасини тушунадилар. Үчинчи гуруҳ тадқиқотчилар эса, таълим сифати деганда битиувчининг олтига мавқе бўйича: касбий фаолиятга, ватанини ҳимоя қилишга, оиласвий ҳаётга, дам олиш вақтини мазмунли ўтказишга, таълимни давом эттиришга, ўз соғлиги ҳақида қайғуришга тайёрлиги, шунингдек, мустақил ҳаётга тайёрлигини тушунади. Қайд этилган кўп ўлчамли таълим сифатининг айрим қирралари бир неча йиллар ўтгандан кейин баҳоланиши мумкин, шу сабабли таълим сифатининг айни талаб қилинган вақтда, шу ерда, айни пайтнинг ўзида қандай қилиб баҳоланиши аниқ эмас [118].

Таълим сифатини бизнинг назаримизда ўқитиш сифати деб тушуниш мумкин ва буни олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлиги ва маҳоратининг ривожланиш даражасига боғлаш мумкин.

ЮНЕСКО томонидан 1998 йилда ўтказилган конференцияда бутун дунё деклерацияси қабул қилинди ва унинг 11-моддаси “Сифатни баҳолаш” деб номланди ва унда сифат олий таълим соҳасида кўп ўлчамли концепция деб таърифланди. Үнга кўра ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ишлари, профессор-ўқитувчилар, талabalар, ўқув бинолари, моддий-техника базаси, жиҳозлар, жамият учун жон куйдириш, академик муҳит сифатни белгиловчи дастурлар сифатида келтирилади. Шунингдек сифатни баҳолайдиган ташкилотлар тўғрисида маълумот берилади[23].

Ш.Қурбонов ва Э.Сейтхалиловларнинг «Таълим сифатини бошқариш» номли монографиясида, “сифат” тушунчаси қуидаги талқин қилинади: «Таълим олувчи даражасидаги таълим сифати деганда, шу таълим олувчининг тарбия ва таълимдаги индивидуал имкониятлари, интилишлари ва мақсадларига мос равишда таълимнинг турли босқичларида мазмунни, таълимни (билимларни, фаолият усулларини, ижодий фаолият тажрибасини, хиссий-қадриятли муносабатларни)

ўзлаштириш, жисмоний, руҳий, ахлоқий ва фуқаролик жиҳатдан ривожланиш бўйича эришадиган даражасини тушунамиз[71].

М.Юлдашевнинг илмий изланишларида эса таълим сифати деганда нафақат таълим олувчилар билимининг давлат стнадартларига молсги, балки таълим муассасининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши, шунингдек, ҳар бир педагог ва раҳбарнинг таълим хизматлари сифатини таъминлашдаги фаолияти натижаси, таълим сифати менежменти эса – таълшимнинг олдиндан башоратланган натижаларига эришишга йўналтирилган бошқарув бўлиб, сифатни таъминлаш тадбирларини лойиҳалаштириш, таълим жараёни иштирокчиларини самарали меҳабитга қизқитириш, мақсадлардан четга чиқишлиарни абниқлаш, ўзрашилрани кузатиш ва таҳлил қилиш жараёнларидан иборат бўлган, таълим муассаси фаолиятининг барча йўналшларини ўзини-ўзи баҳолаш асосида доимий такомиллаштиришдан иборат жараён сифатида изоҳланади[81].

Мазкур маълумотларни эътиборга олган ҳолда таъкидлашимиз мумкинки, таълим сифати бу таълим натижаларининг шахс, жамият ва давлат эҳтиёжларига мувофиқлиги саналиб, таълимдаги сифат менежменти тизими - олий таълим муассасаларининг етакчилиги ва сифатини бошқариш соҳасидаги сиёsat ва мақсадларини ривожлантиришнинг бирбирига боғлиқ ва ўзаро таъсирловчи элементлари мажмуи бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги замонавий шароитда университетлар рақобати кучайиб бормоқда. Шу сабабли, сифат менежменти тамойилларидан (СМТ) фойдаланадиган олий таълим муассасалари рақобатчиларига нисбатан муҳим устунликка эга бўладилар, чунки бутун тизим хизмат истеъмолчиси ва истеъмолчи томонидан баҳолangan асосий омилларга қаратилади:

- жамиятнинг эҳтиёжларини тушуниш;
- профессор-ўқитувчиларнинг юқори малакаси;
- илмий бошқарув;
- университетнинг обрўси;

- рақобатбардошлиги;
- университетнинг техник жиҳозлари (бинолар, жиҳозлар ва бошқалар).

СМТ, ҳар қандай тизим каби, унинг мақсади, тузилиши, элементларнинг таркиби ва улар ўртасидаги муносабатлар билан тавсифланади.

Олий таълим тизимида СМТ нинг мақсади шундаки, тақдим этилган хизматларнинг сифатини таъминлаш ва ушбу сифатни истеъмолчилар талаблари ва умидларига қаратишга мўлжалланган. Шу билан бирга, СМТ асосий вазифаси "чиқишида" натижани назорат қилиш эмас, балки таълим хизматларининг сифатини пасайишига олиб келадиган хатоликларнинг олдини олишга ёрдам берадиган бошқарув моделини яратишидир.

Ривожланган давлатлардаги таълим сифати менежментининг устувор йўналишларидан бири -бу касбий мулоқот муҳитида раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масаласидир. Бу борада АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, Франция каби давлатларнинг ўзига хос таълим моделлари мавжуд.

Жумладан, педагог кадрлар касбий компетентлигин ривожлантиришнинг Америка моделида ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини назорат қилиш ОТМлари, Миллий аккредитация тизими стандартлари (NCATE, TEAC), ОТМларининг техник ва технологик, табиий-илмий, ижтимоий-гуманитар ассоциациялар талаблари асосида амалга оширилади.

Америка қўшма штатлари олий таълим муассасаларида ўқитувчилар касбий-педагогик тайёргарлиги самарадорлигини ошириш ўқитувчиларни тайёрлашга доир фанлараро дастурларни шакллантириш, асистентлик амалиётини ривожлантириш, докторлик дастурлар ва даражаларни диверсификация қилиш, “Олий таълим” қўшимча малакасини бериш тажрибасини кенгайтириш, ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи сертификатни олиш каби йўналишларда амалга оширилади.

Бунда олий таълим ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг асосий шакллари – бу шахсга йўналтирилган усуллардир, яъни ёш ўқитувчилар учун доимий конференциялар ўтказиш, педагогик устахоналар ташкил этиш, устоз-шогирд институтлари, касбий досъелар тузиш, индивидуал педагогик лойиҳалар билан ишлаш, педагогика ва психология бўйича индивидуал маслаҳатлар бериш ва бошқалар.

Малака ошириш шакллари: кундузги, кечки, сиртқи, шанба, якшанба курслари, 1-2 ҳафтадан 3 ойгача давом этадиган курслардан иборат бўлиб, ўқитувчларнинг касбий-педагогик тайёргарлиги постградуал, асистентлик ва диссертациядан сўнгги босқичларда ўтказилади.

Америка Кўшма Штатлари олий таълим муассасаларида семестрлардан олдин ўқитувчилар учун қисқа муддатли (1-2 ҳафталик) курслар ташкил этилади. Уларнинг асосий ғояси ўзлаштирилган материалларни тезкорлик билан амалиётда қўллай олиш кўнижмасини текшириб олишдан иборат. Шунингдек, ёш ўқитувчилар учун «Катталарни қандай ўқитиш керак», «Самарали ўқитиш методларидан фойдаланиш», «Маъruzалар ўқиши», «Курсни режалаштириш ва дарс жадвалини тайёрлаш», «Турлича шаклларда мунозаралар ўтказиш», «Конфликтсиз ўқитиш», «Талабаларнинг муаммолари», «Маъмурият билан низоларни бартараф этиш», «Катталарни ўқитиш тизимида ёш ўқитувчи», «Муаммоли ўқитиш методлари» ва бошқа йўналишларда индивидуал маслаҳатлар бериш, тренинглар ва амалий машғулотлар йўлга қўйилади.

Америка Кўшма Штатларида олий таълим муассасасида ўқитувчи бўлиш учун сертификат (лицензия)талаф этилади. Яъни бунда мутахассис коллеж ёки университетни битириб, 3 ойдан кам бўлмаган педагогик амалиётни ўташи талаф этилади. Тажрибали ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида бўлажак ўқитувчи режалар тузади ва дарслар ўтказади. Агар ўқитувчи сифатида амалиёт синовлари охирида ижобий натижаларни қайд этса, унга сертификат(лицензия) берилади ва у ҳар беш йилда янгиланади.

Олий таълим муассасининг ўқитувчиси ўзининг сертификат (лицензия)ни сақлаш учун беш йил ичида 180 та миқдорда кредит йифиши талаб этилади. Кредит баллари ҳар хил турдаги ишларга, шунингдек, малака оширишга, яъни турли мавзулардаги мастер-классларда иштирок этиш учун берилади.

Кадрлар касбий компетентлигини ривожланиш механизмларидаги ўзига хослик бу педагог кадри иш вақтининг 30% ни касбий компетентлигини ривожлантиришга, мутахассислиги билан боғлиқ инновациялар ва меҳнат бозоридаги долзарб йўналишларни ўрганишга қаратилиши; малака ошириш курсларидан ўтиши ихтиёрий характер касб этиши; ўз ихтиёри билан мустақил равишда малака ошириш курсларидан ўтган педагог кадрларнинг ойлик иш ҳақига қўшимча устамалар белгиланиши; малака ошириш курсларини муваффақиятли якунлаган педагогларга касбий лавозимларнинг навбатдаги поғоналарига (1-поғона: instructor, 2-поғона:assistant-professor, 3-поғона:associate-profeccor, 4-поғона:ful profecor) кўтарилиш имкониятининг берилиши, шунингдек, аттестация жараёнларида эътиборга олиниши.

Жанубий Корея олий таълим тизимида раҳбар ва педагог кадрларнинг салоҳияти, уларнинг ўз устида изланиши ҳамда касбий ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб боришига алоҳида эътибор қаратилади ва бу омил олий таълим муассасаларининг рейтингини шакллантиришда алоҳида эътиборга олинади.

Юқорида келтирилган ўзига хос жиҳатлар асосида раҳбар ва педагог концепцияси ишлаб чиқилган. Бунда асосий эътибор қўйидагиларга қаратилган:

- ўз соҳасида ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари борасида кенг билимга эга бўлиш;
- таълим олувчиларнинг индивидуал ўзига хосликлари хусусида билиш;
- доимий равишда ўз-ўзини такомиллаштириб бориши, билимларини тўлдириши, шахсий сифатларини ривожлантириб бориш;

- ўз касбий фаолиятидан қониқиши, бошқарув ва педагогик фаолиятни ташкил этишга доир зарурий билим, кўникма ва компетенцияларга эга бўлиш;

- инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдаги фаоллик, инновацияларга нисбатан очиқлик;

- толерантлик, кенг либерал қараашлар, таълимдаги замонавий-дунёвий тенданцияларни тушуниши, жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш кабилар.

Жанубий Кореяда ҳар бир олий таълим муассаси ўз педагогларининг илмий-педагогик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар базасига эга.

Олий таълим муассасининг ҳар бир педагоги иш тажрибаси, илмий фаолияти, нашр этилган илмий-услубий ишлари, илмий-технологик лойиҳаларидағи иштироки ва бошқалардан келиб чиқсан ҳолда ҳар 3 йилда ички аттестациядан ўтиб, тоифасини ошириш ҳуқуқига эга.

Педаголар таркиби ҳар 7 йилда бир маротаба иш ҳаққи сақланган ҳолда бир йилгача давом этадиган илмий-педагогик таътил олиш ҳуқуқига эга. Мазкур даврда улар Жанубий Корея ёки хорижий давлатларнинг етакчи илмий-амалий марказлари, олий таълим муассасаларида ўз малакасини ошириши, стажировкадан ўтиши мумкин бўлади.

Жанубий Кореядаги замонавий таълимни ривожланишининг беш жиҳатини қуйидагича изоҳлайдилар: таълимда касбий маҳорат даражасини ошириш, ҳар томонлама таълим олиш, узлуксиз таълим, таълимдаги инновациялар ва глобализация.

Жанубий Корея таълимидағи асосий йўналишлардан бири - бу педагогларнинг касбий компетентлигини ошириш ва улар учун амалий фаолиятда касбий ривожланишни ташкил этишдан иборат. Бунда педагогик-психологик билимлар, инновацион билимлар ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари ва фан бўйича билимлари мухим йўналишлардан бири саналади. Кореяда раҳбар ва педагогнинг компетентлиги шахсий ва касбий компетентлик билан баҳоланади, бунда касбий компетентлик бу замонавий

тенденциялар асосида белгиланса, яъни педагогик рефлексия, фаол жамоатчилик позицияси, баҳолаш ва бошқалар, шахсий сифатлари анъанавий ёндашувлар асосида белгиланади, яъни ахлоқийлик, инсонпарварлик, энтузиазм, бағрикенглик ва бошқ.

Жанубий Корея таълим тизими яна муҳим бир бутунжаҳон тамойили, яъни таълим ва фан интеграциясини амалга оширади. Дунё амалиётида ўқув муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига оловчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб боришлоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қиласиди ва мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради. Педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда ҳам стажировка асосий шакллардан бири сифатида эътироф этилади.

Жанубий Кореяда профессор-ўқитувчиларнинг компетентлигини баҳолаш талабалар ўртасида сўровлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Буни аниқлаш учун фан тугаганидан сўнг, лекин ўқитувчи талабаларга баҳо қўймаган вазиятда талабалар ўртасида 5 балли тизим асосида профессор-ўқитувчилар баҳоланади. Бу баҳолаш тизими талабалар баҳоланмасдан олдин олиб борилишига сабаб-талаба ўқитувчига нохолис баҳо қўйишининг олдини олиш ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичга асосан жуда кўп паст балл олган профессор-ўқитувчи соати қисқартирилади ёки шартномаси бекор қилинади. Асосий олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчилар билан шартнома бир йил муддатга тузилади.

Ҳар бир ўқитувчи битта семестрда камида битта, катта нуфузли университетлар ўқитувчилари камида 2-3 тадан соҳасига оид мамлакат миқёсидаги журналларда мақола билан иштирок этиши зарур. Соҳасига оид мақолалар билан жаҳонда эътироф этилган журналларда камида 2 йилда битта мақола чоп эттириши талаб этилади. Бу ҳам ўқитувчининг олий таълим муассасаси раҳбарияти ва касбдошлари орасида рейтинги ҳамда обўсининг ошишига асос бўлади. Жаҳон эътироф этган журналлардаги

иштироки унинг ўз соҳасидаги мавқеини белгилаб беради. Корея олий ўқув юртида ишлаши учун камида докторантурани битирган бўлиши талаб этилади.

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос ёндошувлари билан ажралиб турувчи Буюк Британия модели муниципиал характерга эга бўлиб, бунда ҳар бир олий таълим муассаси ўз педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқади. Шу боис ҳам Буюк Британияда дунёда рейтинги ва талаб даражаси юқори бўлган мутахассисликлар ва йўналишлар учун дастурлар яратиш ва курслар фаолияти яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ўқитиши жараёни педагог ва мутахассисларнинг компетентлик даражасини оширишда креативлик, ижодий ва коммуникатив, атрофда содир бўлаётган ҳодисаларга тезкорлик билан киришишга қаратилган юмшоқ компетенцияларни (soft skills) ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки бундай компетенциялар иш берувчилар томонидан юқори баҳоланади.

Олий таълим секторидаги айрим ўқитиши дастурларини аккредитация ва молиялаштириш Буюк Британиянинг олий таълим Академияси, таълим ва персонални ривожлантириш Ассоциацияси томонидан миллий таълим тизимида инновацион жараёнларни ўрганадиган етакчи Фонд кўмагида амалга оширилади. Шунингдек улар замонавий илмий кашфиётлар ва инновацион педагогик технологияларга асосланган олий таълим муассасалари ва касбий ассоциацияларнинг фаол иштирокида олий мактабнинг илмий-педагог кадрлар касбий тайёргарлигини доимий равища тақомиллаштириб бориш дастурларини яратишади. Буюк Британияда нафақат гуруҳли дарслар, балки индивидуал машғулотлар ҳам олиб борилади. Үнда кўпгина саволларга жавоб олиш ва маслаҳатлар олиш имкониятига эга. Бундай курсларда бошқарувга оид янги дастурлар, инновацион ёндашувлар, юзага келган ва ечимини кутаётган муаммолар юзасидан фикр алмашишади. Семинарда иштирок этиш учун турли хил идоралар,

саноат корпорациялари ва фирмалари вакиллари, иш берувчилар таклиф этилади. Үлар ихтисослаштирилган дастурларни яратиш бўйича керакли таклифларни беришади.

Бундай фаолият олий таълим муассасалари ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан ҳисобланиб, педагогик кадрларни ўқитиши, уларнинг иккинчи маълумот олишлари, ҳамкасларининг тажрибасини ўрганиши ва амалиётда қўллай олиш каби ишларни ҳам ўз ичига олади. ОТМлари персоналиининг малакасини ошириш раҳбар ва педагог ходимлардан ўзлари мустақил равишда қўйилган вазифалар ечимини топишлари ҳамда ўзларининг касбий фаолиятларида замонавий технологиялардан самарали фойдалана олишларини назарда тутади.

Буюк Британияда илмий тадқиқотлар ва илмий-педагогик кадрлар тайёргарлигининг юксак даражада эканлиги аксарият ҳолларда ёш тадқиқотчиларнинг мукаммал тайёргарлик ва юқори касбий компетенцияга эга бўлган илмий ходимлардан таҳсил олишлари билан изоҳланади.

Кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг кундузги ва сиртқи курслар; илмий марказлар ва консультатив фирмалар ҳузуридаги якшанбалик ўқишлар, теренинглар; амалий ёки назарий йўналтирилган ёзги мактаблар, фасилитация; масофавий ёки анъанавий индивидуал дастурлар; семинар-тренинглар, групий ва индивидуал мастер-класслар; вебинарлар, тьюторлик дастурлари; Буюк Британия ва Америка Кўшма Штатлари, Канада, Германия ва шу каби давлатларнинг етакчи таълим-илмий муассасаларидағи стажировкалар каби механизмлари мавжуд. Мазкур йўналишлар асосида ўзининг касбий компетентлигини тизимли ва муваффақиятли ошириб борувчи профессор-ўқитувчиларга касбий лавозим даражасининг ортиши, профессор (Professor); профессор ёрдамчиси (Assistant Professor); бош маъruzachi (Senior-Lecturer); тьютор (Tutor); маъruzachi (Lecturer), иш ҳаққига қўшимчаларнинг белгиланиши,

педагогларни аттестациядан ўтказиш жараёнларида эътиборга олиниши билан боғлиқ переференциялар мавжуд.

Германияда малака ошириш раҳбар ва педагоглар учун давлат хизматчиси сифатида бажарилиши шарт бўлган бурч ҳисобланади. Хусусан, педагоглар ўзларининг касбий маҳоратларини ривожлантириш учун етарли даражадаги вақтга эгадирлар. Мазкур мамлекатда кадрлар компетентлигини ривожлантиришнинг 3-4 ҳафтадан бир йилгача давом этадиган кундузги, масофавий, сиртқи малака ошириш курслари; интенсив курслар; ёш ўқитувчилар учун конференциялар, семинарлар; педагогика, психология ва бошқа йўналишлардаги индивидуал маслаҳатлар; модерация; супервезия; маҳорат-дарслари; тутория; семинар, семинар-сұхбатлар; тренинг ва амалий машғулотлар; етакчи олий таълим муассасалари ҳамда йирик корпорациялардаги стажировкалар каби механизмлари амал қиласди.

Олинган сертификатлар олий таълим муассасасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Германияда менежерларнинг касбий компетентлигини шакллантириш модели билим ва компетентлик ўртасидаги муносабатларга курилган

Ф. Вайнерт назариясига асосланган бўлиб, у ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади:

1. Тизимли бошқарув: келажакни кўра билиш, мақсадларга қараб бошқариш, етакчилик, жамоани шакллантириш.

2. Муаммоларни ҳал қилиш: аҳборотни таҳлил қилиш, муқобил вариантларни шакллантириш, концептуал эгилувчанлик, қарор қабул қилиш.

3. Шахслараро муносабатлар: тинглаш, муносабатни тушуниш, қўл остидагиларга касбий юксалишида кўмаклашиш.

4. Тезкор самарадорлик: ташаббускорлик, тезкор назорат, ваколатларни тақсимлаш, дикқат-эътиборни жамлаш.

5. Инсонларга таъсир қилиш: тақдимотлар, ўзига ишонч, тушунтириш ва ишонтириш, харакатлар режасини тузиш.

6. Шахсий сифатлар: чаққонлик, стрессларга қаршилик күрсатиш, сифатли ишглаш қобилияти.

7. Мұхитни ҳисобға олиб бошқариш: ташқи мұхитни англаш, сиёсий омилларни тушуниш, касб одобига риоя қилиш, үз ролини англаш.

Бунда раҳбар кадрлар учун қисқа муддатлы семинарлар ташкил этилиб, асосий әътибор корпоратив бошқарув маданияти, медиакомпетентлик, инновацион сифат менежменти ва маркетингга қаратиласы.

Хитойда ҳам касбий компетентликни ривожлантиришнинг янги шакли бўлган «меню» (ёки «швед столи») кенг тарқалган. Бунда ўқитувчи учун энг мұхим ва қизиқарли бўлган хилма-хил мавзулар блокидан фойдаланиш имконияти берилади. Тақдим этиладиган мавзулар кенг қамровли бўлганлиги сабабли педагогларда танлаш имконияти жуда катта бўлади ва бу усул барча ўқитувчилар учун қизиқиши, эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Бунинг натижасида уларнинг касбий компетенциялари кенгайиши ҳамда касбий-назарий даражаларининг ошишига ижобий таъсир этади. Шунингдек, масофавий таълим, видео-маърузалар, дискуссия, диспутлар, Off-Line консультация, «Chat-On-Line», телеконференция, интернет-конференция, вебинарлар, тренинглар, электрон портфолио тақдимотлари, мультимедия тақдимотлари конкурси, Йил ўқитувчиси кастинги; етакчи олий таълим муассасалари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-амалий марказлардаги (Huawei Technologies Co. Ltd, China Minmetals Corporation) стажировкалар ҳам малака ошириш ва касбий ривожланиш механизmlарини ташкил этади. Мамлакатда Таълим вазирлиги раҳбарлигига хизмат қилувчи Миллий Интернет-альянси - [www.jswl.cn](http://www.jswl.cn) ташкил этилган. Үнинг вазифаси «иқтисодий жиҳатдан фойдали кенг қамровли ва самарали узлуксиз педагогик таълимни амалга ошириш масадида сифатли таълим ресурсларидан

фойдаланиш учун спутникли телевидение, Интернет тармоғи ва педагогик таълимни интеграция қилишдан иборат.

Бундан ташқари мустақил малака оширишнинг турли шаклларида фаол иштирок этиш (илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш, семинарлар, халқаро илмий-тадқиқот лойиҳалари, тадқиқотчилик фаоллиги ва бошқ.) натижаларини ҳисобга олиш ва баҳолаш тизими ҳам кенг йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, касбий компетентликни ривожлантириш жараёнлари турли даражадаги раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий эҳтиёжларига нисбатан амалий йўналтирилган бўлиб, конференция ва вебинарларда иштирок этиш, илмий-тадқиқот ишларни ўтказиш, стажировка, Mentoringда фаолият кўрсатиш (устоз-шогирд тизими), масофавий таълим (on-line), мустақил таълим, peersup-portда ўқитиш (командада ўқитиш), интенсив курсларда ўқитиш, мастер-классларда иштирок этиш каби иш шаклларини касбий компетентликни узлуксиз ривожлантириб боришининг самарали механизмлари сифатида эътироф этилганлиги ҳамда узлуксиз таълим натижаларини ҳисобга олиш ва баҳолаш тизими ҳам кенг йўлга қўйилган.

### **ІІІ БОБ. МУТАХАССИС КАДРЛАРНИНГ БОШҚАРУВЧАНЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ**

#### **3.1-§. Бўлажак раҳбар ходимларда шаклланадиган коммуникатив мулоқот компетентлигини ривожланиш концепцияси**

Таълим муассасалари раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантиришда уларнинг касбий тайёргарлигини юксак даражада бўлиши, уларда педагогик маҳоратнинг шаклланганлиги, замонавий педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларини қўллаш қўнишка ва малакасини пухта ўзлаштириш, касбий фаолиятга акмеологик, креатив ёндашув мотивациясини қарор топтириш талаб этилади. Мазкур вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлашда таълим муассасалари раҳбарларини инновацион механизмларини ишлаб чиқиш зарурый аспектлардан саналади.

Хозирги замонавий шароитда таълим муассасалар ўртасида рақобат қучайиб бормоқда. Шу сабабли, сифат менежменти тамойилларидан фойдаланадиган таълим муассасалари рақобатчиларига нисбатан муҳим устунликка эга бўладилар, чунки бутун тизим хизмат истеъмолчиси ва истеъмолчи томонидан баҳоланган асосий омилларга қаратилади:

- жамиятнинг эҳтиёжларини тушуниш;
- профессор-ўқитувчиларнинг юқори малақаси;
- илмий бошқарув;
- муассасанинг обрўси;
- рақобатбардошлиги;
- муассасанинг техник жиҳозлари (бинолар, жиҳозлар ва бошқалар).

Ривожланган давлатлардаги таълим сифати менежментининг устувор йўналишларидан бири - бу касбий мулоқот муҳитида раҳбарларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш

масаласидир. Бу борада АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, Франция каби давлатларнинг ўзига хос таълим моделлари мавжуд.

Раҳбарлар ижодий компетентлигини ривожланиш механизмларидағи ўзига хослик бу мутахассислиги билан боғлиқ инновациялар ва меҳнат бозоридаги долзарб йўналишларни ўрганишга қаратилиши; малака ошириш курсларидан ўтиши ихтиёрий характер касб этиши; ўз ихтиёри билан мустақил равиша малака ошириш курсларидан ўтган раҳбарларнинг ойлик иш ҳақига қўшимча устамалар белгиланиши; малака ошириш курсларини муваффақиятли якунлаган раҳбарларга касбий лавозимларнинг навбатдаги поғоналарига кўтарилиш имкониятининг берилиши, шунингдек, аттестация жараёнларида эътиборга олиниши.

Жанубий Корея олий таълим тизимида раҳбарларнинг салоҳияти, уларнинг ўз устида изланиши ҳамда касбий ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб боришига алоҳида эътибор қаратилади ва бу омил таълим муассасаларининг рейтингини шакллантиришда алоҳида эътиборга олинади.

Юқорида келтирилган ўзига хос жиҳатлар асосида раҳбар концепцияси ишлаб чиқилган. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилган:

- ўз соҳасида ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари борасида кенг билимга эга бўлиш;
- доимий равиша ўз-ўзини такомиллаштириб бориши, билимларини тўлдириши, шахсий сифатларини ривожлантириб бориш;
- ўз касбий фаолиятидан қониқиши, бошқарув ва педагогик фаолиятни ташкил этишга доир зарурый билим, кўникма ва компетенцияларга эга бўлиш;
- инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдаги фаоллик, инновацияларга нисбатан очиқлик;
- толерантлик, кенг либерал қарашлар, таълимдаги замонавий-дунёвий тенденцияларни тушуниши, жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш кабилар.

Жанубий Кореяда ҳар бир таълим муассасаси ўз ходимларининг илмий-педагогик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар базасига эга.

Жанубий Кореядаги бошқарув фаолиятида соғлом муҳитни яратиш орқали ижодий компетенцияни ривожланишининг беш жиҳатини қўйидагича изоҳлайдилар: таълимда касбий маҳорат даражасини ошириш, ҳар томонлама таълим олиш, узлуксиз таълим, таълимдаги инновациялар ва глобализация.

Жанубий Корея таълимидаги асосий йўналишлардан бири - бу раҳбарларнинг ижодий компетентлигини ошириш ва улар учун амалий фаолиятда касбий ривожланишни ташкил этишдан иборат. Бунда педагогик-психологик билимлар, инновацион билимлар ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари ва фан бўйича билимлари муҳим йўналишлардан бири саналади. Кореяда раҳбарнинг ижодий компетентлиги шахсий ва касбий компетентлик билан баҳоланади, бунда касбий компетентлик бу замонавий тенденциялар асосида белгиланса, яъни педагогик рефлексия, фаол жамоатчилик позицияси, баҳолаш ва бошқалар, шахсий сифатлари анъанавий ёндашувлар асосида белгиланади, яъни ахлоқийлик, инсонпарварлик, энтузиазм, бағрикенглик ва бошқ.

Таълим муассасалари раҳбарлари ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос ёндошувлари билан ажралиб турувчи Буюк Британия модели муниципиал характерга эга бўлиб, бунда ҳар бир таълим муассасаси раҳбарларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқади. Шу боис ҳам Буюк Британияда дунёда рейтинги ва талаб даражаси юқори бўлган мутахассисликлар ва йўналишлар учун дастурлар яратиш ва курслар фаолияти яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ўқитиши жараёни раҳбарларнинг компетентлик даражасини оширишда креативлик, ижодий ва коммуникатив, атрофда содир бўлаётган ҳодисаларга тезкорлик билан киришишга қаратилган юмшоқ компетенцияларни (soft skills) ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Буюк Британияда нафақат гурухли дарслар, балки индивидуал машғулотлар ҳам олиб борилади. Үнда кўпгина саволларга жавоб олиш ва маслаҳатлар олиш имкониятига эга. Бундай курсларда бошқарувга оид янги дастурлар, инновацион ёндашувлар, юзага келган ва ечимини кутаётган муаммолар юзасидан фикр алмашишади. Семинарда иштирок этиш учун турли хил идоралар, саноат корпорациялари ва фирмалари вакиллари, иш берувчилар таклиф этилади. Үлар ихтисослаштирилган дастурларни яратиш бўйича керакли таклифларни беришади.

Бундай фаолият таълим муассасалари ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан ҳисобланиб, раҳбарларни ўқитиш, ҳамкасбларининг тажрибасини ўрганиш ва амалиётда қўллай олиш каби ишларни ҳам ўз ичига олади. Раҳбарлардан ўзлари мустақил равища қўйилган вазифалар ечимини топишлари ҳамда ўзларининг касбий фаолиятларида замонавий технологиялардан самарали фойдалана олишларини назарда тутади.

Германияда малака ошириш раҳбарлар учун давлат хизматчиси сифатида бажарилиши шарт бўлган бурч ҳисобланади. Хусусан, мазкур мамлакатда раҳбарлар компетентлигини ривожлантиришнинг 3-4 ҳафтадан бир йилгача давом этадиган кундузги, масофавий, сиртқи малака ошириш курслари; интенсив курслар; ёш раҳбарлар учун конференциялар, семинарлар; педагогика, психология ва бошқа йўналишлардаги индивидуал маслаҳатлар; модерация; супервезия; маҳорат-дарслари; семинар, семинар-сухбатлар; тренинг ва амалий машғулотлар; етакчи таълим муассасалари ҳамда йирик корпорациялардаги стажировкалар каби механизмлари амал қиласи.

Германияда менежерларнинг ижодий компетентлигини шакллантириш модели билим ва компетентлик ўртасидаги муносабатларга курилган

Ф. Вайнерт назариясига асосланган бўлиб, у ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади:

-тизимли бошқарув: келажакни қўра билиш, мақсадларга қараб бошқариш, етакчилик, жамоани шакллантириш;

- муаммоларни ҳал қилиш: аҳборотни таҳлил қилиш, муқобил вариантиларни шакллантириш, концептуал эгилувчанлик, қарор қабул қилиш;

- шахсларо муносабатлар: тинглаш, муносабатни тушуниш, кўл остидагиларга касбий юксалишида кўмаклашиш.

- тезкор самарадорлик: ташаббускорлик, тезкор назорат, ваколатларни тақсимлаш, диққат-эътиборни жамлаш.

- инсонларга таъсир қилиш: тақдимотлар, ўзига ишонч, тушунтириш ва ишонтириш, харакатлар режасини тузиш.

- шахсий сифатлар: чаққонлик, стрессларга қаршилик кўрсатиш, сифатли ишлаш қобилияти.

- муҳитни ҳисобга олиб бошқариш: ташқи муҳитни англаш, сиёсий омилларни тушуниш, касб одобига риоя қилиш, ўз ролини англаш.

Бунда раҳбарлар учун қисқа муддатли семинарлар ташкил этилиб, асосий эътибор корпоратив бошқарув маданияти, медиакомпетентлик, инновацион сифат менежменти ва маркетингга қаратилади.

### 3.1.1-жадвал.

#### **Бошқарув компетентликни ривожлантириш механизmlарининг хорижий тажрибалар асосидаги қиёсий таҳлили**

№	Бошқарув компетентликни ривожлантириш кўрсактчилари	Хорижий тажрибалар	Ўзбекистон	Таклиф ва тавсиялар
1.	<b>Мазмун</b>	Раҳбарларнинг асосий касбий вазифалари ва фаолият талабларига, меҳнат бозорининг талаб ва тақлифларига	норматив-хуқуқий, ташкилий-бошқарув, педагогик-психологик, методик жиҳатларга	раҳбарларнинг касбий тайёргарлигига қўйиладиган замонавий талаб ва эҳтиёжларга йўналтириш

2.	<b>Шакл</b>	масофавий курслар, индивидуал касбий эҳтиёжларга йўналтирилган қисқа муддатли курслар, тьюторлик, маҳорат дарслари, стажировка, онлайн курслар	билвосита (ишдан ажралган ҳолда, таълим дастурлари асосида ўқиш); бевосита (ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш)	мустақил малака ошириш шакллари табақалаштирилган тизимни ишлаб чиқиш
3.	<b>Методлари</b>	интерактив, кейс стади, лойиҳавий таълим;	интерактив	ахборот-коммуникация технологиялари, инновацион-интерактив технологиилар кенг татбиқ этиш
4.	<b>Ташкилий-бошқарув механизмлари</b>	таълим вазирликлари, норматив-хуқуқий хужжатлар, малака ошириш институтлари, илмий тадқиқот институтлари	Кадрлар тайёрлаш миллий Даствури ва Таълим тўғрисида Қонун, ОЎМТВ, Бош илмий-методик марказ, мінтақавий ва тармоқ марказлари, таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	Сифат назоратини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш

Шу билан бирга, ижодий компетентликни ривожлантириш жараёнлари турли даражадаги раҳбарларнинг касбий эҳтиёжларига нисбатан амалий йўналтирилган бўлиб, конференция ва вебинарларда иштирок этиш, илмий-тадқиқот ишларни ўтказиш,

стажировка, Mentoringда фаолият кўрсатиш (устоз-шогирд тизими), масофавий таълим (on-line), мустақил таълим, peersup-portда ўқитиши (командада ўқитиши), интенсив курсларда ўқитиши, мастер-классларда иштирок этиши каби иш шакларини касбий компетентликни узлуксиз ривожлантириб боришининг самарали механизмлари сифатида эътироф этилганлиги ҳамда узлуксиз таълим натижаларини ҳисобга олиш ва баҳолаш тизими ҳам кенг йўлга қўйилган.

Илмий-педагогик таҳлиллар асосида ривожланган хорижий давлатларнинг раҳбарлар ижодий компетентлигини ривожлантириш ва бошқариш борасидаги бошқарув стратегиялари типологияси ишлаб чиқилди (3.1.2-жадвал).

### **3.1.2-жадвал**

#### **Мутахассис кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш**

<b>№</b>	<b>Интеграция индекси</b>	<b>Стратегик йўналғанлиги</b>
1.	Ташкилий-бошқарув модели бўйича	<ol style="list-style-type: none"> <li>Узлуксиз касбий ривожланишга йўналтирилган англо-америка модели</li> <li>Компетенциялар ва эҳтиёжларга йўналтирилган Европа модели</li> <li>Шахсга йўналтирилган Осиё модели</li> <li>Инновацион фаолиятга йўналтирилган бошқарув модели</li> </ol>
2.	Назорат ва бошқарув тузилмасига кўра	<ol style="list-style-type: none"> <li>Давлат органлари ва ташкилотларнинг назорат-инспекция тизими</li> <li>Мустақил сифат назорати</li> <li>Жамоатчилик назорати ва бошқаруви (иш берувчилар, ота-оналар, талабалар ва б.)</li> <li>Ассесмент марказлари.</li> </ol>
3.	Ривожланиш ва бошқарув даражалари бўйича	<ol style="list-style-type: none"> <li>Макродаражা - “Давлат-иш берувчилар-ТМ”нинг ижтимоий ҳамкорлиги,</li> <li>Мезодаража – кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш</li> <li>Микродаража – ТМнинг кадрларни ривожлантириш стратегияси</li> </ol>
4.	Бошқарувни амалга ошириш шакллари бўйича	<ol style="list-style-type: none"> <li>Ички аудит ва мониторинг фаолиятига йўналтирилган бошқарув</li> <li>Тармоқ аудитига йўналтирилган бошқарув</li> </ol>

		3. Тижорат фаолиятига йўналтирилган бошқарув 4. Халқаро индекс ва глобаллашуvgа йўналтирилган бошқарув
5.	Манфаатларнинг йўналганилиги бўйича	1. Кадрлар салоҳиятини ривожлантириш бўйича 2.ОТМнинг миллий ва халқаро имиджи ва рейтингини ривожлантириш бўйича 3.Молиявий мустақиллик ва барқарорликка эришиш мақсадида

Диссертация тадқиқотнинг эмпирик ўрганишлари натижасида шундай хуносага келдикки, ижодий компетентликни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда узлуксиз инновацион-касбий ривожланишга йўналтирилган англо-америка модели; компетенциялар ва эҳтиёжларга йўналтирилган Европа модели; шахсга йўналтирилган Осиё модели, компетенциялар сифатини назорат қилиш ва бошқаришнинг давлат органлари ва ташкилотларининг назорат - инспекция тизими; мустақил сифат назорати, Сифат Агентлиги (QS); жамоатчилик назорати ва бошқаруви (иш берувчилар, ота-оналар, талабалар ва б.) ҳамда бошқа ташкилий тузилмалари («assessment centre»)ни миллий контексдаги интеграциялашуvinи таъминлаш муҳим омиллардан саналади.

Бу эса ўз навбатида сифат менежменти тамойилларини татбиқ этиш асосида таълим муассасасида раҳбарлар жамоада соғлом муҳитни яратиш орқали ижодий компетентлигини ривожлантириш стратегияларини белгилашда методологик аҳамиятга эга бўлган қўйидаги устувор вазифаларни белгилайди:

- касбий компетентликни ривожлантириш жараёнида ижтимоий ҳамкорликка асосланган экотизимни жорий этиш;
- раҳбарлар ижодий компетентлигининг ривожланиш даражасини диагностика қилиш;
- ижодий компетенцияларни ривожлантиришнинг янги-корпоратив моделларини ишлаб чиқиш;
- ижодий компетенцияларни ривожлантириш жараёнини ташкилий-бошқарув маданияти призмаси асосида лойиҳалаштириш, ривожлантириш;

- узлуксиз таълим натижалари самарадорлигини аниқлаш ва такомиллаштириш стратегияларини белгилашга йўналтирилган мониторинг тизимини ишлаб чиқиш;
- муассаса жозибадорлиги (имидж)ни ошириш, корпоратив бошқарув маданиятини ривожлантириш.

Мазкур вазифаларнинг ижроси таълим тизимини асосий йўналишларини ва истиқболини белгилаб берувчи таълим сифат менежменти таъминлашда, белгиланган тартибда меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва аниқ, мажмуавий ҳамда келишилган стратегияни шакллантиришда, шу билан бирга кадрлар менежментида мақсадли ишларни амалга ошириш имконини бериб, бу жараёнда раҳбарлар касбий салоҳияти ва ижодий компетентлик даражаси муҳим элементлардан саналиб, у таълим сифати ва ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласи. Шу боис, бугунги кунда жаҳон цивилизациясидаги ассимиляция жараёнларида билимларни тайёр ҳолда узатишдан уни ўзлаштиришга нисбатан ички ҳоҳишни шакллантиришнинг самарали технологиясини яратишга асосланган компетентли ёндошув (competence based education)ни асосида таълим муассасалари раҳбарларининг ижодий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш масаласи нафақат ижтимоий балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишлардан бири ҳисобланмоқда.

Амалга оширилган илмий-педагогик таҳлил ва эмпирик тадқиқот натижасида раҳбарларнинг ижодий компетентликни ривожлантиришнинг қуидаги педагогик шарт-шароитлари аниқланди: а) ижодий компетентликни ривожлантириш жараёнини ташкилий-бошқарув маданияти призмаси асосида лойиҳалаштириш; б) раҳбарлар касбий фаолияти натижалари самарадорлигини аниқлаш ва такомиллаштириш стратегияларини белгилашга йўналтирилган диагностик тизимини такомиллаштириш; в) ижодий компетентликнинг мавжуд ривожланиш даражасини малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш ҳамда натижалар интерпретацияси асосида индивидуал касбий эҳтиёжларни аниқлаштириш; г) функционал, тизимли-тузилмавий ёндашувлар ва

илфор хорижий тажрибаларнинг ўзаро интеграциясига асосланган таълим мазмунини такомиллаштириш; д) таълим хизматларини диверсификациялаш ҳамда соҳага йўналтирилган инновациялар трансферини рағбатлантириш; е) мотивацион ва коррекцион ёндашувлар асосида ижодий компетентликни ривожлантиришга хизмат қилувчи дастурлар ва ресурслар сифатини ошириш, уларнинг мослашувчанлигига алоҳида эътибор қаратиш.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда таълимни модернизациялаш шароитида раҳбарлар ижодий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш мазмуни ва унинг педагогик шарт-шароитларини қуидагича белгиланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- *ташкилий (organizational) шароит*: ижодий компетентликни ривожлантиришнинг билвосита ва бевосита шаклларини амалиётга тўлиқ киритиш ва уларнинг натижаларини тан олинишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Хусусан, раҳбарларнинг ижодий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи бевосита шакллар билан бирга билвосита таълим шакллари асосидаги мустақил ўз-ўзини касбий ривожлантириш натижаларининг баҳоланишига алоҳида эътибор қаратиш.

- *мазмунли (meaningful) шароит*: бугунги глобаллашув ва ахборотлашган муҳитда раҳбарларни ўз устида ишлаши ва мустақил касбий ўз-ўзини ривожлантириб бориши, соҳадаги сўнгги янгиликларни, инновацион ўқитиш технологияларини касбий фаолиятига татбиқ этиши, уларнинг касбий маҳорат даражасини узлуксиз ошириб бориш масаласи билан белгиланади. Бу жараёнда раҳбарлардаги замонавий касбий қўникма ва компetenцияларни ривожлантириш, улардаги ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари билан ишлаш, амалиётга татбиқ этиш, илмий-тадқиқотчилик, педагогик креативлик қўникмаларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи, уларнинг эҳтиёжларига мослашувчан, ижодий йўналтирилган таълим дастурлари, ўқув модулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ва малака

ошириш таълим мазмунини модернизациялашда муҳим аҳамият касб этади.

- *технологик (technological) шароит*: раҳбарлар ижодий компетентлигини ривожлантиришда ҳамкорликдаги муносабатларга имконият яратувчи ўқитишининг инновацион шакл, метод ва воситаларини амалиётга кенг татбиқ этиш, ходимларнинг касбий маҳорат даражасини ошириш ва амалиётга татбиқ этиш учун технологик шароит асос қилиб олинди.

- *рефлексив (reflexive) шароит*: яратилган дидактик шарт-шароитларнинг натижавий-маҳсули сифатида ижодий компетентликнинг сифат даражаси индикаторлари квалиметрияси ва монторингига хизмат қилувчи, шунингдек раҳбарнинг фаолият натижаларидан қониқиши ҳисси ва ўз фаолиятини баҳолай олиши учун зарурый шароитларнинг яратилишига алоҳида эътибор берилди. Рефлексив шароит мазмуни қуидагича белгиланди:

- фаол билиш мотивациясини ривожлантириш;
- касбий фаолиятга нисбатан акмеологик ёндашувни қарор топтириш;
- креатив қўникмаларни шакллантириш;
- педагогик-психологик, методик билимларини такомиллаштириш;
- дидактик материалларни тизимлаштиришга компетенцияларини ривожлантириш;
- ижодий тадқиқотчилик қобилиятини шакллантириш;
- ўзини-ўзи касбий ривожлантириш ва бошқариш.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, таълим муассасалари раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда улардаги замонавий касбий қўникма ва компетенцияларни ривожлантириш, улардаги ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари билан ишлаш, амалиётга татбиқ этиш, илмий-тадқиқотчилик, педагогик креативлик қўникмаларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи, уларнинг эҳтиёжларига мослашувчан, ижодий йўналтирилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш,

малака ошириш таълим мазмунини модернизациялашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса ўз навбатида:

- таълим муассасалари раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш механизмларини уларнинг касбий маҳорат даражасини мунтазам ошириш асосидаги қонунчилик нормалари, илмий ва амалий тадқиқотлар ва соҳага доир инновациялар, шунингдек бошқарув ва педагогик жараённи ташкил этишининг замонавий услублари соҳаларидағи сўнгги ютуқларни чукур ўрганиш асосида такомиллаштириш;

- илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этган ҳолда таълим муассасаларининг раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ахборот-методик таъминоти мазмунини такомиллаштиришни таъминлаш;

интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида таълим муассасалари раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион-интерактив технологиялар, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш;

раҳбарларнинг ижодий компетентлигини баҳолашнинг квалиметрик механизмларини интеграл диагностик технологияларни жорий этиш асосида такомиллаштиришни тақазо этади.

### **3.2-§. Раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида бошқарув компетентлигини ривожлантириш модели**

Моделлаштириш - бу объектларини илмий тадқиқ қилиш усули бўлиб, моделларни концептуал намойиши қилиш, объектлар ёки ҳодисаларнинг мавжуд ҳолатидаги ўзгаришларни қўриш ва ўрганиш. Моделлаштириш усулининг универсаллиги объект, ҳодиса ёки жараённинг ҳар қандай жиҳатини ўрганиш, унинг муҳим хусусиятларини расмийлаштирилган тарзда акс эттириш ва уларни модел кўринишида тақдим этиш имконини беради [137-б]. Педагогик тадқиқотларда ҳодисалар ва жараёнларни моделлаш-

тиришдан фойдаланиш замонавий илмий-педагогик тадқиқотларда бир қанча афзаликларни келтириб чиқарди, ўрганилаётган ҳодисанинг муаллифлик модели, муайян мавзу бўйича, тамойиллар ва унинг фаолиятининг қонуниятларини концептуал тушуниш ва унинг динамикасини башорат қилиш бугунги кунда ижобий натижалар бермоқда. Шундай қилиб, моделни муайян тушунча асосида шаклланган ҳодиса ёки жараённинг умумий тузилмаси сифатида белгилаш мумкин, бу эса ижодий интуиция (сезги) ва тадқиқот ишлари асосида тадқиқот объектининг моҳияти ёки ривожланиш механизмини тавсифлашга имкон беради.

П.И.Образцовнинг фикрича, модель прототип сифатида тасвирланган ҳодиса билан ўхшашликка эга бўлган, унинг хусусиятларини аниқлаш, унинг ўзгаришини тушунтириш ва баҳолаш мақсадларига хизмат қиласидан мустақил объектdir [122-б]. Е.В.Яковлев ва Н.О.Яковleva модел асл объектга мос келадиган мустақил объект сифатида қўйидаги мажбурий шартларга жавоб бериши керакллигини қайд этади:

- модел тизимли бўлиши керак;
- модел аслига ўхшаш бўлиши керак;
- модел муайян жиҳатдан асл нусхани алмаштира олиши керак;
- модел тадқиқот натижасида асл нусха ҳақида янги билимларни шакллантириш имкониятини бериши керак [138-б].

П.И. Образцов нуқтаи назарига кўра, моделни ўзаро боғланган кичик тизимларга ажратиш зарурлигини таъкидлайди, унинг тафсилоти ҳақиқий ҳодисанинг муҳимлиги ва абстракция даражаси билан белгиланади [123-б]. Педагогик назария ва амалиётда моделлаштиришни амалий қўллашнинг икки асосий йўналиши мавжуд: биринчидан, эпестимологик сифатида қабул қилиш ва унинг натижаси педагогик жараён ёки ҳодисани тушунтириш учун мавхум шаклда ифодалаш, иккинчидан, педагогиканинг маълум бир предмет соҳасининг намунавий кўриниши бўлиб, унинг ривожланишига таъсир кўрсатиш йўналишини аниқлашга имкон беради [140-б]. Бу борада моделлаштиришда қўйидаги вазифалар

амалга оширилади [34-35-б]:

- тавсифловчи функция: модель қурилишида абстракция кузатилаётган ҳодиса ва жараёнларни соддалаштирилган тарзда тушунтириш имконини беради ва бу борадаги энг самарали моделлар кейинчалик илмий назарияларнинг таркибий қисмларига айланади;

- башоратли функция: муайян шароитларда ривожланиш ва келажакда ҳодисалар ва жараёнларнинг хусусиятларини ва ҳолатини олдиндан айтиб бера олиш;

- меъёрий функция: маълум мезонлар тизимида ифодаланган предмет нуқтаи назаридан меъёрий бўлган ҳодиса ёки жараённинг жорий ва идеал ҳолатини тавсифлаш [35-б].

Бугунги кунда моделлаштириш усулидан илмий-тадқиқот олиб борища кенг фойдаланилмоқда, жумладан, В.Л.Акапиев, О.С.Бобина И.С.Гаврилова, Д.Д.Голубин ва Н.П.Залкиналарнинг тадқиқот ишлари профессионал таълим муассасалари раҳбар ҳодимларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларига бағишлиланган. Раҳбарларни малакасини ошириш жараёнида уларнинг компетенцияларини ривожлантириш жараёнини моделлаштириш бўйича тадқиқот ишлари Н.В.Коурова И.А.Кримовская, А.С.Родиков, О.В.Сухова ва И.Д.Чечеллар томонидан олиб борилган. Илмий тадқиқот жараёнида моделни шакллантириш таълим жараёнининг мақсадларини белгилаш йўллари ва манбаларини, уларга эришишдан манфаатдор субъектларнинг эҳтиёжлари ва муносабатларини ҳамда олиниши режалаштирилган натижани ҳисобга олишга ёрдам беради.

Замонавий педагогикада моделлаштириш усулининг қўлланилиши, кўп тадқиқотларда унинг ҳақиқийлиги ва самарадорлиги, объектив афзалликлари, таълимнинг мақсадларига, талабларига ва ёндашувларига мувофиқлиги таълим тизими раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш учун фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилаб берди.

Таълим тизими раҳбарларининг ижодий компетентлигини

ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш жараёни босқичли жараён бўлиб, бундай босқичлар қуидагиларни ўз ичига олади:

- моделни ишлаб чиқиш мақсадини аниқлаш;
- ўрганилаётган ижодий компетенцияни ривожлантириш жараёнида ўзаро боғлиқ таркибий қисмлари тизимини ёки максимал тўлиқликка эга бўлган компетенциялар блокини қуриш;
- моделнинг танланган таркибий қисмларида асосий компонентларнинг зарур ва оптимал тўпламини аниқлаш;
- компетентликни ривожлантириш жараёни динамикасини кўриб чиқиш ва кутилаётган натижаларни баҳолаш учун зарур ва етарли баҳолаш мезонларини аниқлаштириш;
- педагогик жараённинг оптимал натижасини таъминлаш учун педагогик назорат ва коррекция босқичларини аниқлаш 92-б.


Асосий хусусиятларига кўра педагогик моделлар қуидаги турлардан бирига тегишли бўлиши мумкин:

- мазмунли педагогик модел: педагогик тадқиқот обьектининг бевосита мазмунини унинг ўзига хос сифатлари, хусусиятлари, белгилари ва таркиби мажмуи сифатида моделлаштиришни ўз ичига олади;
- тизимли педагогик модел: шакллантирувчи таркибий қисмлар муносабатларида ягона яхлитлик деб ҳисобланган педагогик тадқиқот обьекти тизимини моделлаштиришни ўз ичига олади;
- функционал педагогик модел: педагогик тадқиқот обьектини моделлаштириш, унинг аниқ педагогик аҳамиятли функцияларни амалга оширишга йўналтирилганлигини ҳисобга олиш.

Тадқиқотимизда ишлаб чиқилган педагогик модел тизимли-функционал турга эга ва уни лойиҳалаш тадқиқот бошида илгари сурилган гипотеза асосида амалга оширилди.

Таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув фаолиятида соғлом муҳитни яратиш орқали ижодий компетентликни аниқлаш, шунингдек, ушбу турдаги компетентликни мақсадли психологик-педагогик жараён сифатида ишлаб чиқиш, қўшимча таълим дастурларини амалга оширишда ўз педагогик амалиётимизни

тахлил қилиш бизга таълим муассасалари раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантиришни амалга ошириш моделинин ишлаб чиқиш имконини беради.



**3-расм. Мутахассис кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш модели.**

Тадқиқот доирасида мутахассис кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришда таълим талаблари асосида

ўқитишининг инновацион шакларини белгилаш, таълим дастурларини эҳтиёжларга мослашувчанлигини таъминлаш, табақалаштириш, коммуникатив талабларни жорий этиш ҳамда масофавий таълим технологияларига асосланган ўқитиш моделларини татбиқ этишда кластерли ёндашув механизмларини такомиллаштириш имкониятини яратиши аниқланди.

Бошқарувчанлик компетентлигини ривожлантиришни баҳолашнинг когнитив мезони ўқув фаолиятида муваффақиятли қўлланилиши учун маҳсус билимларнинг ривожланиш даражаси ҳақида маълумот беради. Унинг юқори даражада ривожланиши профессионал таълим тизими раҳбарининг ўзига хос коммуникатив ҳамда бошқариш вазиятида тегишли билимларни қўллашга тайёрлигини, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини тарбиялашга интилишини кўрсатади. бошқарувчанлик компетентлигининг когнитив мезонини очиб берувчи кўрсаткичлар қаторига қўйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- нотикликтининг асосий тамойиллари, ёзма иш мулоқотига қўйиладиган талаблар, ишонтириш ва баҳслашиш технологиялари ва алгоритмларини билиш;
- оғзаки мулоқот асосларини билиш, низоларни бошқариш, ва ҳуқуқий хужжатлар;
- таълимни бошқаришда амалий дастурларнинг асосларини билиш, ўқув жараёнини ташкил ва тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик.

Бошқарув фаолиятида касбий ривожланиш стратегиялари мазмуни, шакл, метод ва воситаларини раҳбарларнинг ва педагог кадрларнинг индивидуал-касбий эҳтиёжлари, мавжуд касбий ва бошқарувчанлик компетентлик даражасини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва ташкил этиш имконини беради. Ушбуларни амалга оширишда кластерли ёндашув мутахассис кадрларнинг когнитив фаоллигини рағбатлантириш ва натижадорлигини оширишга хизмат қиласи.

А.В.Абрамов компетентликни ривожлантириш жараёнини моделлаштириш мақсадига бўлган талабларни қўйидагича белгилайди: [43]

- мақсаднинг ўзига хослиги: педагогик моделлаштиришда муайян компетентликни ривожлантириш моделини амалга ошириш учун жамият, давлат ва иш берувчининг мижоз сифатида белгиланган аниқ талабларни қондиришга қаратилган бўлиши керак;

- ҳақиқий компетенцияни ривожлантириш: моделлаштириш давомида ташкил этилган компетентликни ривожлантириш даражасига қўйиладиган талаблар ҳақиқий бўлиши керак;

- компетентликнинг ривожланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш учун объектив қобилият, диагностик усулларни ишлаб чиқиш ёки қўллаш зарурати: педагогик моделнинг фаолиятли натижаси, унинг трансформацион функциясини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда объектив ўлчаниши керак. Агар бу талаб бажарилмаса, моделни педагогик амалиётда қўллашнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хulosани асослаш мумкин бўлмайди 12-13-б].

И.С.Багдасарян ва О.А.Алмабекова томонидан ўтказилган тадқиқотда мақсадларни даражалар бўйича тақсимлаш тавсия этилади: касбий фаолиятда ва ўз-ўзини ривожлантиришда коммуникатив компетентлиги ривожланган раҳбарлар учун ижтимоий буюртма талаблари, шахсий манфаатлари нуқтаи назаридан тингловчилар гурухининг мақсадлари ва ниҳоят малакаларнинг ривожланиши бўйича муайян ўқув машғулотининг мақсадлари бўйича амалга оширилади [49-50-б].

Ишлаб чиқилган моделнинг мазмуни қўйидаги концептуал ёндашувларга асосланади: компетентликка асосланган, шахсга йўналтирилган, фаолиятга асосланган ва аксиологик.

Таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигини ўрганишда компетентли ёндашувдан фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари диссертациянинг олдинги параграфида етарли даражада батафсил очиб берилганлиги сабабли назарий моделни шакллантириш учун асос бўлувчи бошқа ёндашувларнинг концептуал асосларини қўриб чиқамиз.

И.В.Гришина таъкидлашича таълим муассасаси раҳбари фақат расмий тайинланган шахс сифатида фаолият олиб бормасдан, балки таълим муассасасида маълум бир соҳада профессионал бошқарув фаолиятини амалга оширади [47-б], ва И.А.Кримовская ижтимоий бошқарув фанларнинг ривожланишидан 1990-йиллар ўрталарида пайдо бўлиб, мустақил илмий фанлар сифатида таълимни бошқариш фани билан боғлайди [30-31-б]. этадиган барча субъектларнинг тенглиги шарти билан ташкил этилади.

А.Н.Леонтьевнинг тадқиқотларида батафсил ишлаб чиқилган фаолиятли ёндашуви тингловчилар фаолиятининг уч қисмли схемасига асосланган бўлиб, у фаолиятнинг мақсадлари, шартлари ва воситаларини ўз ичига олади. Олимнинг фикрига кўра, объектнинг субъектив шаклига ўтиши субъектив фаолиятда амалга оширилади, сўнгра фаолият унинг объектив натижаларига ўтади, бу эса фаолиятнинг роли “объект” қутбидан “субъект” қутбига ва аксинча ўзаро ўтиш жараёни сифатида аниқланади, деган хulosага келиш имконини беради. А.Н.Леонтьев томонидан таклиф этилган ёндашувлар кейинчалик у томонидан бойитилган ва тўлдирилган ҳамда педагогикада турли концептуал назарий схемалар ва фаолият моделлари келтириб чиқарилган [67-69-б].

Раҳбарларнинг ижодий компетентлигини ривожлантириш моделида фаолиятли ёндашуви шахсий ёндашувнинг мантикий давоми ҳисобланади: инсоннинг шахсий ривожланишида тўғридан-тўғри фаол иштирок этиши орқали аниқ қасбий фаолиятини қўллаб-қувватлайди [74-75-б]. Раҳбарларнинг бошқарув фаолиятини амалга ошириладиган таълим соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий вазият таълим ташкилотлари раҳбарларнинг шахсий ва профессионал қадриятларини ўзgartиришга сезиларли таъсир кўрсатади, инқирозда маневрлик ва самарадорликни талаб қиласади, бу уларнинг ишбилармонлик алоқасига таъсир қилмайди. Бундай шароитда бугунги кунда ўзининг муҳим хусусиятларини транформация қила оладиган ва маълум қасб-хунарга эга бўлган, атрофдаги воқелик билан ҳамнафас ташкилот раҳбарини тайёрлаш зарурати мавжуд [92-93-б].

Фаолиятли блок таълим муассасалари таълим жараёнида моделни амалга ошириш механизми бўлган раҳбарларга (услубий ёрдам) ва тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик шакллари билан ўқув-услубий ишлар шаклларини бирлаштиради.

Таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий моделининг фаолиятли блоки қонунчиликда баён этилган тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик тамойилларига асосланади.

Таълим муассасаларида бошқарувни ривожлантириш жараёнида тармоқлараро ўзаро ҳамкорлиқдан салоҳиятли фойдаланиш Н.В.Панова ва И.В.Французова ва Л.Н.Мелниченко, Д.И.Алимов, Д.В.Шалунова илмий жамоатчилиги томонидан ўрганилган.

Самарали таълим жараёнининг шарти сифатида тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик ҳозирги кунда миллий таълим тизимида мустаҳкам ўрнашган, чунки таълим ташкилотларининг бу ҳамкорлик механизми уларга нафақат бозор иқтисодиётида омон қолиш, балки муваффақиятли ривожланиш имконини ҳам беради. Бугунги кунда педагогик амалиёт таълим тизимида тармоқлараро ўзаро ҳамкорликнинг асосий моделлари сифатида жамланган тармоқ моделини, тақсимланган тармоқ моделини ва занжир моделини таклиф этади [41-42-б].

Тақсимланган модел ўз-ўзини тартибга солиш тамойили асосида фаолият кўрсатади ва ўхшаш ёки умумий муаммоларни ҳал этишга қизиқувчи ташкилотларнинг тармоққа интеграциялашувини ўз ичига олади. Бундай моделни шакллантириш учун асос доимий ва вақтинчалик лойиҳа фаолияти (қўшма дастурлар, лойиҳалар, конференциялар, тадқиқотлар ва бошқалар)ва афзалликлари тузилиши ва муносабатлар мослашувчан бўлади.

Занжир модели таркибига тузилиши ва вазифалари аниқ белгиланган ташкилотлар томонидан тармоқ вазифаларини изчил ҳал этишни назарда тутади. Масалан, бир ташкилот мақсадни белгилаш, иштирокчилар ва маъмурият таркибини аниқлаш, иккинчиси эса ресурсларни қидириш ва тарқатиш билан

шуғулланади ва ҳоказо [450-452-б].

Касбий фаолият учун зарур бўлган таълим ташкилотлари раҳбарларининг мавжуд ёки янги ваколатларини ишлаб чиқиш малака ошириш дастурлари доирасида амалга оширилади. “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ қўшимча профессионал таълим дастури қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин. Бу шакллардан бири e-learning маълумотлар базалари, замонавий ахборот технологиялари ва техник воситалардан ҳамда ахборот-телекоммуникация тармоқларидан фаол фойдаланишни кўзда тутади.

Таълим муассасалари раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш учун ушбу шаклни танлаш бир неча сабабларга боғлиқ. Биринчидан, таълим тизимида бошқарув ходимлари таълим ташкилотларида доимий асосда ишлайдилар ва қўшимча таълим ёки малака ошириб олиш улар учун қўшимча вақт ҳаражатларини ўз ичига олади. Масофавий технологиялардан фойдаланиш ўқитиш учун зарур бўлган вақтни минималлаштиради. Иккинчидан, таълимнинг бу шаклини танлаш таълим-тарбия жараёнини моддий қўллаб-қувватлаш шароитида унинг тежамкорлиги билан боғлиқ. Таълимда масофавий технологиялардан фойдаланиш аудиторияларни қидиришни талаб қилмайди, турар жой, ўқув материалларини чоп этиш ва бошқа ҳаражатларни ўз ичига олмайди. Ўқитиш учун фақат компьютер ва интернетга кириш етарли бўлади. Учинчидан, масофавий технологиялардан фойдаланиш таълим тизимида раҳбарларнинг фаол жамоасини шакллантириш, бу нафақат ижодий компетентликни ривожлантиришга, балки энг яхши амалиётларни тарқатиш ва тажриба алмашишга ҳам ёрдам беради.

Т.В.Потемкинанинг огоҳлантиришига кўра, бугунги кунда таълим ташкилотлари раҳбарларини касбий фаолиятини ривожлантириш бўйича муаммолар мавжуд [87-88-б]. Таълим муассасаси раҳбарларининг касбий фаолияти ва амалий тайёргарлик кўрсаткичларидаги муаммоларини ўрганиш жараёнида бундай ташкилотларнинг бошқарув ходимлари малакасини

оширишнинг методик тизими мукаммал даражада эмас деган хулосага келишимизга имконият беради [16-17-б]. Олимлар турли ташкилот фаолиятини стратегик бошқаришни амалга ошириш учун таълим тизимида раҳбарлар қобилиятини ошириш(иш берувчилик, профессионал таълим муассасалари ҳамкор ташкилотлар, университетлар ва ҳоказо), шу жумладан таълим жараёнида жамоатчилик назорати ва таълим хизматлари сифатини баҳолашнинг шаклланмаган талабларига жавоб бериш, молиявий бошқарув жараёнларини оптималлаштириш ва ташкилоти даромадларини максималлаштириш ва бошқалар [98-99-б].

Минтақавий таълим муассасалари ўкув дастурлари мазмунини таҳлил қилиш жараёнида таълим муассасаларининг раҳбарлари ўз фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини етарлича акс эттирмайди ва ўкув жараёни кўпинча таълим муассасалари раҳбарлари билан биргаликда амалга оширилади. Шубҳасиз, бундай амалиёт нафақат Миллий таълим тизимининг турли даражадаги ташкилотлар раҳбарларини тайёрлаш харажатларини камайтириш истаги, балки фаол танқид қилинган “Универсал мутахассис” тайёрлаш истаги билан боғлиқ [217-228-б].

Таълим муассасалари маъмуриятлари горизонтал ўзаро таълим янгиликларнинг оптимал алмашинувини таъминлайди, ресурсларни оптималлаштириш имконини беради, шунингдек тажриба алмасишин учун раҳбарлар ўртасида конструктив мулоқотни таъминлайди.

Раҳбарларнинг ижодий компетенция қуидаги кўникмаларни ривожлантиришга жалб этади:

- таълим ташкилотлари иштирокчиларининг конструктив ўзаро муносабатларини амалга ошириш;
- шахснинг ўз ғояларидан фарқ қилувчи қарашлари, фикрлари ва позицияларининг толерантлик муносабати;
- мулоқотни таъминлаш учун турли усуллардан фойдалана олиш.

Ижодий компетентликнинг асосий таркибий қисми таълим муассасаси раҳбарининг алоқа ва ахборот саводхонлиги бўйича бошқа иштирокчининг позициясини ҳисобга олган ҳолда ўзаро

ҳамкорликни мувофиқлаштириш қобилиятидир. О.С.Анисимов алоқа жараёнида тўртта асосий ролни белгилайди: “муаллифлик”, “тушуниш”, “танқидчилик” ва “ташкилотчилик” [58-б].

Б.Дандева нуқтаи назарига кўра, ахборот саводхонлигини аниқлаш самарали мулоқот ва қарор қабул қилиш учун шахс томонидан ишлатиладиган ахборотни олиш, баҳолаш, таҳлил қилиш, тушуниш, ишлаб чиқариш, тақдим этиш ва сақлаш сифатида белгиланади. Ахборот саводхонлигининг таркибий қисмлари:

- ўз ахборот эҳтиёжларидан хабардорлик;
- мумкин бўлган ва фойдали ахборот манбалари доирасини аниқлаш;
- ахборот сифатини танқидий баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- ахборотни сақлаш, тизимлаштириш ва архивлаш;
- ахлоқий ва этика меъёрларга мос ахборотдан самарали фойдаланиш;
- янги ахборот ҳосил қилиш, уни тақдим этиш ва эфирга узатиш 153-б]).

Мулоқот жараёни ва коммуникатив компетенция ижтимоий ўзаро таъсирга нисбатан боғлиқ иккинчи, тўртинчи ва бешинчи компонентлар билан ўзаро боғлиқ..

Ишлаб чиқилган модел доирасида ижодий компетентликни ривожлантиришга қаратилган малака ошириш ўқув дастурларини амалга оширишда тармоқлараро ўзаро ҳамкорликнинг қуидаги йўналишларидан фойдаланиш мумкин:

- таълим муассасаси раҳбари ўқув дастури (модуллар, фанлар) нинг бир қисмини ўзлаштиришнинг асосий жойини шахсий компьютер билан жиҳозланган ва интернетга кириш имконини берувчи исталган қулай жойга ўтказиш;
- бошқа таълим ташкилотлари, илмий ташкилотлар, корхоналар ва бошқа ташкилотлардан ўқитувчиларини жалб қилиш;
- таълим муассасалари раҳбарларини малакасини оширишда учун илғор ўқув курсларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб тармоқ ўзаро ҳамкорликлар

асосида ўтказиш;

- таълим дастурларининг масофавий шаклларини амалга ошириш учун ўқув ва бошқа ахборот ресурсларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш.

Ресурс компонентлари қуидагида тақдим этилади:

- моддий-техника таъминоти: ихтисослаштирилган бинолар, техник алоқа воситалари, компьютер техникаси ва бошқалар;

- ахборот таъминоти: дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базалари, электрон кутубхоналар, мультимедияли ишланмала ва бошқалар;

- ўқув-услубий таъминот: касбий ўқув дастурлари ва модуллари, услубий материаллари; ўқув компьютер ва диагностика маҳсулотлари;

- ижтимоий таъминот: профессионал таълим тизимининг барча субъектларининг ўзаро таъсири, маҳаллий касбий-педагогик ўзаро таъсирни ташкиллаштириш;

- кадрлар таъминоти: замонавий таълим технологияларига эга бўлган малакали педагог ходимлар, таълим тизимида раҳбар кадрлар тайёрлаш соҳасидаги мутахассислар;

- молиявий таъминот: шартномавий муносабатлар асосида турли даражадаги таълим ташкилотларини миңтақавий ҳуқуқий база билан таъминлаш.

Таълим ташкилотлари раҳбар ходимларининг ижодий компетентлигини ривожлантиришда тармоқлараро ўзаро ҳамкорликнинг афзалликларидан фойдаланиш қуидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- таълим тизими раҳбар ходимларининг ахборот саводхонлиги даражасини ошириш;

- таълим тизими раҳбар ходимларининг касбий ўсиши ва ривожланиши;

- таълимни ривожлантириш институти малака ошириш дастурлари битирувчиларининг касбий жамоасини ташкил этиш, таълим тизими раҳбар ходимларива улар ўртасида доимий асосда мулоқот қилиш учун шарт-шароитлар яратиш;

- таълим тизими раҳбар ходимларининг профессионал жамоасида тажриба алмашиш;

- ходимларни кўллаб-куватлаш даражасини ва минтақадаги профессионал таълим тизими ташкилотларининг кадрлар салоҳиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш;

- ташкилотларда таълим дастурларини амалга оширишнинг тармоқ шаклини ташкил этиш ва ривожлантириш учун шартшароитлар яратиш.

Н.Ипполитова ва Н.Стерховаларнинг фикрига кўра, тадқиқотларда педагогик шарт-шароитларнинг спецификацияси кўпинча объектив шароитлар билан мураккаблашади, хусусан:

- педагогик феномен моҳиятини тушунишнинг аниқ таърифи йўқлиги;

- педагогик шарт-шароитнинг педагогик жараён муваффақияти ва натижаларини белгиловчи муайян омилларга йўналтирилганлигини тушунишда аниқлик етишмаслиги;

- муайян педагогик шарт-шароитларни танлашнинг заифлиги ва бошқалар [9-11-б].

Ижодий компетентликни муваффақиятли ривожлантириш учун зарур бўлган педагогик шарт-шароитлар таркиби тўғрисида умумий қарашлар йўқ.

В.И.Кашницкийни тадқиқотларида ижодий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари дорасида раҳбарнинг касбий тайёргарлигининг коммуникатив доминантлиги ва коммуникатив тайёргарликнинг ўзгарувчанлиги аниқланади **[Ошибка! Источник ссылки не найден.10-б]**. В.В.Острова ижодий компетенцияларни ривожлантириш педагогик шартшароитлар спектрида коммуникатив компетентли тингловчи ва ўқитувчи муносабатларни текширди, таълим мухитида рефлексив ишлаш учун ўқитувчи ва тингловчиларнинг тайёрлиги, таълим жараёнида шахсий-методик йўналганлик, касбий-корпоратив компетенцияларини шакланишига ҳисса қўшади [154-б]. И.Д.Агафонованинг диссертацион тадқиқотлари натижалари мулоқот иштирокчиларининг ижобий мотивациясини,

ишбилиармонлик муроқотида йўналтирилганлик ва толерантликни, интерфаол моделлаштиришни қўллаш, коммуникатив ва нутқ тренингини ўқув жараёнида ишлаб чиқиши ва амалда жорий этишини асослаб беради [10-б].

“Педагогик шарт-шароитлар” тушунчасининг мазмунини тушунишда қўйидаги бир қанча ёндашувлар мавжуд:

- муайян моддий ва фазовий муҳитда педагогик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш[ 46-б];

- педагогик тизимни моделлаштириш ёки лойиҳалаш компонентини унинг самарадорлигига таъсир эттириш [10-б];

- таълим жараёнида тизимли тадқиқот ишларининг қонуний ўлчанганилигини, илмий-тадқиқот натижаларининг текширилувчалиги ва такрорланувчанилигини таъминлаш [102-103-б].

Таълим тизимида раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик салоҳиятидан фойдаланиш шароитида ушбу моделни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари сифатида биз қўйидагиларни аниқладик:

- таълим тизими раҳбар ходимларини ижодий компетентлигини ривожлантириш ва тармоқлараро ўзаро алоқани фаоллаштиришга қизиқтириш;

- педагогик жараёнда ижодий компетентлигини узлуксиз ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтириш;

- таълим тизимида тажриба алмашиш ва барча манфаатдор томонларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун доимий платформанинг мавжудлиги;

- касбий фаолиятнинг типик коммуникатив вазифаларини ҳал этишда формаллаштирилган тажрибадан педагогик жараёнда фойдаланиш;

- таълим тизимида тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик шароитида алоқа технологияларини турли тоифадаги субъектлар билан алгоритмлаштириш ва раҳбар ходимлар томонидан алгоритмларни ишлаб чиқиш.

Моделнинг баҳолаш блокининг вазифалари таълим тизими

раҳбар ходимларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш натижаларини таҳлил қилиш, тўғрилаш ва шарҳлашдан иборат. Ижодий компетентликнинг ривожланиш даражасини баҳолашнинг асосий мезонлари мотивацисон, рефлексив, когнитив, ва фаолиятли мезонлари ҳисобланади. Компетентлик ёндашуви компетентликни мураккаб ва кўп ўлчовли таълим сифатида тушунишни назарда тутганлиги сабабли, мезонлар ва баҳолаш блокини ишлаб чиқиша коммуникатив компетентликнинг ҳам мазмун, ҳам функционал жиҳатдан тавсия этилган тузилишини ҳисобга олиш зарур. Моделнинг мезонлари ва баҳолаш блоки кейинги параграфда батафсил муҳокама қилинади.

Шундай қилиб, бугунги кунда таълим тизими муассасалари раҳбар ходимларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш зарурати ҳам ташқи, ҳам ички омиллар билан олдиндан белгиланади. Биринчи гуруҳга ҳуқуқий хужжатларда ушбу компетенцияни юқори даражада ривожлантириш талабларини белгилаш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг таълим соҳасидаги ролини ошириш киради. Иккинчи гуруҳга таълим ташкилотлари раҳбарларининг мулоқот малакасини ва ахборот саводхонлигини ошириш, социологик тадқиқот ва сўровлар билан тасдиқланган эҳтиёжи киради.

Моделлаштириш усулининг афзалликлари ва унинг педагогика фанида фойдаланилиши ушбу тадқиқотда тармоқлараро ўзаро алоқалар шароитида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш учун қўлланилишига олиб келди. Тармоқ ўзаро ҳамкорлики шароитида таълим тизими раҳбар ходимларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш жараёнининг модели ушбу тоифадаги ходимларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш мақсадларига эришиш учун мўлжалланган ўқув-услубий ёрдамдан фойдаланиш имконини берувчи функционал ўзаро боғлиқ компонентларнинг иерархик ҳамда дидактик жиҳатдан ажралмас тўпламидир.

### **3.3-§. Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожланганлик даражаларини баҳолаш мезонлари**

Компетентли ёндашув доирасида баҳолаш мезонларини шакллантириш ва таълим жараёни натижаларини ташхислаш учун турлича ёндашув қўлланилади. Моделни амалга оширишда кутилаётган натижа сифатида ижодий компетентликнинг ривожланиш даражаси унинг мезонлари ва баҳолаш блоки билан белгиланади, бу мезонлар, кўрсаткичлар ва ижодий компетентликнинг ривожланиш даражаларини ҳамда уларни аниқлашнинг диагностик воситаларини ўз ичига олади.

Т.А.Строкованинг фикрига қўра, педагогик ҳодиса ёки жараённи баҳолаш мезонлари баҳоланаётган ҳодисанинг асосий мазмунини акс эттириши керак [11-б]. Шу муносабат билан ижодий компетентликнинг илгари санаб ўтилган таркибий компонентлари (мотивацион, рефлексив, когнитив ва фаолиятли), (motivational, reflexive, cognitive and active) таълим тизими раҳбар ходимлари учун касбий талабларни ҳисобга олган, ҳолда унинг ривожланиш мезонларини белгилаш учун асос ҳисобланади. Шундай қилиб, ижодий компетентликни ривожлантириш моделининг баҳолаш мезони тузилмаси тўрт компонентли бўлиб, мотивацион, рефлексив, когнитив ва фаолиятли мезонларини ўз ичига олади.

Замонавий тадқиқотларда раҳбарларнинг ижодий компетентлигини баҳолаш учун турли ёндашувлар қўлланилади. И.Д.Агафонова ишида мотивацион, ташкилий ва коммуникатив қобилияtlарнинг ривожланиш даражаси ва толерантлик (шахсий мезон), амалий коммуникатив вазифаларни ҳал қилишда муваффақият (рефлексив мезони) ва коммуникатив билимларнинг намоён бўлиш даражаси (когнитив компонент) каби кўрсаткичлар билан ишончли тарзда аниқланган паст, ўрта ва юқори даражадаги коммуникатив компетентликни ажратиш билан уч даражали баҳолаш тизимидан фойдаланади [С. 10].

Соғлом тафаккурни шакллантиришга таъсир этувчи

психологик омиллар таҳлилидан келиб чиқкан ҳолда, раҳбарларнинг саноген фикрлаш қобилиятини ривожлантириш жараёнини қуидаги мезонлар асосида амалга оширилиши ижобий натижаларга эришиш таъминлайди:

- 1) мотивацион (motivational) мезон;
- 2) когнитив-рефлексив (cognitive-reflexive) мезон
- 3) ҳиссий-эмоционал (emotional) мезон;
- 4) регулятив (regulatory) мезон.

Мотивацион (motivational) мезон – янги фаолият кўникмаларини ўзлаштиришга нисбатан раҳбарнинг шахсий эҳтиёжининг мавжудлиги ҳамда муваффақиятга эришиш учун мотивация даражасининг юқорилиги билан белгиланади.

Когнитив-рефлексив (cognitive-reflexive) мезон – раҳбарнинг муайян фаолият мазмунини тушуниши ва у ҳақда етарлича билимларга эга бўлиши, тасаввур эркинлиги ҳамда ўзлаштирилган фаолият кўникмалари ва кечинмаларини акс эттириш қобилияти билан изоҳланади. Бунда, раҳбар бўлиб ўтган жараёнларни кузатиш ва таҳлил қилиш орқали ҳодисалар мазмунини англайди, ўрганади, таққослади. Бу эса, фикрлаш объектини бошқа объектга осонгина йўналтириши ва тафаккурнинг мослашувчанлигига намоён бўлади.

Ҳиссий-эмоционал (emotional) мезон - ижобий ҳиссий тажрибаларнинг намоён бўлиши, некбинликка мойиллик, ижобий ҳиссий ҳолат, психологик фаровонликнинг юқори дарajasи, атроф-муҳит стимулларига нисбатан позитив эмоционал реакциянинг намоён бўлиши, ҳаёт сифатидан қониқишининг юқори дарajasи, ўз - ўзини англашдан қониқиши.

Регулятив (regulatory) мезон - ихтиёрий ўзини - ўзи бошқаришнинг юқори дарajasи, хулқ - автор стереотиплари ва меъёрларидан четга чиқиш, салбий ҳисларга қарши туриш ва атроф-муҳитдаги ўзгаришларга муносаб жавоб бериш қобилияти билан изоҳланади.

А.А.Игнатенко ижодий компетентликнинг ривожланиш даражасини баҳолаш учун тўрт даражали ёндашувдан

фойдаланади:

- паст даражаси: мулокот компонентларини оғзаки ёки ёзма шаклда тушуниши ва таниши билан бирга мулокотда ўз коммуникатив ва нутқий билим ва кўникмаларини намоён эта олмаслиги;

- минимал даражаси: хабарнинг алоҳида компонентларини оғзаки ёки ёзма шаклдаги ахборотни қайта ишлаб, коммуникатив ҳаракатларни таълим жараёнида маълум ўргангандан ишларни бажара олиши;

- етарли даражаси: коммуникатив билим, кўникма ва малакаларни стандарт коммуникатив вазиятда қўллай олиш, оғзаки ёки ёзма шаклда маълум мулокот режасини тузиш, белгиланган қоидаларга мувофиқ муайян коммуникатив ҳаракатларни бажара олиш қобилияти;

- юқори даражаси: мустақил равишда хабарлар ва матнларни яратиш қобилияти, уларнинг тадқиқот ва ижодий имкониятларини намойиш этиш билан бирга янги объектив ахборотни яратиш [166-б].

Замонавий педагогик тадқиқотларда ижодий компетентлик-нинг ривожланиш даражасини баҳолашга ягона ёндашув мавжуд эмас. Ушбу ўзгариши тушунтириш тадқиқот мавзуси бўйича объектив фарқлар бўлиши мумкин: коммуникатив компетентлик педагогика мутахассислик тингловчилари ёки раҳбар ходимларда ўзгаради, уларнинг компетенциялари талаблари объектив равишда фарқ қиласи ва бўлажак ўқитувчилар ва таълим ташкилотлари раҳбарлари учун турли хил бўлади.

Тадқиқотимизда таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг мезонлари ва баҳолаш бирлиги моделини ишлаб чиқиши Т.А.Строкованинг қуидаги тавсиялари орқали амалга оширилди:

- мезонлар баҳолаш жараёнини асословчи педагогик ҳодиса ёки жараённинг характерли ёки муҳим хусусиятини акс эттириши керак;

- мураккаб мезоннинг зарурий жиҳатларини акс эттирувчи

етарли даражада түлиқ ва сиғимли күрсаткичлар тизими билан белгиланади ва зарур бўлганда уни белгиловчи күрсаткичлар даражасианиқ бўлиши керак;

- анъанага кўра, тадқиқот жараёнида аввал баҳолаш мезонлари аниқланади, сўнгра ҳар бир мезонни очиб берувчи күрсаткичлар ва даражалар белгиланади, сўнгра баҳоланаётган ҳодисанинг ривожланиш даражалари тўғрисида тасаввур ҳосил қилинади;

- баҳолаш мезонлари ва баҳолаш даражаси бир хил тушунчалар эмас [12-13-б].

Моделнинг баҳолаш мезонлари блокида таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш моделини амалга ошириш натижаларини баҳолаш учун яхлит ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ижодий компетентликнинг функционал компонентлари ва уларни баҳолаш мезонлари ўртасидаги муносабатларни очиб бериш зарур, бу эса баҳолашнинг асосий күрсаткичларини аниқлашга имкон беради (3.3.1-жадвал).

### **3.3.1-жадвал**

#### **Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожланганлик даражалари мезонлари ва кўрсаткичлари**

Мезон компонентлари	Мотивацион	Рефлексив	Когнитив	Фаолиятли
<i>Ахборотли</i>	Ўз ғояларини бошқаларга етказиш мотивацион истаги	Мулоқотнинг оғзаки бўлмаган воситаларидан фойдаланиш қобилияти, толерантлик ва ўз-ўзини назорат	Нотиқликнинг асосий тамойиллари, ёзма мулоқотига қўйиладиган талаблар, ишонтириш ва баҳсласиши	Ўз ғояларини бошқаларга етказиша вербал, новербал, ва техник имкониятларида нмаксимал фойдаланиши
<i>Аналитик-изоҳли</i>	Бошқаларнинг нуқтаи назарини тушуниш ва тоқат қилиш	Оғзаки бўлмаган мулоқотнинг намоён бўлиш белгиларини	Норматив-хукукий мулоқот, новербал коммуникация	Мулоқотнинг мунозарали ва ноаниқ жиҳатларини аниқлаштиришга

<b>Инструментал</b>	Ишбилармонли к мuloқотида замонавий АКТдан фойдаланишни максималлашти	Муайян вазиятда мuloқотнинг энг яхши усули ва	Таълимни бошқариш, ўқув жараёнини ташкил	Ишбилармонлик алоқасида замонавий АКТнинг имкониятларини этишга амалий кўплашга
---------------------	--------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------	------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------

Педагогик тадқиқотларни ўтказишда баҳолаш мезонларини танлашга қуйидаги талаблар қўйилади:

- объективлик: ҳар бир мезон тавсифи жиҳатидан аниқбаҳолаш имконини беради, турли хил баҳолашга рухсат бермайди;
- адъекватлик, ҳақиқийлик: ҳар бир мезон экспериментатор баҳоламоқчи бўлган ҳислатларни айнан ифодалайди;
- бетарафлик [20-24-б].

Ижодий компетентликни ривожлантириш моделининг баҳолаш мезонлари блокининг мотивацион мезони профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг фаол мuloқот қилиш ва ўз шахсий характер хусусиятлари, мuloқотидаги ўз эҳтиёжлари ва мақсадларини англаш нуқтаи назаридан фаол тинглашга мотивация хусусиятларини акс эттиради.

Диагностика натижалари нафақат мuloқотга бўлган мотивациянинг устувор омилларини аниқлаш, балки таълим муассасаси раҳбарлари гуруҳларига муайян педагогик усул ва воситаларнинг мотивациянинг доминант тури билан таъсирини баҳолаш имконини беради. Таклиф этилаётган моделда бу мезон қуйидаги кўрсаткичлар орқали очиб берилади:

- ўз ғояларини бошқаларга етказиш истаги;
- бошқаларнинг нуқтаи назарини тушуниш ва тоқат қилиш истаги;
- мuloқотида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни максималлаштиришга интилиш истаги.

Ишлаб чиқилган моделнинг баҳолаш мезонларида таълим муассасаси раҳбарининг индивидуал услуги ва мuloқот услугбиятини, “жамоавий индивидуаллик” миқёсида унинг ижодий

рефлексивлигининг ўзига хос хусусиятларини, ўз-ўзини назорат қилиш қобилиятини тавсифлайди. Моделда қуидаги кўрсаткичлар орқали очиб берилади:

-мулоқотнинг новербал воситаларидан, стрессга чидамлилик ва ўз-ўзини назорат қилиш, зиддиятда хатти-ҳаракатларнинг конструктив стратегияларидан фойдалана олиш;

- сұхбатдошнинг новербал мулоқот белгиларини идрок этиш ва изоҳлаш қобилияти;

- муайян вазиятда мулоқотнинг энг яхши усули ва воситаларини аниқлай олиш.

Ижодий компетентликни ривожлантиришни баҳолашнинг когнитив мезони фаолиятда муваффақиятли қўлланилиши учун маҳсус билимларнинг ривожланиш даражаси ҳақида маълумот беради. Унинг юқори даражада ривожланиши таълим муассасаси раҳбарининг ўзига хос ижодий вазиятда тегишли билимларни қўллашга тайёрлигини, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини тарбиялашга интилишини кўрсатади. Ижодий компетентликнинг когнитив мезонини очиб берувчи кўрсаткичлар қаторига қуидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- нотиқликнинг асосий тамойиллари, ёзма иш мулоқотига қўйиладиган талаблар, ишонтириш ва баҳслашиш технологиялари ва алгоритмларини билиш;

- оғзаки мулоқот асосларини билиш, низоларни бошқариш, ва хуқуқий хужжатлар;

- таълимни бошқаришда амалий дастурларнинг асосларини билиш, ўқув жараёнини ташкил ва тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик.

Фаолият мезони таълим муассасаси раҳбарларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда касбий фаолият ва ишбилармонлик мулоқотидаги муайян коммуникатив вазиятларда муаммоларни ҳал этишда ўз касбий билим, кўнишка ва малакаларини самарали қўллашга тайёрлигини баҳолаш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, бу мезон раҳбарларнинг касбга бўлган меъёрий-ахлоқий талаблар ва мотивациянинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди. Ушбу

баҳолаш мезони қўйидаги кўрсаткичларда очиб берилади:

- ўз ғояларини бошқаларга етказиш учун вербал, новербал ва техник имкониятлардан фойдаланишни максимал даражада амалга ошириш қобилияти;
- бошқалар хабарининг мунозарали ва ноаниқ жиҳатларини аниқлаштиришга тайёрлик ва қобилият, бошқаларнинг нуқтаи назарини етарли даражада идрок этиш қобилияти;
- ишбилармонлик мулоқотида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллай олиш қобилияти.

Компетентликнинг ривожланганлик даражасини текшириш учун назорат ва ўлчов материалларини танлаш, шунинг учун ишлаб чиқилаётган компетенциянинг маълум даражасини аниқлашга имкон берувчи идентификаторларни ишлаб чиқишига қаратилиши лозим. Ижодий компетентлик даражасини баҳолаш учун ишлатиладиган когнитив ва фаолиятли мезонлари касбий таълим педагогикаси учун анъанавий бўлган усуллар ёрдамида ташхис қўйилиши мумкин бўлса, мотивацион ва рефлексив мезонларини баҳолаш учун асосан психологик характерга эга бўлган коммуникатив вазиятда мотивация ва рефлексия хусусиятларини аниқлашга имкон берувчи восита ва методлардан фойдаланилади.

Т.А.Терехова компетенцияларни тавсифлашда рақамли-кодлар, компетенциянинг номи, унинг мазмуни тавсифи ва рефлексив кўрсаткичларидан фойдаланишни тавсия қиласди [35-б]. Р.Н.Азарова ва Н.М.Золотарева ҳар бир даражада учун қобилият, билим, кўникма ва малакаларни тавсифловчи компетентлик паспортига киритилган компетентлик хариталари асосида компетентликни ривожлантириш даражасини баҳолашни таклиф қиласди [34-б]. Тахрирлашда даражаларнинг уч-ёки беш даражасидан фойдаланилади. Компетентлик ривожланишининг паст даражаси касбий фаолиятда муайян компетентликнинг таркибий қисмлари сифатида билим, кўникма ва малакаларнинг йўқлигини кўрсатади. Ўртacha даражада одатда муваффақиятли, аммо тегишли билим, кўникма ва қобилиятларни тизимли равишда қўллаш билан тавсифланади. Юқори даражада билим, кўникма ва қобилиятлардан муваффақиятли,

актив ва тизимли фойдаланишни кўрсатади.

Таълим жараёнида тармоқ ҳамкорлиги шароитида таълим ташкилотлари раҳбарларининг касбий шаклланиши жараёнида ижодий компетентликни ривожлантириш динамикасини ҳисобга олган ҳолда, биз ишлаб чиқилган моделнинг мезонлари ва баҳолаш блокидаги компетенцияларни уч даражали баҳолашдан фойдаланамиз.

Баҳолаш мезонларига кўра ижодий компетентликнинг ривожланиш даражаларининг хусусиятлари 3.3.2-жадвалда кўрсатилган. Ўртача даража билан паст даража ўртасидаги асосий фарқ-билимнинг мустаҳкамлиги, типик коммуникатив вазифаларни ҳал қилишда муваффақиятли тажриба ҳамда ностандарт коммуникатив вазиятларда қарор қабул қила олиш тажрибасидир.

### **3.3.2-жадвал**

#### **Таълим муассасаси раҳбарларини ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг мезонли-даражали тавсифи**

Даража	Мотивацион	Рефлексив	Когнитив	Фаолиятли
1	2	3	4	5
Паст	Ижодий фаолият, танқидий фикрлаш, яратиш даражаси суст, заиф ифодаланган мотивлар ва мулоқотга киришишида турли восита ва усулларидан фойдаланиш, мулоқот жараёнида шахсий мақсадларини ноаниқ ифодалаш	Мулоқот жараёнида пассив рол, мулоқотда имо-ишоралар ва эмоциянинг йўқлиги, зиддиятда хатти-харакатларнинг деструктив стратегиялари; кундалик ҳаётда шаклланган кўникмалар асосида мулоқот	Алоқа назарияси ва ишбилармонлик коммуникацияси асосларини юзаки билиш	Оғзаки ёки ёзма мулоқотдан имтиёзли фойдаланиш; замонавий АҚТ, мультимедия технологиялари ва амалий дастурний таъминотларни билиш даражасининг пастлиги
Ўрта	Ижодий	Мулоқот жараёнида	Алоқа назарияси	Бошланғич

	фаолият, танқидий фикрлаш, яратиш даражаси ўрта, мулокот жараёнида фаол ва масъулиятли муносабат, мулокот муаммоларини ҳал этишга қизиқиши	фаол иштирок этиш, алоқа учун мүкобил сценарийларни кўриб чиқиши ва ностандарт вазифаларни ҳал қилиш тажрибаси, касбий мақсадларга нисбатан мулокот вазиятларини таҳлил қилиши	ва ишбилармонлик коммуникацияси асослари, можароларни бошқариш ва ходимларни бошқариш асослари ҳақида етарли маълумотга эгалик	фойдаланувчилар учун таълим бошқарувида замонавий АКТ ва амалий дастурларидан фойдаланиш орқалитипик коммуникатив масалаларни ҳал қилиши
Юқори	Танқидий фикрлаш, ижодий ёндашув, яратувчанлик даражаси юқори, касбий мулокот фаолияти учун юқори даражадаги мотивация, яхши хулқли, чидамли, конструктив мулокот ва ўз нуқтаи назарига ишонч учун шахсий фазилатларни шаклланганлиги	Вазифаларни танлашда мустақиллик уларни мулокотда ҳал қилиш йўллари, мураккаб вазиятларга йўналтириш, ностандарт ижодий мулокот вазифаларини қилишда тажрибасига бўлиш, ҳал қилишда тажрибасига бўлиш, низоларни ҳал қилишнинг конструктив стратегиялари	Алоқа назарияси ва ишбилармонлик коммуникацияси асосларини билиш; қулай коммуникация муҳитини яратиш ижодий тамойилларини тушуниш; мулокотни ўзоптималлаштири мустақил ҳолда излашни амалга ошириш	Етарли даражада ўзаро мулокот қила олиш, мустақил ривожланиш ҳамда замонавий АКТ, мультимедия технологияларида н фойдаланиш кўникмаларини эгаллаганлик

Ижодий компетентликни ривожлантиришнинг энг юқори даражаси таълим ташкилотида қулай мулокот муҳитини яратиш тамойилларини тушуниш, ижодий ёндашув асосида ностандарт коммуникатив вазифаларни ҳал этишда муваффақиятли ва тизимли тажриба билан тавсифланади.

Педагогик тажрибаларимиз оид педагогик адабиётларда келтирилган тавсияларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижаларига асосланиб, таълим муассасаси раҳбарларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш моделининг баҳолаш мезони блокининг диагностик аспектини тавсифловчи амалий диагностика усуллари таркибини тизимлаштиш 3.3.3-жадвалда келтириб ўтилган.

### **3.3.3-жадвал**

#### **Таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетенцияларини ривожлантириш шартлари ва даражаларининг мезонли-диагностик тузилмаси**

Ижодий компетенциялари и баҳолаш мезонлари	Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш кўрсаткичлари	Қўлланилган методика
1	2	3	4
1. Мотивацион	- ўз ғояларини бошқаларга етказишгамотивацион истаги; - бошқаларнинг нуқтаи назарини тушуниш ва тоқат қилишга мотивацион истаги; - ишбилармонлик мулоқотда замонавий АКТдан фойдаланишга қаратилган мотивацион истак	Ижодий компетентликни ижодий таъсир кўрсатувчи шахсий сифатлар	Т. Лирининг коммуникатив ва тавсифий тенденцияларини тадқиқ қилиш методикаси
2. Рефлексив	- Мулоқотнинг новербал воситаларидан ўз-ўзини назорат қилиш, стрессга чидамлилик, низода хатти-харакатларнинг конструктив стратегияларидан фойдалана олиш; - Новербал мулоқот белгиларини идрок этиш ва изоҳлаш қобилияти; - Муайян вазиятда мулоқотнинг энг яхши усули ва воситаларини аниқлай олиш	- мулоқотда ўз-ўзини назорат қилиш - мулоқотда сухбатдошни хис қилиш - новербал мулоқотда баҳолаш ва хис қилиш	M.Снайдернинг мулоқотда ўз-ўзини баҳолаш методикаси Е.П.Ильинанин г сухбатдошнинг коммуникатив сифатларини баҳолаш методикаси Назорат-ўзгарувчан тест материалларини таҳрирлаш
3. Когнитив	- Нотиқликнинг асосий тамойиллари, ёзма мулоқотига кўйиладиган талаблар, ишонтириши ва баҳслашиш, технологиялар ва	- фанларблоклар бўйича ўтиладиган	Назорат-ўзгарувчан тест материалларини таҳрирлаш

	<p>алгоритмларини билиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Новербал муроқот асосларини билиш, низоларни бошқариш ва норматив-хукуқий хужжатларни билиш;</li> <li>- Таълимни бошқаришда амалий дастурлаш асосларини билиш, ўқув жараёнини ташкил этиш</li> </ul>	материалнинг ўзлаштирилиш даражаси	
4. Фаолиятли	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўз ғояларини бошқаларга етказиш учун вербал, новербал ва техник имкониятлардан фойдаланишини максимал даражада амалга оширишга тайёрлик ва қобилият;</li> <li>- хабарнинг мунозарали ва ноаник жиҳатларини аниқлаштиришга тайёрлик ва қобилият.;</li> <li>- ишбилармонлик муроқотидаги замонавий АКТ имкониятларини кўллашга тайёрлиги ва қобилияти</li> </ul>	<p>- касбий фаолиятда коммуникацион муаммолар</p> <p>- аниқ жараёнда коммуникацион восита ва шаклларни оптимал танлаш қобилияти</p>	<p>«Таълимни бошқаришда коммуникациялар» мавзусида таҳирланган сўрвнома</p> <p>Малака ошириш дастурида битирув лойиҳани ҳимоя қилиш</p>

Таълим тизими раҳбар ходимларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш моделига кўра ўзаро таъсир шароитида диагностикани турли босқичларда амалга оширилиши мумкинлиги сабабли, ушбу компетентликнинг ривожланиш даражасини таққослаш учун мониторинг усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ижодий компетентликнинг ривожланиш даражасини аниқлаш учун турли диагностик усуллардан фойдаланилмоқда.

Шундай қилиб, таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигининг ривожланиш даражасини баҳолаш тўртта асосий компонент бўйича амалга оширилади: мотивацион, рефлексив, когнитив ва фаолиятли бўлиб, таълим муассасаси раҳбарларининг менежерларининг ижодий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараённи оптималлаштириш учун объектив ахборот тузилмаси асосини ташкил этади.

## **IV БОБ. МУТАХАССИС КАДРЛАРНИНГ БОШҚАРУВЧАНЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ**

### **4.1-§. Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожланганлик даражасининг диагностик тизими**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июнь “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарорида раҳбар кадрлар, профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини, билимини ва педагогик кўниумасини баҳолашнинг замонавий тизимини шакллантириш масаласи кўриб чиқилди..

Шубҳасиз, таълим сифатини ошириш ҳамда таълим муассасаларининг халқаро майдондаги рейтингини шакллантиришда раҳбарларнинг ижодий компетентлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш, бу борадаги мавжуд илғор хорижий тажрибаларни эътиборга олиш, ҳамда мазкур мезонларнинг меҳнат бозорини тезкор ўзгарувчан шароитларига мослашувчанлигини таъминлаш зарур.

Мазкур устувор вазифалардан келиб чиқиб, тадқиқот доирасида таълим муассасалари раҳбарларининг ижодий компетентлигини диагностик тизимини ишлаб чиқиш бўйича тажриба-синов ишлари амалга оширилди.

Маълумки, педагогик йўналишда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар ўзининг ташкилий-методик асосларига таяниб, қўйидаги босқичларда лойиҳалаштирилади:

1) тадқиқот учун танланган муаммонинг ижтимоий-педагогик, психологик моҳиятини тўғри англаш ва долзарблик даражасини аниқлаш, унинг концептуал ва мақбул ечимини топиш йўллари ҳамда вазифаларини оқилона белгилаш мақсадида ташкил этилувчи назарий-прогностик таҳлил босқичи;

2) мавжуд манбаларга таянган ҳолда танланган муаммонинг ижобий, самарали ечимини шакллантириш мақсадида тадқиқотчи томонидан илгари суриладиган назарий ғоялар, илмий фараз асосида махсус диагностик методикани шакллантиришга йўналтирилган лойиҳалаштириш босқичи;

3) диссертант томонидан тавсия этилаётган диагностик харита воситасида экспериментал-ривожлантирувчи фаолият ташкил этилди. Мазкур жараёнда ижодий компетентлик даражасининг ривожланганлик даражаси диагностикаси таълим муассасалари раҳбарларини ўқув фаолияти ва ўзлаштириш кўрсаткичлари мисолида олиб борилди.

Диссертация ишида унда шаклланган назарий-методологик қоидаларнинг илмий қиммати ва ҳақиқийлигини эмпирик тарзда тасдиқлаш мақсадида педагогик тажриба-синов амалга оширилди. Бу ўз навбатида таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш моделини амалга ошириш учун зарур ва етарли шарт-шароитлар яратиш имконини берди, шу билан бирга бошқарув фаолиятини амалга оширишда олинган маълумотларнинг холислигини таъминлаш, баҳолаш, тизимлаштириш, умумлаштиришга эришилди.

О.Н.Яковлевларнинг фикрига кўра, таълим жараёни ҳақида етарлича билим олиш диссертациянинг асосий вазифаси бўлиб, илмий жиҳатдан муҳим маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва талқин қилиш асосида назарий-методологик қоидаларни экспериментал тасдиқлашни ўз ичига олади. Хулосаларнинг тадқиқот натижалари сифатида амал қилиши педагогик тажриба-синовнинг ташкилий ва мазмун жиҳатдан изчиллиги билан белгиланади. Бу ўрганилаётган педагогик ҳодисани назорат қилинаётган шароитда “соф ҳолда” кўриб чиқиш, унинг ривожланиш жараёни ва таълим жараёнининг самарадорлигини белгиловчи омилларни ойдинлаштириш имконини беради. Педагогик эксперимент тажриба-синов ўрганилаётган ҳодисаси ёки жараённи бошқаларидан сунъий ажратишни таъминлайди, тадқиқот мақсадида тингловчиларга педагогик таъсир кўрсатиш

шароитларини ўзгартиради ҳамда ушбу педагогик ҳодисаларни бир хил натижа билан ўхшаш шароитда такрорлайди [100-б].

Махсус шакллантирилган, бошқариладиган ва назорат қилинадиган шароитларда педагогик тажриба-синов үтказиш таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожланиш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон берди. Тадқиқот мақсади ва вазифаларини амалга оширишда педагогик тадриба-синовини ташкил этишнинг оптималь ва самарали усулини, педагогик ҳодиса ва жараёнлардаги сабаб - оқибат муносабатларини аниқлаш, ундан таълим жараёнини оптималлаштириш учун фойдаланишdir. Педагогик тажриба-синовни моделлаштиришдан асосий мақсад педагогик жараённи ўрганиш (таълим муассасаси раҳбарининг ижодий компетентлигини ривожлантириш) ва муваффақиятга эришиш шароитини аниқлаш (моделни амалга оширишнинг тармоқ ва педагогик шарт-шароитлари) [163-б]. Диссертацияда педагогик тажриба-синов методининг афзалликлари ва ижодий компетенциянинг таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатларни тизимлаштириш, унинг ривожланиш шарт-шароитлари ва омилларини аниқлаш, таълим тизими раҳбарларига педагогик таъсир кўрсатиш шароитларини тартибга солиш, шартли равища ўхшаш шароитларда алоҳида кузатилган феноменлар ва педагогик ҳодисаларимкониятидан келиб чиқилади.

Тажриба-синов ишлари жараёнида диссертация ишининг мақсади, хусусан, қуйидаги бир қатор муаммоларни ҳал этиш билан белгиланди:

- педагогик тажриба-синовнинг методологик асоси ва диагностик воситаларини аниқлаш ва асослаш;
- педагогик тажриба-синовни аниқлаштириш, назорат қилиш ва шакллантириш босқичларини ўтказиш;
- раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш учун ўзаро ҳамкорлик шароитида “Таълим муассасаси раҳбар фаолиятига замонавий ёндашув” малака ошириш модулинин ўқитиш натижалари таҳлили;

- таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш учун ўзаро ҳамкорлик шароитида “Таълим муассасаси раҳбар фаолиятига замонавий ёндашув” малака ошириш модулини ўқитиш учун зарур ва етарли педагогик шарт-шароитларни аниқлаш;

- таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган моделнинг эмпирик самарадорлиги ва аҳамиятини статистик усуллар ёрдамида асослаш.

Мазкур технологик босқичларнинг ўзига хослиги ва уларнинг педагогик тажриба-синов ишларининг муваффақиятли ташкил этилишига таъсирини ўрганилиб, тадқиқотнинг экспериментал босқичи билан боғлиқ фаолиятнинг вазифалари қуидагича белгиланди:

1. Таълим муассасалари раҳбарларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талаблари классификациялаш асосида ижодий компетентлик даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар таркибини аниқлаш.

2. Таълим муассасаси раҳбарлари ижодий компетентлигини ривожлантириш жараёнларига таъсир этувчи омилларни интерпритациялаш.

3. Таълим муассасаси раҳбарлари ижодий компетентлигини ривожланганлик даражаси индикаторларини белгилаш ва квалиметрик механизmlарини танлаш.

4. Баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва улар асосида хulosса ва таклифлар ишлаб чиқиш

Тажриба-синов ишлари жараёнида раҳбарларнинг ижодий компетентлигини ривожланганлик даражаси диагностикасига таъсир этувчи ижобий (ички, ташқи) ва негатив (салбий) омиллар туркуми аниқланди ва қуидагича тавсифланди:

Ижобий омиллар:

- ташқи омиллар: жамоадаги муҳит, муассаса имиджи, фасилитация, мустақил касбий ривожланиш натижаларининг

рағбатлантирилиши, раҳбар ва педагог кадрлар касбий фаолиятини баҳолашнинг шаффоф ва адолатли тизими, инсонпарварлик, институционал қўллаб-қувватлаш, гендер тенглик, ўзаро муносабатлардаги психологик барқарорлик;

ички омиллар – шахсий йўналганлик, касбий рефлексия, касбий ўзини-ўзи баҳолаш, метакогнитив кўникмалар, индивидуал-касбий ривожланиш траекторияси, мустақил таълим.

**Салбий (негатив) омиллар:**

- касбнинг ижтимоий статуси, иш ҳаққининг камлиги, муассаса имиджининг пастлиги, гендер тенгсизлик, касбий фаолиятдаги қийинчиликлар, институционал қўллаб-қувватлашдаги тўсиқлар, касбий ривожланиш ва ўсиш учун зарурӣ шартшароитнинг етарли эмаслиги, носоғлом мухит, валеологик ва андрагогик омиллар.

#### **4.1.1-жадвал**

#### **Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини баҳолаш мезонлари ва диагностик харитаси**

Мезонлар	Кўрсаткичлар	Интеграл диагностик технологиялар
Информацион	(A-1) Бошқарув ва педагогик фаолият соҳаси норматив-хуқуқий хужжатларини билиш, ижтимоий фаоллик	Тест, эссе, лойиҳа ишлари, ассесмент топшириқлари, тренинглар
	(A-2) Касбий-бошқарув фаолиятига оид ахборотларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, саралаш ва соҳага йўналтириш	Ассесмент топшириқлари, очиқ дарслар таҳлили асосидаги эксперtlар баҳоси, синергетик таҳлил
	(A-3) Бошқарув ва касбий вазифаларни ҳал этишда АҚ ва ПТ фойдаланиш	Тест, ижодий топшириқлар, очиқ дарслар таҳлили асосидаги эксперtlар баҳоси, тренинглар
	(A-4) Соҳага йўналтирилган хорижий тил кўникмаларининг ривожланганлиги	Коммуникатив методлар, аутентик таҳлил
Аналитик	(A-5) Касбий-бошқарувга доир вазифаларни тизимли таҳлил этиш асосида қарорлар қабул қилиш	Вазиятли топшириқлар, интервью, кейс таҳлил, қарорлар шажараси

	(А-6) Профил компетенцияларнинг ривожланганилиги, менежерлик кўникмаларига эгалик	Рефлексив технологиялар, тренинглар, SWOT таҳлил, лойиҳа иши тақдимоти, акмеограмма
	(А-7) Ўзини ўзи шахсий ва касбий ривожлантириш, публикацион фаоллик	Электрон портфолио натижалари асосидаги наукометрик ва библиометрик таҳлил, акмеограмма

Педагогик тажриба-синов ишларининг самарадорлиги унинг маҳсус дастур асосида олиб борилганлиги, ҳудудий танланма назоратнинг қўлланилиши, тегишли шарт-шароитнинг яратилганлиги ҳамда ижодий компетентлик даражасини белгиловчи информацион ва аналитик мезонларнинг ишлаб чиқилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади(4.1.1-жадвал).

Мазкур мезонларга мувофиқ таълим муассасалари раҳбарлар ижодий компетентлигини ривожланганлик даражасини диагностик харитаси белгиланди. Мазкур диагностик харитада раҳбарларнинг ижодий компетентлик даражасига қўйиладиган талабларни ўзига акс эттирган бўлиб, у нафақат диагностик кўрсаткичлар рефлексиясини балки, қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларининг самарадорлик даражасини аниқлашга ҳам хизмат қилди. Таълим муассасалари раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожланганлик даражасини аниқлаш имконини берувчи компетенцияларнинг индикаторли тузилмаси мазмуни 4.1.1-жадвалда ўз аксини топган.

Мазкур модел асосида таълим муасасалари раҳбарларининг ижодий компетентлигининг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини белгилашда даражали ёндошувдан фойдаланилди. Яъни, раҳбарлар ижодий компетентлигини баҳолашда 100 баллик шкала бўйича адаптив, таянч. продуктив ва ижодий (креатив) даражалари белгиланди (4.1.2-жадвал).

## 4.1.2-жадвал

### **Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини интеграл ривожланиш даражаси таснифи**

<b>Баллар</b>	<b>Даража кўрсаткичлари</b>	<b>Даража ёйилмаси</b>
0-55	Кўйи даражা	<p>Раҳбарларда самарали касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарурий билим, кўникма ва малакаларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги билан тавсифланади. Мазкур тоифа раҳбарларда ижод компетентликнинг фаолиятли-технологик компоненти талаб даражасида эмас, мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш траекториясини белгиламаган, касбий сифатлар қониқарли даражада шаклланган.</p>
56-70 балл	Таянч даражा	<p>Мазкур даражадаги раҳбарлар таянч ижодий компетенциялар яхши ривожланган, касбий фаолиятни амалга оширишнинг асосан фаолиятли-технологик компоненти ривожланган. Улар ўзини-ўзи ижодий ривожлантириш траекторияси ҳақида муайян назарий тасаввурларга эга. Уларда касбий билим ва кўникмалар мавжуд бўлса-да, бироқ, ташкилий ва бошқариш малакаларини етарли эмас, улар касбий фаолиятдаги ностандарт вазиятларни ечишда қийинчиликларга дуч келадилар. Раҳбарларда инновацион фаолият йўналишидаги касбий билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш эҳтиёжи мавжуд, бироқ, бу эҳтиёж тизимли, амалий характер касб этмайди, касбий рефлексия суст ривожланган</p>
71-85 балл	Продуктив даражা	<p>Шахсий йўналганлик, касбий ўзини-ўзи англаш ва касбий сифатларнинг шаклланганлик даражаси фаолият талабларига мос келади. Уларда ижодий фаолиятга салоҳиятли тайёргарликнинг асосини ташкил этувчи ижтимоий-хукукий, педагогик-психологик, маҳсус - методик йўналишлар юзасидан зарурий билим, кўникма ва малакалар шаклланган. Хусусан, улар таълимий ва бошқарув фаолиятини лойиҳалаштириш, самарали ташкил этиш, тактик-вазиятли қарорлар қабул қилиш кўнникмасига эга. Шунингдек, бу тоифа раҳбарларда мустақил ўзини-ўзи касбий ривожланишга қизиқиши, модераторлик, илмий-тадқиқотчилик, касбий инновацияларни ўзлаштириш эҳтиёж мавжуд, бироқ, уларда бу йўлдаги амалий ҳаракатларни ташкил этиш тажрибаси етишмайди.</p>

86-100 балл	Ижодий-креатив даражасига	Раҳбарларда зарурий касбий компетенциялар билан бирга шахсий-рефлексив компетентлик ривожланган. Улар мустақил касбий ривожланиш дастурига эга, ижодий-тадқиқотларни олиб бориш, лойихаларни бошқариш, ностандарт вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш қўникмасига эга, инновацион фаоллик ҳамда креативлик даражаси юқори бўлган, мустаҳкам касбий позицияси ва имиджига эга шахслар саналади. Улар инновацион фаолликнинг аксиологик, акмеологик даражасига эришган.
----------------	------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Таълим муассасалари раҳбарларининг ижодий компетентлигини диагностикаси жараёнида қўйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди:

1. Раҳбарлар ижодий компетентлигини баҳолашда нафақат баҳолаш мезонлари асосидаги даражаси кўрсаткичларга эмас, балким аввалги диагностика натижалари таҳлилини эътиборга олган ҳолда, таҳлилий холосалар шакллантирилди.

2. Диагностика жараёнларида ижодий компетентликни ривожланганлик даражасини аниқлаш билан бирга, мазкур соҳада раҳбарларнинг индивидуал-касбий ривожланиш имкониятлари ва траекторияси аниқланди.

3. Раҳбарлар ижодий компетентлигини ривожланганлик даражасини ўрганиш орқали уларнинг мустақил ўзини-ўзи баҳолаш, шахсий-рефлексив ёндошувни шакллантириш, касбий ўзини-ўзи ривожлантириш мотивациясининг қарор топишига ҳам хизмат қилди.

4. Раҳбарларнинг ижодий компетентлигини баҳолаш асосида уни ривожлантиришнинг амонавий механизмларини амалиётга жорий этиш ҳамда интеграл мониторингини олиб бориш бўйича ҳар бир таълим муассасасининг корпоратив мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўз стратегиясини ишлаб чиқишиг заруратини асосланди.

Биринчи босқичда тадқиқот мавзуси бўйича адабиётларни танлаш ва таҳлил қилиш, норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва ўқув материаллари, педагогик маҳорат ва унинг ривожланиш жараёни, моҳияти, мазмуни ва таркибий қисмлари, педагогик

экспериментнинг аниқлаш ва назорат қилиш босқичлари бўйича педагогик диагностика мезонлари ва баҳолаш тузилмасини ишлаб чиқилди.


Иккинчи босқичда амалий профессионал тажрибалар асосида тажрибаларни умумлаштириш, адабиётларни ўрганиш, педагогик тадқиқотларда ғоялар, мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш, диссертациянинг методологик тузилмасини белгилаш, тармоқ ўзаро ҳамкорлик шароитида таълим тизими раҳбар ходимларининг ижодий компетенцияларини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш амалга оширилди. Шунингдек, муаммоларни тўплаш ва таҳлил қилиш, ижодий компетенцияларни ривожлантиришда таълим жараёнининг шаклларини аниқлаш, педагогик тажрибасинов ўтказиш, фанлар блокининг тегишли мажбурий ва факультатив модуллар шаклида ижодий компетенцияларини ривожлантиришнинг ўқув-услубий қўлланмаларини ишлаб чиқиш амалга оширилди.

Учинчи босқич шакллантирувчи педагогик тажриба-синовни ўз ичига олиб, унда ишлаб чиқилган методик қўлланмалардан таълим жараёнида фаойдаланиш орқали таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган таълим жараёнининг ташкилий-методик таъминоти амалга оширилди. Назорат босқичида тажриба ишлари натижалари баҳоланди ва шарҳланди, таълим жараёни мавзулари бўйича тавсия ва хulosалар шакллантирилди ва тизимлаштирилди.

Ижодий компетентлигининг ривожланиш даражасини баҳолаш ишлаб чиқилган ва қайта-қайта синовдан ўтган тест материаллари асосида амалга оширилди, бу мажбурий ва факультатив модулларни ўрганиш жараёнида олинган билимларнинг турли соҳаларидан олинган саволларни ўз ичига олади. Таълим муассасасининг фаол раҳбарлари томонидан тармоқлараро ҳамкорликнинг турли форматларида иштирок этганлиги учун қўшимча баллар билан рағбатлантирилди (инновацион платформа, конференция ва семинарлар, фестиваллар ва бошқалар).

Мутахассис кадрларининг ижодий компетентлиги даражасини баҳолаш натижалари уларни ривожланишининг ўртача даражасини кўрсатди, бу ишлаб чиқилган моделни тармоқ ўзаро ҳамкорлик шароитида Таълим муассасаси раҳбар фаолиятига замонавий ёндашув” малака ошириш модулини ўқитишнинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади.

Тадқиқот босқичини баҳолаш натижалари асосида таълим муассасаси раҳбарларининг 90,1% и ижодий компетентлигининг ўртача ривожланиш даражаси билан тавсифланганлиги, иштирокчиларнинг фақат 6,6% и ижодий компетентлигининг юқори даражада ривожланганлигини ва 3,3% и - паст даражада эканлиги аниқланди (4.1.1-расм).




#### **4.1.1-расм. Педагогик тажриба-синовининг тадқиқот босқичида раҳбарларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожланганлик даражалари**

Биз ишлаб чиқсан тест материаллари асосида олиб борилган педагогик тажриба-синовнинг аниқловчи босқичида таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетенцияларини ривожланганлик даражаси назорат ва тажриба гуруҳларида ўртача даражасини намойиш этди. Масалан, назорат гурухида иштирокчиларнинг 90,3% ижодий компетентликнинг ўртача ривожланиш даражаси, тажриба гурухида эса - 90,0% билан тавсифланди. Тажриба гурухида раҳбарларининг атиги 3,3% да юқори даражада ривожланганлик қайд этилди.

Шунинг учун таълим муассасаси раҳбарларнинг аксарияти ижодий компетентликни ривожлантиришнинг ўртача даражаси билан ажralиб турди, яъни улар асосан бошқарув мулоқоти

соҳасида умумий билим, кўникма ва малакага эга бўлиб, шахсий психологик хусусиятларини, мулоқот кўникмаларини тақомиллаштириш ва уларни амалга ошириш зарурати мавжуд.

Тажриба-синовнинг аниқлаштириш босқичида олинган эмпирик маълумотлар тармоқлараро ўзаро таъсир шароитида таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш жараёнини оптималлаштиришнинг долзарблиги ва амалий аҳамиятини тасдиқлайди. Ушбу мақсадга эришиш ва таълим муассасасининг бошқарув ходимларидан ижодий компетентликнинг алоҳида компонентларини ишлаб чиқишидаги бўшлиқларни тўлдириш учун сўровнома ўтказилди. Алоқа муаммоларининг аҳамиятини беш балл бўйича баҳолаш таклиф этилди: 1-аҳамиятсиз, 5 - энг аҳамиятли. Сўров натижалари 4.1.2-расмда кўрсатилган.



#### **4.1.2-расм- Раҳбарларининг бошқарувдаги мавжуд муаммолари**

Педагогик тадқиқотларнинг аниқловчи босқичи натижаларини изоҳлашнинг объективлиги умуман тажриба натижаларнинг ишончлилигини олдиндан белгилаб берди ва тингловчиларнинг муайян шакл ва иш усулларига тайёр эмаслиги оқибатида мақсадли педагогик таъсирни режалаштиришда хатоликларга йўл қўйди. Аниқловчи босқичида олинган тажриба натижалари шакллантирувчи босқичини режалаштириш ва амалга ошириш учун асос яратди. Аниқловчи тажриба-синовнинг вазифалари ва натижалари бўйича шакллантириш тажриба-синови қуидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилди:

- тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик шароитида таълим

муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш моделини амалга ошириш;

- таълим муассасаси раҳбарларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш моделини тажриба-синовдан ўтказиш, самарадорлигига аниқланган педагогик шартларнинг таъсирини эмпирик жиҳатидан текшириш.

Тажриба-синовнинг шакллантирувчи босқичларини амалга ошириш учун олдиндан режалаштирилган ва ташкил этилган малака ошириш дастурини амалга ошириш асосан раҳбарлар билан сұхбат ўтказиш, шу жумладан, норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан танишиш, таълим ташкилоти раҳбарининг ижодий компетентлигини ривожланганлик даражасини аниқлаш, шунингдек, амалга оширилаётган индивидуал ишлар, ижодий компетентликни ривожлантириш бўйича мустақил ишларнинг мотивацияси ва йўналишларини фаоллаштиришга қаратилган.

Тажриба-синов ишининг назорат босқичи натижалари тажриба гурухи иштирокчиларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш даражасининг ижобий динамикасини тасдиқлайди (4.1.3-жадвал).

#### **4.1.3-жадвал**

#### **Мутахассис кадрларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ривожланганлик даражалари**

Бошқарувчанлик компетентлик-ning ривожланганлик даражалари	Назорат гурухи				Тажриба гурухи			
	Тажриба бошида		Тажриба охирида		Тажриба бошида		Тажриба охирида	
	Иштиро кчишлар сони	%	Иштиро кчишлар сони	%	Иштиро кчишлар сони	%	Иштиро кчишлар сони	%
1. Паст даражা	0	0,0	0	0,0	12	6,7	0	0
2. Ўрта даражা	168	90,3	162	87,1	162	90,0	72	40
3. Юқори даража	18	9,7	24	12,9	6	3,3	108	60

Тажриба гуруҳидаги аниқловчи тажриба-синов босқичида ижодий компетентлигининг ривожланиш даражаси паст бўлган 6 та раҳбар ходим бўлган бўлса, назорат гуруҳида йўқ. Бу гуруҳда алоқа компетентлигининг юқори даражада ривожланганлиги ташхиси қўйилган тажриба гуруҳи раҳбарлари сони 102 нафарга (3,3% дан

60% гача) кўпайди (8-жадвал). Шу билан бирга назорат гуруҳидаги тақорорий диагностика ижодий компетентликнинг ривожланиш даражасини баҳолашда муҳим ўзгаришларни очиб бермади.

Тажриба гуруҳида раҳбарларнинг 60%ида ижодий компетентликнинг юқори ривожланиш даражаси тажрибасиновининг назорат босқичида кузатилади (назорат гуруҳида факат 12,9%), ўртacha даража раҳбарларнинг 40% (назорат гуруҳида- 87,1%), паст даража тажриба ва назорат гуруҳлари вакилларининг бирортасида қайд этилмади.

Мутахассис кадрларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш бўйича тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашни амалга ошириш Стъюдент т-мезонига асосан танлаб олинган гипотезанинг ҳақиқийлигини текшириш ва кўрсаткичи сифатида танланди. Үнинг қулайлиги нормал тақсимот қонунига мувофиқ тақсимланган икки намуна учун ўртacha қийматлар ўртасидаги фарқларни баҳолаш, шунингдек, педагогик тадқиқотлар натижаларини мустақил-намуналардан фойдаланиш имконияти тенг бўлмаган компонентлар сонини статистик қайта ишлашда қўллаш мумкин. Статистик ҳисоб-китобларни бажаришда назорат ва ўлчов материалларига мувофиқ балларда ифодалангандан назорат ва тажриба гуруҳлари иштирокчиларининг ижодий компетентлигининг ривожланиш даражасини баҳолаш натижаларидан фойдаланилди. Стъюдент т-мезонини ҳисоблаш тартиби қуидагича белгиланган, 10-12-б]:

$$t = \frac{M_1 - M_2}{\sqrt{m_1^2 + m_2^2}} \quad (1)$$

Бу ерда  $M_1$  – биринчи жами таққосланма компонентларнинг ўртacha арифметик қиймати (тажриба гуруҳи),

$M_2$  – биринчи жами таққосланма компонентларнинг ўртacha арифметик қиймати (назорат гуруҳи),

$m_1$  – биринчи ўртacha арифметик қийматнинг ўртacha хатолиги,

$m_2$  – биринчи ўртacha арифметик қийматнинг ўртacha хатолиги.

Стъюдент т-мезони бўйича ҳисобланган қийматини изоҳлашда

эркинлик даражалари сонини аниқлаш учун ҳар бир гурухдаги ( $n_1$  ва  $n_2$ ) фанлар сони асосида аниқланган қуйидаги кўрсаткичдан фойдаланиш керак [100, 12-б]:

$$f = (n_1 + n_2) - 2 \quad (2)$$

Берилган муҳимлик даражасидаги эркинлик даражалари сонининг натижавий қиймати Стъюентнинг критик т-мезонининг қийматини стандартлаштирилган жадваллардан аниқлаш имконини беради. Жадвал қийматини Стъюент т-мезонининг эмпирик, ҳисобланган кўрсаткичи билан таққослаш керак. Агар ҳисобланган кўрсаткич қиймати критик қийматдан катта ёки teng бўлса, таққосланаётган кўрсаткичлар ўртасида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар мавжуд деган хulosага келинади. Агар Стъюентнинг ҳисоб-китоб натижалари бўйича аниқланган т-мезони қиймати жадвалдаги критик даражасидан кам бўлса, таққосланаётган намуналар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз деб эътироф этилади. Тадқиқот давомида тажриба-синов натижаларига статистик ишлов беришда амалий компьютер дастури Microsoft Excel ёрдамида амалга оширилди.

Ҳисоблаш натижаларини изоҳлаш умумийлик сифатида кўрсатилган намуналар ҳақидаги гипотезани статистик текширишга асосланади.  $H_0$  гипотезаси таққосланмалар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар йўқлигини таъкидлайди. Муқобил гипотеза назорат ва тажриба гуруҳларида таққосланган намуналар ўртасидаги фарқлар – ижодий компетентликнинг ривожланиш даражасини баҳолаш натижалари статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Стъюентнинг т - мезонида олинган эмпирик қийматлари учта универсал зонадан иборат бўлиб, зарур аҳамиятга эга бўлган муҳимлик даражаси учун танқидий жадвал қийматлари билан таққосланди: аҳамиятсизлик зонаси, ноаниқлик зонаси ва муҳимлик зонаси.

Бу зоналарнинг чэгаралари  $n=0.05$  ва  $n=0.01$  даражалари учун стандартлаштирилган жадваллар асосида аниқланган Стъюент т-мезонининг критик қийматлари билан ифодаланади. Шундай қилиб,

Стъюдентнинг ҳисобланган т-мезони қиймати ўқ бўйича қуидаги зоналардан бирига тушиши мумкин:

- аҳамиятсизлик зонасида ( $t_{эмн} < t_{крит0.05}$ ): тажриба гурухининг гипотезаси турли даражада қабул қилинади, аҳамиятлилик кўрсаткичига эга эмас;
- ноаниқлик зонасида ( $t_{крит0.05} \leq t_{эмн} < t_{крит0.01}$ ): тажриба гурухининг гипотезаси турли даражада қабул қилинади, аҳамиятлилик кўрсаткичи  $p < 0.05$ ;
- муҳимлик зонасида ( $t_{крит0.01} \leq t_{эмн}$ ): тажриба гурухининг гипотезаси турли даражада қабул қилинади, аҳамиятлилик кўрсаткичи  $p < 0.01$ .

Назорат ва тажриба гуруҳлари учун Стъюдентнинг т-мезонини автоматик ҳисоблаш педагогик тажрибада унинг қиймати  $t=2.8$  эканлигини билдиради. Бундаэркинлик даража сони:

